**БЕЗБЕДНЫЙ**, -ая, -ое муҳтожлик кўрмаган, зориқмаган; баҳузур; муҳтож бўлмай; **безбедное существование** муҳтожлик кўрмай, зориқмай яшаш.

**БЕЗБЕЛКОВЫЙ**, -ая, -ое белоксиз, оқсил моддасиз.

**БЕЗБИЛЕТНЫЙ**, -ая, -ое билетсиз, билети йўқ; **безбилетный пассажир** билетсиз пассажир.

**БЕЗБОЖИЕ** *ср мн. нет* худосизлик, даҳрийлик, атеизм.

**БЕЗБОЖНИК** *м*, **БЕЗБОЖНИЦА** *ж* худосиз, даҳрий, атеист.

**БЕЗБОЖНИЦА** *ж қ.* безбожник.

**БЕЗБОЖНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое безбожник *сўз. сиф.*; *қ.* безбожник.

**БЕЗБОЖНО** *нареч. ж. т.* инсофсизларча, инсофсизлик блан, виждонсизларча, виждонсизлик блан, уялмай, уялмай.

**БЕЗБОЖНЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* безбожие ва безбожник *сўз. сиф.*; 1. даҳрий, худога ишонмайдиган; 2. инсофсиз, виждонсиз, виждонсизларча қилинган; **безбожные цены** ҳаддан ташқари қиммат баҳолар, жуда қиммат нархлар.

**БЕЗБОЛ** *м спорт.* безбол (тўп ўйинининг бир тури).

**БЕЗБОЛЕЗНЕННО** *нареч.* 1. оғриқсиз, оғритмасдан, беозор; 2. енгил, осон, ўнғай, жўнгина.

**БЕЗБОЛЕЗНЕННОСТЬ** *ж мн. нет* 1. оғриқсизлик, озорсизлик, оғритмаслик; 2. ‖ енгиллик, осонлик, ўнғайлик.

**БЕЗБОЛЕЗНЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. оғриқсиз, озорсиз; оғритмайдиган; 2. ‖ енгил, осон, ўнғай, жўн; **безболезненное решение вопроса** масалани ўнғай, кўнгилдагидек ҳал этиш.

**БЕЗБОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *поэз.* 1. = безболезненный *(қ.)*; 2. ‖ машаққатсиз, оғриқсиз, азиятсиз.

**БЕЗБОРОДЫЙ**, -ая, -ое 1. кўса, соқолсиз; 2. ёш, мўйлови чиқмаган (йигит).

**БЕЗБОЯЗНЕННО** *нареч.* қўрқмасдан, дадиллик блан, довюраклик блан.

**БЕЗБОЯЗНЕННЫЙ**, -ая, -ое қўрқмайдиган, довюрак, юракли, мардона.

**БЕЗБРАЧИЕ** *ср мн. нет* никоҳсизлик, бўйдоқлик; эрга чиқмаслик, қизларнинг эрга тегишдан бош тортиши ёки хотин олмаслик, хотин олишдан, уйланишдан бош тортиш.

**БЕЗБРАЧНЫЙ**, -ая, -ое эрга тегмаган, эрга тегишдан бош тортган ёки хотин олмаган, хотин олишдан бош тортган.

**БЕЗБРЕЖНОСТЬ** *ж мн. нет* поёнсизлик, чексизлик.

**БЕЗБРЕЖНЫЙ**, -ая, -ое қирғоқсиз; бепоён, чексиз, ҳадсиз; **безбрежная степь** бепоён чўл.

**БЕЗБРОВЫЙ**, -ая, -ое қошсиз, қоши йўқ; камқош.

**БЕЗВЕДРИЕ** *ср мн. нет маҳл.* ёғингарчилик, намгарчилик.

**БЕЗВЕРИЕ** *ср* 1. динсизлик, худога ишонмаслик, даҳрийлик; 2. бирор нарсага ишонмаслик.

**БЕЗВЕСТНО** *нареч.* бедарак, дараксиз; ном-нишонсиз, нома'лум; **безвестно отсутствующий** бедарак йўқолган, дараксиз бўлиб кетган.

**БЕЗВЕСТНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. шуҳратсизлик, беному нишонлик, **жить в безвестности** хилватда, гўшада яшамоқ; 2. бедараклик, нома'лумлик.

**БЕЗВЕСТНЫЙ**, -ая, -ое 1. донги чиқмаган, номи ҳеч кимга ма'лум бўлмаган; 2. бедарак, нома'лум, ном-нишонсиз.

**БЕЗВЕ́ТРЕННОСТЬ** *ж мн. нет* шамолсизлик, димлик.

**БЕЗВЕ́ТРЕННЫЙ**, -ая, -ое шамолсиз; **безве́тренная погода** шамолсиз, дим ҳаво.

**БЕЗВЕ́ТРИЕ** *ср мн. нет* шамолсизлик; ҳавонинг сокинлиги, димлик.

**БЕЗВИННОСТЬ** *ж мн. нет* гуноҳсизлик, айбсизлик; ма'сумлик.

**БЕЗВИННЫЙ**, -ая, -ое айбсиз, гуноҳсиз, ма'сум.

**БЕЗВКУСИЕ** *ср*=**безвкусица** (*қ.*).

**БЕЗВКУСИЦА** *ж мн. нет* 1. дидсизлик; завқсизлик, гузал нарсани хунук нарсадан фарқ этабилмаслик; куримсизлик; 2. келишмаганлик, бемазагарчилик.

**БЕЗВКУСНЫЙ**, -ая, -ое 1. мазасиз, бемаза (овқат ҳақида); 2. ёқимсиз, келишмаган, хунук, бетамиз, ухшовсиз; бадиий жиҳатдан паст.

**БЕЗВЛА́СТИЕ** *ср мн. нет* ҳокимиятсизлик, бошлиқсизлик, анархия.

**БЕЗВЛА́СТНЫЙ**, -ая, -ое ҳокимиятсиз, ҳокимиятга эга булмаган; кучсиз.

**БЕЗВО́ДИЕ, БЕЗВО́ДЬЕ** *ср мн. нет* сувсизлик; сув ёки нам етишмаслик; қурғоқчилик.

**БЕЗВО́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. сувга камбағал, сувсиз, намсиз, қақраган; **безво́дные пустыни** қақраган чуллар; 2. суви йуқ, суви қуриб қолган (қудуқ, дар'ё ва ҳ. к. ҳақида); **безво́дная кислота** (*хим.*) таркибида сув йуқ кислота.

**БЕЗВОЗБРА́ННЫЙ**, -ая, -ое *эск.* тақиқ қилинмаган, тусиқсиз.

**БЕЗВОЗВРА́ТНО** *нареч.* бадар, қайтмас, қайтмайдиган булиб; **ушёл безвозвра́тно** бадар кетди, қайтмас булиб кетди.

**БЕЗВОЗВРА́ТНЫЙ**, -ая, -ое 1. қайтмас, қайтмайдиган; 2. қайтарилмайдиган; еб кетарга берилган; **безвозвра́тная ссуда** қайтариб берилмайдиган қарз, бунак.

**БЕЗВОЗДУ́ШНЫЙ**, -ая, -ое *физ.* ҳавосиз; **безвоздушное пространство** ҳавосиз бушлиқ, фазо.

**БЕЗВОЗМЕ́ЗДНЫЙ**, -ая, -ое текин, бепул, бадалсиз; **безвозме́здное пользование** текин фойдаланиш.

**БЕЗВО́ЛИЕ** *ср мн. нет* иродасизлик, қат'иятсизлик, мужмаллик.

**БЕЗВОЛО́СЫЙ**, -ая, -ое туксиз, сочсиз.

**БЕЗВО́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое иродасиз; иродаси суст; қат'иятсиз, мужмал; буш.

**БЕЗВРЕ́ДНО** *нареч.* зарарсиз, зиёнсиз, зиён келтирмасдан, зарар етказмасдан.

**БЕЗВРЕ́ДНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. зарарсизлик, зиёнсизлик; 2. беозорлик.

**БЕЗВРЕ́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. зарарсиз, безарар, безиён; 2. беозор; **безвре́дный человек** ювош одам, зарари тегмайдиган одам.

**БЕЗВРЕ́МЕННО** *нареч.* вақтсиз, бевақт, бемаҳал; эрта.

**БЕЗВРЕ́МЕННЫЙ**, -ая, -ое вақтсиз, бевақт, бемаҳал; бемаврүд.

**БЕЗВРЕ́МЕНЬЕ** *ср мн. нет* 1. оғир, мусибатли замон; қийинчилик маҳали; 2. жамиятда—ижтимоий, маданий турғунлик даври.

**БЕЗВЫ́ГОДНОСТЬ** *ж мн. нет* фойдасизлик, ҳаёнсизлик; наф'и йуқлик, фойда-зарари йуқлик.

**БЕЗВЫ́ГОДНЫЙ**, -ая, -ое фойдасиз, ҳаёнсиз, фойда келтирмайдиган; фойда-зарари йуқ.

**БЕЗВЫЕЗДНО** *нареч.* доимий, муқим, ҳечқаёққа жилмасдан, кучмасдан, бир ерда муқим туриб; **жить безвыездно в одном городе** бир шаҳарда муқим турмоқ.

**БЕЗВЫЕЗДНЫЙ**, -ая, -ое доимий, муқим, ҳечқаёққа жилмасдан, кучмасдан, доим бир жойда турадиган.

**БЕЗВЫ́ХОДНО** *нареч.* ҳечқаёққа чиқмасдан, жилмасдан; **безвы́ходно сидеть дома** ҳечқаёққа чиқмасдан уйда утирмоқ.

**БЕЗВЫ́ХОДНОСТЬ** *ж мн. нет* чорасизлик, иложсизлик, қийинчилик.

**БЕЗВЫ́ХОДНЫЙ**, -ая, -ое 1. ҳечқаёққа чиқмайдиган, қимирламай, муқим утирадиган; 2. чорасиз, илож-

сиз; қийин, мушкул; безвыходное положение қийин, мушкул аҳвол.

**БЕЗГЛА́ВЫЙ**, -ая, -ое *поэз.* калласиз, калласи олинган, узилган.

**БЕЗГЛА́ЗЫЙ**, -ая, -ое кўр, сўқир, кўзсиз.

**БЕЗГЛА́СНЫЙ**, -ая, -ое 1. ювош, хомуш, тилсиз, индамас, товуш чиқармайдиган; 2. ўз фикрига эга бўлмаган; ўз фикрини очиқ айтмайдиган, жур'атсиз; 3. яширин, махфий.

**БЕЗГОЛО́ВЫЙ**, -ая, -ое 1. бошсиз, калласиз; 2. || миясиз, зеҳнсиз, ақли паст; 3. ўтакетган паришон, эси паст.

**БЕЗГОЛО́СНЫЙ**, -ая, -ое *лингв:* **безголо́сные зву́ки** жарангсизлар, жарангсиз ундош товушлар, мас. *к, п, т.*

**БЕЗГОЛО́СЫЙ**, -ая, -ое товуши паст, овозсиз, овози бўғиқ.

**БЕЗГРА́МОТНО** *нареч.* саводсизларча, саводсизона, хатоси кўп.

**БЕЗГРА́МОТНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. бесаводлик, савод (хат) билмаслик; 2. саводсизлик, нодонлик, жоҳиллик.

**БЕЗГРА́МОТНЫЙ**, -ая, -ое 1. чаласавод; ёзувда кўп хато қиладиган; саводсиз; 2. грамматик ва стилистик хатолари жуда кўп; 3. || бирор фан ёки билим соҳасида бошланғич ма'лумотга ҳам эга бўлмаган, саводсиз; бехабар, нодон, жоҳил; **политически безгра́мотный** сиёсий саводсиз; сиёсатдан бехабар.

**БЕЗГРАНИ́ЧНО** *нареч.* чексиз, чегарасиз, ҳаддан ташқари, беҳад, бениҳоя.

**БЕЗГРАНИ́ЧНОСТЬ** *ж мн. нет* чексизлик, чегарасизлик, бепоёнлик; бениҳоят.

**БЕЗГРАНИ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое чексиз, чегарасиз, ҳадсиз, бепоён, бениҳоят, ниҳоятсиз.

**БЕЗГРА́ННЫЙ**, -ая, -ое 1. қиррасиз, суюр; 2. *поэз.* = **безграничный** *(қ.).*

**БЕЗГРЕ́ШНО** *нареч.* гуноҳсизларча, ма'сумона.

**БЕЗГРЕ́ШНОСТЬ** *ж мн. нет* гуноҳсизлик, бегуноҳлик, айбсизлик; софлик, ма'сумлик.

**БЕЗГРЕ́ШНЫЙ**, -ая, -ое 1. гуноҳсиз, бегуноҳ. айбсиз; ма'сум; 2. жоиз, айб эмас, ҳалол; ◇ ***безгре́шные дохо́ды*** *(эск. кест.)* ҳаром даромад; пора.

**БЕЗДА́РНОСТЬ** *ж мн. нет* исте'додсизлик, лаёқатсизлик, қобилиятсизлик.

**БЕЗДА́РНЫЙ**, -ая, -ое 1. исте'додсиз, қобилиятсиз; лаёқатсиз; 2. нўноқ; уқувсиз; **безда́рное произведе́ние** қимматсиз, бема'ни асар.

**БЕЗДА́РЬ** *ж мн. нет ж. т.* 1. исте'додсиз, қобилиятсиз, уқувсиз одамлар; 2. = **бездарность** *(қ.).*

**БЕЗДЕ́ЙСТВЕННОСТЬ** *ж мн. нет* ҳаракатсизлик, фа'олиятсизлик, амалиятсизлик; сустлик.

**БЕЗДЕ́ЙСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. ҳаракатсиз, фа'олият кўрсатмайдиган, суст; 2. тўхтаган, ишламасдан ётиб қолган; бекор.

**БЕЗДЕ́ЙСТВИЕ** *ср мн. нет* 1. ҳаракатсизлик, бекорчилик, бекор туриш, қимирламаслик; 2. ғайратсизлик.

**БЕЗДЕ́ЙСТВОВАТЬ** *несов.* 1. беҳаракат (жим) турмоқ; 2. сусткашлик қилмоқ.

**БЕЗДЕ́ЙСТВУЮЩИЙ**, -ая, -ее 1. ҳаракатсиз, фа'олиятсиз, жим турган; 2. ишламайдиган, бекор турган, тўхтаган.

**БЕЗДЕ́ЛИЦА** *ж ж. т.* арзимаган, бекорчи нарса, аҳамиятсиз, қимматсиз нарса, беҳуда нарса.

**БЕЗДЕ́ЛКА** *ж* = **безде́лица** *(қ.).*

**БЕЗДЕЛУ́ШКА** *ж* майда-чуйда безак.

**БЕЗДЕ́ЛЬЕ** *ср мн. нет* бекорчилик; бекор, бўш юриш.

**БЕЗДЕ́ЛЬНИК** *м*, **БЕЗДЕ́ЛЬНИЦА** *ж* 1. бекорчи, бекор юручи; хушёқмас, ялқов; 2. қўлидан иш келмас одам; танбал; ҳийлагар, алдоқчи одам.

**БЕЗДЕ́ЛЬНИЦА** *ж қ.* **безде́льник.**

**БЕЗДЕ́ЛЬНИЧАТЬ** *несов. ж. т.* бекор юрмоқ, ялқовлик, дангасалик қилиб юрмоқ.

**БЕЗДЕ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* бекор, бекорчи; **безде́льное существо-**

вание бекорчилик блан умр ўтказиш, ишламай ҳаёт кечириш.

**БЕЗДЕНЕЖНЫЙ**, -ая, -ое 1. пулсиз, чақасиз, харжсиз; камбағал; 2. нақд пулсиз бўладиган муомала, расчет.

**БЕЗДЕНЕЖЬЕ** *ср мн. нет* пулсизлик; камхаржлик.

**БЕЗДЕТНОСТЬ** *ж мн. нет* боласизлик, фарзандсизлик.

**БЕЗДЕТНЫЙ**, -ая, -ое боласиз, бефарзанд; наслсиз.

**БЕЗДЕФИЦИТНЫЙ**, -ая, -ое *эк.* дефицитсиз, кирими чиқимидан ортиқ ёки кирим-чиқими тенг бўлган.

**БЕЗДЕЯТЕЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* фаъолиятсизлик, ҳаракатсизлик, ғайратсизлик.

**БЕЗДЕЯТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое фаъолиятсиз, ҳаракатсиз, ғайратсиз, суст.

**БЕЗДНА** *ж* 1. чоҳ, ернинг қаъри; тагсиз, тубсиз, бениҳоя чуқур; 2. денгиз ёки дарёнинг қаъри; гирдоб, гум; 3. ‖ *ж. т.* тумонат, ҳисобсиз, сон-саноқсиз, беҳад кўп; 4. чексиз, чегарасиз, бепоён фазо; ◇ *бездна премудрости* (*ҳазл.*) ақл дарёси, теран ақл.

**БЕЗДОЖДИЕ, БЕЗДОЖДЬЕ** *ср* ёмғирсизлик, ёғинсизлик, қурғоқчилик

**БЕЗДОЖДНЫЙ**, -ая, -ое ёмғирсиз, ёғинсиз.

**БЕЗДОКАЗАТЕЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* далилсизлик, исботсизлик, асоссизлик.

**БЕЗДОКАЗАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое далилсиз, исбот қилинмаган; асоссиз; бездоказательное утверждение исботсиз қуруқ даъво.

**БЕЗДОМНЫЙ**, -ая, -ое 1. уйжойи йўқ, бошпанасиз; 2. оиласиз, ёлғиз, якка.

**БЕЗДОННЫЙ**, -ая, -ое тагсиз, таги йўқ, тубсиз, жуда чуқур; ◇ *бездонная бочка* жуда кўп ичадиган, кўп пул сарф қиладиган, исрофгар одам, мечкай.

**БЕЗДОРОЖЬЕ** *ср мн. нет* 1. йўлсизлик; обод йўлларнинг камлиги ёки йўқлиги; 2. йўлларнинг бузуқлиги, йўлларнинг қор эриши, сув тошқини ёки ёмғир натижасида бузилиши; лойгарчилик натижасида йўлларнинг бекилиб қолиши.

**БЕЗДОХОДНЫЙ**, -ая, -ое даромадсиз, киримсиз; фойда ёки даромад бермайдиган.

**БЕЗДУМНЫЙ**, -ая, -ое уйсиз, камфикр, кўп уйламайдиган (одам).

**БЕЗДУШИЕ** *ср* шафқатсизлик, тошбағирлик, раҳмсизлик.

**БЕЗДУШНЫЙ**, -ая, -ое 1. руҳсиз, ўлик; 2. раҳмсиз, шафқатсиз, бағри қаттиқ, инсофсиз; 3. бепарво.

**БЕЗДЫМНЫЙ**, -ая, -ое бетутун, ёнганда тутун чиқмайдиган; бездымный порох тутун чиқармайдиган милтиқ дори.

**БЕЗДЫХАННЫЙ**, -ая, -ое нафаси тўхтаган, дами чиқмай қолган, жонсиз, ўлик.

**БЕЗЕ** *ср нескл.* нишолдадан қилинган пирожное.

**БЕЗЖАЛОСТНО** *нареч.* аямай, ачинмай, раҳм қилмай, шафқатсизлик блан.

**БЕЗЖАЛОСТНОСТЬ** *ж мн. нет* раҳмсизлик, аямаслик, шафқатсизлик, бераҳмлик, ачинмаслик.

**БЕЗЖАЛОСТНЫЙ**, -ая, -ое раҳмсиз, шафқатсиз, бераҳм, қаҳрли, аямайдиган, ачинмайдиган.

**БЕЗЖИЗНЕННО** *нареч.* 1. руҳсиз, жонсиз, ўлик; 2. суст, ҳаяжонсиз, дардсиз.

**БЕЗЖИЗНЕННОСТЬ** *ж мн. нет* 1. жонсизлик; ҳаётсизлик; 2. руҳсизлик.

**БЕЗЖИЗНЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. ҳаётсиз, жонсиз, ўлик-тириклик нишонаси йўқ; 2. руҳсиз; заиф, бўш, суст; 3. дардсиз, ҳаяжонсиз.

**БЕЗЗАБОТНОСТЬ** *ж мн. нет* ғамсизлик, бепарволик, қайғусизлик, ҳаракатсизлик.

**БЕЗЗАБОТНЫЙ**, -ая, -ое ғамсиз, беғам, парвосиз, қайғусиз.

**БЕЗЗАВЕТНО** *нареч.* фидокорона, фидокорлик блан, беҳад, садоқат блан, жон-дил блан; беззаветно любить родину ватанни жон-дил блан севмоқ, садоқат блан севмоқ.

**БЕЗЗАВЕ́ТНЫЙ**, -ая, -ое фидокор, садоқатли, содиқ, жонкуяр; беҳад, бепоён; **беззаветная любовь** фидокорона муҳаббат, жон-дили блан севиш.

**БЕЗЗАКО́НИЕ** *ср* **1.** қонунга риоя қилмаслик, қонунга хилофлик; қонунни бузишлик; **2.** қонунсиз ҳаракат; жабр, зулм.

**БЕЗЗАКО́ННИЧАТЬ** *несов. содд.* қонунга хилоф иш қилмоқ, қонунни поймол қилмоқ; жабр, зулм қилмоқ.

**БЕЗЗАКО́ННОСТЬ** *ж мн. нет* қонунсизлик, қонунга риоя қилмаслик.

**БЕЗЗАКО́ННЫЙ**, -ая, -ое қонунсиз, қонунга хилоф, нотўғри, бетартиб.

**БЕЗЗАПРЕ́ТНЫЙ**, -ая, -ое **1.** тақиқ қилинмаган, ман' этилмаган; **2.** тийилмаган.

**БЕЗЗАСТЕ́НЧИВО** *нареч.* уялмасдан, тортинмасдан; сурбетлик блан, беорлик блан; ор-номус қилмасдан.

**БЕЗЗАСТЕ́НЧИВОСТЬ** *ж мн. нет* уятсизлик, ҳаёсизлик, андишасизлик, беорлик.

**БЕЗЗАСТЕ́НЧИВЫЙ**, -ая, -ое уятсиз, ҳаёсиз, уялмайдиган, андишасиз, сурбет, беор.

**БЕЗЗАЩИ́ТНОСТЬ** *ж мн. нет* ҳимоясизлик, мудофаасизлик, ёрдамчисизлик, ожизлик.

**БЕЗЗАЩИ́ТНЫЙ**, -ая, -ое ҳимоячисиз, мудофаасиз; ожиз, бечора.

**БЕЗЗВЁЗДНЫЙ**, -ая, -ое юлдузсиз; **беззвёздная ночь** қоронғи, юлдузсиз кеча.

**БЕЗЗВУ́ЧИЕ** *ср мн. нет* овозсизлик; тинчлик, жимлик.

**БЕЗЗВУ́ЧНО** *нареч.* товуш чиқазмай, ун чиқазмай, индамай; жимжитлик блан, оҳистагина.

**БЕЗЗВУ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое **1.** товушсиз, унсиз, жим; **2.** овозсиз; паст овоз, паст; **беззвучный плач** инграш, унсиз йиғлаш.

**БЕЗЗЕМЕ́ЛЬЕ** *ср мн. нет* ерсизлик, ерга муҳтожлик, ер камчилиги.

**БЕЗЗЕМЕ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ерсиз, ери йўқ, ерга муҳтож.

**БЕЗЗЛО́БИЕ** *ср мн. нет* беғазаблик, беғаразлик; ювошлик, юмшоқлик, жаҳлсизлик.

**БЕЗЗЛО́БНЫЙ**, -ая, -ое жаҳлсиз, беғазаб, беғараз; ювош, юмшоқ, юмшоқ кўнгилли.

**БЕЗЗУ́БЫЙ**, -ая, -ое **1.** кемшик, тишсиз, тиши тушган; **2.** ‖ кучсиз, заиф, бўш; бемаза, бема'ни; **беззубая критика** та'сирсиз (суст) танқид.

**БЕЗИДЕ́ЙНОСТЬ** *ж мн. нет* ғоясизлик, маслаксизлик, идеясизлик.

**БЕЗИДЕ́ЙНЫЙ**, -ая, -ое ғоясиз, маслаксиз, мазмунсиз, пуч.

**БЕЗИНИЦИАТИ́ВНОСТЬ** *ж мн. нет* ташаббуссизлик, ғайратсизлик.

**БЕЗИНИЦИАТИ́ВНЫЙ**, -ая, -ое ташаббуссиз, беғайрат; **безинициативный челове́к** ташаббуси йўқ, ғайратсиз одам.

**БЕЗЛЕ́СНЫЙ**, -ая, -ое ўрмонсиз, ўрмонзорлари кам; камдарахт.

**БЕЗЛЕ́СЬЕ** *ср мн. нет* ўрмонсизлик, урмонзорларнинг, дарахтзорларнинг кам булишлиги.

**БЕЗЛИ́КИЙ**, -ая, -ое **1.** қиёфаси, башараси нома'лум; **2.** ‖ мужмал (одам).

**БЕЗЛИ́СТВЕННЫЙ**, -ая, -ое баргсиз, япроқсиз, барги тўкилган; кўкармаган.

**БЕЗЛИ́СТНЫЙ**, -ая, -ое, **БЕЗЛИ́СТЫЙ**, -ая, -ое = безлиственный *(қ.)*.

**БЕЗЛИ́СТЫЙ** = безли́ственный *(қ.)*.

**БЕЗЛИ́ЧИЕ** *ср* = безличность *(қ.)*.

**БЕЗЛИ́ЧНОСТЬ** *ж*, **БЕЗЛИ́ЧИЕ** *ср мн. нет* шахсиятсизлик, сиймосизлик, қиёфанинг нома'лумлиги; мужмаллик.

**БЕЗЛИ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое **1.** ўзига хос шахсий хусусиятларга эга булмаган, қиёфаси нома'лум; **2.** *лингв.* шахссиз; эгасиз қулланадиган; **безличное предложе́ние** *(грам.)* эгасиз гап.

**БЕЗЛОШАДНИК** *м* оти йўқ, отуловсиз деҳқон.

**БЕЗЛОША́ДНЫЙ**, -ая, -ое отсиз, оти йўқ; от-уловсиз; **безлошадно**

хозяйство от-уловсиз хужалик (революциягача Россияда камқувват, камбағал деҳқон хужаликлари).

**БЕЗЛУ́ННЫЙ**, -ая, -ое ойсиз, ойдинсиз; **безлу́нная ночь** қоронғи кеча.

**БЕЗЛЮ́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. аҳолисиз, аҳолиси кам; 2. одамсиз, пасқам, хилват; **безлюдная улица** хилват куча; ◇ *безлюдный фонд* бирор идоранинг штатидан ташқари ёлланган кишиларга туланиши тегишли булган пул фонди.

**БЕЗЛЮДЬЕ** *ср мн. нет* 1. аҳолисизлик; 2. ‖ одам камлиги, зарур ишга яроқли кишиларнинг етишмаслиги.

**БЕЗМА́ЛА** *нареч.* салкам, қарийб, пича кам.

**БЕЗМА́ТОК** *м махс.* онасиз куч (асаларилар ҳақида).

**БЕЗМЕ́Н** *м* тошсиз тортадиган дастакли ёки пружинали асбоб, тарози.

**БЕЗМЕ́РНЫЙ**, -ая, -ое беулчов, чексиз, ме'ёри йуқ, ҳаддан ташқари.

**БЕЗМО́ЗГЛОСТЬ** *ср ж. т.* ақлсизлик, аҳмоқлик, миясизлик, анқовлик, овсарлик.

**БЕЗМО́ЗГЛЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* миясиз; аҳмоқ, тентак, бефаҳм; фаросатсизлик блан қилинган.

**БЕЗМО́ЛВИЕ** *ж мн. нет* жимжитлик, хомушлик, сукунат, тинчлик, тиним.

**БЕЗМО́ЛВНО** *нареч.* жим, индамай; сукут қилиб; дамини чиқармай, **стоять безмолвно** жим турмоқ.

**БЕЗМО́ЛВНЫЙ**, -ая, -ое индамас, гапирмас, жим, хомуш; **безмолвное согласие** сукут блан розилик билдириш.

**БЕЗМО́ЛВСТВОВАТЬ** *несов.* жим турмоқ, индамай утирмоқ, хомуш утирмоқ, сукут қилмоқ; **он безмолвствовал** у дамини ҳам чиқармади.

**БЕЗМОТО́РНЫЙ**, -ая, -ое моторсиз; **безмоторный летательный аппарат** моторсиз учадиган аппарат.

**БЕЗМУ́ЖНЯЯ** *ж ж. т. маҳл.* эрсиз, тул, бева.

**БЕЗМЯТЕ́ЖНОСТЬ** *ж мн. нет* тинчлик, осойишталик, хотиржамлик, оромда б лишлик.

**БЕЗМЯТЕ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое тинч, бегашвиш, жанжал ва ғавғосиз; **безмятежная жизнь** тинч турмуш, ҳаловат.

**БЕЗНАДЕ́ЖНО** *нареч.* умидсизлик олан, ноумид, ишонмай; ишончсизлик блан; ма'юсона.

**БЕЗНАДЕ́ЖНОСТЬ** *ж мн. нет* умидсизлик, ишончсизлик, чорасизлик; **безнадежность положения** нонложлик, аҳволнинг танглиги.

**БЕЗНАДЕ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое умид қилиб булмайдиган, умидсиз, ишончсиз, ишониб булмайдиган, тузалмас; **больной безнадежен** касалнинг тузалишидан умид йуқ.

**БЕЗНАДЗО́РНОСТЬ** *ж мн. нет* назоратсизлик, тергалмаганлик, қаровсизлик, боқимсизлик.

**БЕЗНАДЗО́РНЫЙ**, -ая, -ое назоратсиз қолган, боқимсиз, қаровсиз; **безнадзорный ребенок** назоратсиз, бебош қолган бола.

**БЕЗНАКА́ЗАННО** *нареч* 1. жазо курмасдан; бемалол; 2. ҳайиқмасдан.

**БЕЗНАКА́ЗАННОСТЬ** *ж мн. нет* жазо курмаслик, жазога тортилмаслик, жиноят қилиб жазосини тортмаслик; жиноятга йул қуйиб беришлик.

**БЕЗНАКА́ЗАННЫЙ**, -ая, -ое жазосиз, жазосиз қолдирилган, жазоси берилмаган, жазога тортилмаган.

**БЕЗНАЛИ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое *бухг.* нақд пул бермасдан, ҳужжатлар асосида қилинадиган (расчёт ҳақида).

**БЕЗНАЧА́ЛИЕ** *ср* ҳокимиятсизлик, бошлиқсизлик; анархия, тартибсизлик, бошбошдоқлик, узбошимчалик.

**БЕЗНО́ГИЙ**, -ая, -ое оёқсиз, чулоқ.

**БЕЗНО́СЫЙ**, -ая, -ое 1. бурунсиз, пучуқ; 2. жумраксиз; **безно́сый чайник** жумраксиз чойнак.

**БЕЗНРА́ВСТВЕННОСТЬ** *ж мн. нет* ахлоқсизлик, беадаблик, уятсизлик.

**БЕЗНРА́ВСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое ахлоқсиз, беадаб, уятсиз; тавфиқсиз.

**БЕЗО́** *қ.* без.

**БЕЗОБИ́ДНОСТЬ** *ж мн. нет* беозорлик, зарарсизлик, ювошлик.

**БЕЗОБИ́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. беозор; **безоби́дный челове́к** беозор, ювош одам; 2. ‖ зиёнсиз, хавфсиз; **безоби́дный зверёк** ювош ҳайвон.

**БЕЗО́БЛАЧНОСТЬ** *ж мн. нет* булутсизлик, очиқлик, софлик, тиниқлик (ҳаво ҳақида).

**БЕЗО́БЛАЧНЫЙ**,-ая,-ое 1. булутсиз, очиқ, соф, тиниқ (ҳаво); **безоблачное не́бо** тиниқ осмон, очиқ ҳаво; 2. ‖ беташвиш; **безоблачное счастье** бахтиёрлик, бекайғу яшаш, ҳузур-ҳаловат.

**БЕЗОБМА́ННЫЙ**, -ая, -ое ҳийласиз, ғирромлик, қаллоблик қилмай, ҳалол.

**БЕЗОБРА́ЗИЕ** *ср мн. нет* 1. хунуклик, утакетган бадбашаралик, беухшовлик, бесунақайлик; 2. нома'қулчилик, ярамаслик, бема'нигарчилик; расвогарчилик, утакетган тартибсизлик; ◇ *что за безобра́зие!* бу қандай бемазагарчилик, тартибсизлик!

**БЕЗОБРА́ЗИТЬ** *несов.* 1. хунуклаштирмоқ, бузмоқ, расво қилмоқ; 2. *ж. т.* тартибсизлик қилмоқ.

**БЕЗОБРА́ЗИТЬСЯ** *несов.* хунуклашмоқ.

**БЕЗОБРА́ЗНИК** *м*, **БЕЗОБРА́ЗНИЦА** *ж ж. т.* тартибсиз, туполончи, тарбиясиз, беадаб, шум.

**БЕЗОБРА́ЗНИЦА** *ж қ.* безобразник.

**БЕЗОБРА́ЗНИЧАТЬ** *несов.* тартибсизлик қилмоқ, туполон қилмоқ, шухлик қилмоқ, беадаблик қилмоқ, ахлоқсизлик қилмоқ.

**БЕЗОБРА́ЗНО** *нареч.* чакки, ножуя, ярамас, хунук.

**БЕЗО́БРАЗНОСТЬ** *ж мн. нет ад.* образсизлик, сийқалик; ше'риятсизлик; бадиий асарда чиройли образларнинг йуқлиги.

**БЕЗОБРА́ЗНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. хунуклик, утакетган бадбашаралик, беухшовлик; бесунақайлик; 2. нома'қулчилик, ярамаслик; расвогарчилик, утакетган тартибсизлик.

**БЕЗО́БРАЗНЫЙ**,-ая,-ое *ад.* образсиз, шаклсиз, тасвирсиз; ше'риятсиз; сийқа, бадиий жиҳатдан паст.

**БЕЗОБРА́ЗНЫЙ**,-ая,-ое 1. жуда хунук, бадбашара, беухшов, бесунақай; супоқ; бадбуруш; 2. нома'қул, ярамас, бема'ни; расво, адабсиз.

**БЕЗОГЛЯ́ДНО** *нареч.* жуда тез; тезлик, шитоб блан; орқасига қарамасдан; бутунлай, бутунича.

**БЕЗОГЛЯ́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. куз илғамас; чексиз, бепоён; **безогля́дное простра́нство** чексиз фазо; 2. жуда тез, шошилиб қилинган; таваккалига, орқа-олдини, оқибатини уйламасдан қилинган; **безогля́дная последовательность** бир ишни орқа-олдига қарамасдан таваккалига қилавериш; йулдан қайтмаслик.

**БЕЗОГОВО́РОЧНО** *нареч.* ҳеч сузсиз, э'тироз қилмасдан, шарт қилмасдан, нима деса шунга рози булиб, итоат блан.

**БЕЗОГОВО́РОЧНЫЙ**,-ая,-ое ҳеч сузсиз, э'тирозсиз, писандасиз; ҳечқандай шарт-шароитсиз; **безогово́рочная капитуля́ция** ҳеч сузсиз таслим булиш.

**БЕЗОПА́СНО** *нареч.* хавфсиз, хавф-хатарсиз.

**БЕЗОПА́СНОСТЬ** *ж мн. нет* хавфсизлик, хавф-хатарсизлик.

**БЕЗОПА́СНЫЙ**,-ая,-ое хавфсиз, хавф-хатарсиз, бетаҳлика, қурқинчсиз, тинч.

**БЕЗОРУ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое қуролсиз, яроғ-аслаҳасиз; **в э́том споре я оказа́лся безоружным** бу баҳсда мен чорасиз, ожиз қолдим.

**БЕЗОСНОВА́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое асоссиз, тубсиз, далилсиз.

**БЕЗОСТАНО́ВОЧНО** *нареч.* тухтамай, тинмай, узлуксиз равишда.

**БЕЗОСТАНО́ВОЧНЫЙ**, -ая, -ое тухтовсиз, узлуксиз; бетиним, муттасил.

**БЕЗОСТЫЙ**, -ая, -ое *бот.* қилтириқсиз, қилтаноқсиз; **безостый злак** қилтириқсиз дон.

**БЕЗОТВЕТНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. жавобсизлик, жавоб қайтармаслик; э'тироз билдирмаслик; 2. итоаткорлик, индамасдан бўйсуниш, ювошлик.

**БЕЗОТВЕТНЫЙ**, -ая, -ое 1. жавобсиз, жавобсиз қолган; 2. гап қайтараолмайдиган, ювош, итоатли.

**БЕЗОТВЕТСТВЕННОСТЬ** *ж мн. нет* мас'улиятсизлик, жавобгарликни сезмаслик, ишга бепарволик блан қарашлик.

**БЕЗОТВЕТСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое мас'улиятсиз, мас'улиятни сезмайдиган, жавобгарликни ҳис этмайдиган, ишга бепарволик блан қарайдиган.

**БЕЗОТГОВОРОЧНЫЙ**, -ая, -ое қат'ий, узил-кесил, сўзсиз, писандасиз, сўз қайтармайдиган.

**БЕЗОТДАТОЧНЫЙ**, -ая, -ое қайтарилмайдиган, эгасига қайтиб берилмайдиган.

**БЕЗОТКАЗНО** *нареч.* тўхтамасдан; бузилмасдан; узлуксиз; **мотор работал безотказно** мотор бузилмасдан, тўхтамасдан ишлаб турди.

**БЕЗОТКАЗНЫЙ**, -ая, -ое бетўхтов, узлуксиз; бузилмасдан, тўхтамасдан, равон; **безотказная работа машин** машиналарнинг тўхтамасдан, бузилмасдан ишлаши.

**БЕЗОТЛАГАТЕЛЬНО** *нареч.* тез, кечиктирмасдан; шошилинч; **это нужно сделать безотлагательно** бу ишни кечиктирмасдан дарров қилиш керак.

**БЕЗОТЛАГАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое кечиктирмайдиган, шошилинч, тез, кейинга қолдириш мумкин бўлмаган.

**БЕЗОТЛОЖНЫЙ** = **безотлагательный** (*қ.*).

**БЕЗОТЛУЧНО** *нареч.* жилмай, силжимасдан, ҳеч қаёққа кетмасдан, узоқлашмасдан, бир ёққа чиқмасдан, доимо; **безотлучно находиться при больном** касал олдида жилмай ўтириш.

**БЕЗОТЛУЧНЫЙ**, -ая, -ое ажралмас, айрилмас, нари кетмас, ташлаб кетмайдиган, силжимас.

**БЕЗОТНОСИТЕЛЬНО** *нареч.* нисбатий қ; бешарт, беписанда, қараёс қилмай, мутлақ, қат'и назар; **безотносительно к величине и весу** катта-кичиклигига ва оғирлигига қарамай, булардан қат'и назар.

**БЕЗОТНОСИТЕЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* ғайринисбийлик, қат'ийлик, муқаррарлик, беписандалик, узил-кесиллик.

**БЕЗОТНОСИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое қат'ий, нисбатсиз, писандасиз; қат'и назар, мутлақ.

**БЕЗОТРАДНО** *нареч.* ҳузур-ҳаловатсиз, завқсиз.

**БЕЗОТРАДНОСТЬ** *ж мн. нет* хафагарчилик, нохушлик, ғамгинлик, ҳузур-ҳаловати йўқлик.

**БЕЗОТРАДНЫЙ**, -ая, -ое нохуш, ношуд, қайғули, хафагазак, ҳузур-ҳаловати йўқ, завқсиз.

**БЕЗОТРЫВНО** *нареч.* узлуксиз равишда, тарк қилмай, муттасил, доимо.

**БЕЗОТРЫВНЫЙ**, -ая, -ое узлуксиз, тарк қилмай, ажралмасдан; **безотрывная учёба** ишдан узилмай ўқиш, ишлаб туриб ўқиш.

**БЕЗОТЧЁТНО** *нареч.* мулоҳаза қилмасдан, ўйламасдан, тушунмасдан, тўсатдан, беихтиёр.

**БЕЗОТЧЁТНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. мулоҳазасизлик, ўйламасдан иш қилишлик; 2. ҳисоб-китоб, тежаш-тергаш йўқлиги, мас'улиятсизлик, контрольсизлик.

**БЕЗОТЧЁТНЫЙ**, -ая, -ое 1. бемулоҳаза, беандиша; 2. ҳисоб-китобсиз, контрольсиз, мас'улиятсиз; **безотчётный страх** бекорга қўрқиш, чўчиш, бехосдан қўрқиш.

**БЕЗОШИБОЧНОСТЬ** *ж мн. нет* хатосизлик, янглишмаслик, ғалатсизлик; тўғрилик.

**БЕЗОШИБОЧНЫЙ**, -ая, -ое хатосиз, нуқсонсиз; янглишсиз, тўғри.

**БЕЗРАБОТИЦА** *ж мн. нет* ишсизлик (капиталистик мамлакатларда ишлабчиқариш анархияси ва кризис натижасида ишчиларнинг

ишсиз қолиши); социализм не знает безработицы социализм даврида ишсизлик булмайди.

**БЕЗРАБО́ТНЫЙ**, -ая, -ое 1. ишсиз; ишдан маҳрум қилинган; 2. *сущ.* безработный *м* ишсиз; армия безработных в капиталистических странах капиталистик мамлакатлардаги ишсизлар армияси.

**БЕЗРА́ДОСТНО** *нареч.* қ. безотрадно.

**БЕЗРА́ДОСТНОСТЬ** *ж* қ. безотрадность.

**БЕЗРА́ДОСТНЫЙ**, -ая, -ое қ. безотрадный.

**БЕЗРАЗДЕ́ЛЬНО** *нареч.* булинмас; танҳо, бутунасига.

**БЕЗРАЗДЕ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое бутун, булинмас, шериксиз, бешерик; тақсим булмайдиган; безраздельное имущество тақсим қилинмайдиган, таракана булмайдиган мулк.

**БЕЗРАЗЛИ́ЧИЕ** *ср*, **БЕЗРАЗЛИ́ЧНОСТЬ** *ж мн. нет* э'тиборсизлик, лоқайдлик, бепарволик, аҳамият бермаслик.

**БЕЗРАЗЛИ́ЧНО** *нареч.* э'тиборсиз, фарқи йўқ, аҳамиятсиз, майли, барибир; мне безразлично менга барибир, майли.

**БЕЗРАЗЛИ́ЧНОСТЬ** *ж* қ. безразличие.

**БЕЗРАЗЛИ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. бефарқ, бетафовут, бепарво, лоқайд, холис; 2. ‖ аҳамиятсиз, аҳамияти булмаган, пуч; 3. *физ.* нейтрал; безразличная точка магнита магнитнинг нейтрал нуқтаси.

**БЕЗРАССВЕ́ТНЫЙ**, -ая, -ое 1. ёруғлик курмаган, қоронғи; безрассветная ночь қора тун, ғам кечаси; 2. ‖ умидсиз, иложсиз.

**БЕЗРАССУ́ДНОСТЬ** *ж мн. нет* муҳокамасизлик, телбалик; 2. ‖ эҳтиётсизлик, таваккалчилик.

**БЕЗРАССУ́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. телба, тентак, бемулоҳаза, тадбирсиз; 2. ‖ эҳтиётсиз; безрассудный поступок уйламай қилинган ҳаракат.

**БЕЗРАССУ́ДСТВО** *ср мн. нет* 1. телбалик, тентаклик, нодонлик, эссизлик; 2. уйламасдан иш қилиш, эҳтиётсизлик, муҳокамасизлик.

**БЕЗРАССУ́ДСТВОВАТЬ** *несов.* бемулоҳаза иш қилмоқ, аҳмоқона иш қилмоқ, телбалик қилмоқ.

**БЕЗРАСЧЁТНЫЙ**, -ая, -ое бемулжал, бечама; безрасчётная трата денег пулни совуриш, пулни уринсиз сарф қилиш.

**БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТНО** *нареч.* бенатижа, беҳуда, бекорга.

**БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТНОСТЬ** *ж мн. нет* натижасизлик, оқибатсизлик, самарасизлик, беҳуда.

**БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТНЫЙ**, -ая, -ое натижасиз, самарасиз, бефойда, оқибатсиз, беҳуда.

**БЕЗРЕ́ЛЬСОВЫЙ**, -ая, -ое рельссиз, темир изсиз; безрельсовый транспорт рельссиз транспорт (троллейбус, автобус, автомобиль ва ҳ. к.).

**БЕЗРЕССО́РНЫЙ**, -ая, -ое рессорсиз; қ. рессора.

**БЕЗРО́ГИЙ**, -ая, -ое шохсиз, бешох, мугузсиз, тўқол.

**БЕЗРО́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. беватан, уз халқи, юрти, ватанининг манфаатларига зид иш тутган; безродный космополит беватан космополит; 2. етим, есир, ота-онасиз; ёлғиз, кимсасиз, насабсиз, уруғ-аймоғи йуқ, дайди, ғариб; безродный бродяга дайди, дарбадар; 3. *эск.* зоти паст, асли зоти булмаган; безродный дворянин зоти паст дворян.

**БЕЗРО́ПОТНО** *нареч.* зорланмай, тоқат блан, бош эгиб, сабр қилиб.

**БЕЗРО́ПОТНОСТЬ** *ж мн. нет* зорланмаслик, итоаткорлик, нолимаслик, тоқат қилишлик, сабр қилмоқлик.

**БЕЗРО́ПОТНЫЙ**, -ая, -ое сабрли, итоатли, тоқатли, шикоятланмайдиган, нолимайдиган.

**БЕЗРУКА́ВКА** *ж* енгсиз кийим, нимча.

**БЕЗРУ́КИЙ**, -ая, -ое 1. қулсиз, қули чулоқ; 2. ‖ ёмон ёки ялқовлик блан ишловчи, қупол, ношуд.

**БЕЗРЫ́БЬЕ** *ср мн. нет* балиқ камлиги, балиқ йуқлиги.

**БЕЗУБЫ́ТОЧНОСТЬ** *ж мн. нет* зиёнсизлик, зиён келтирмаслик, зарар кўрмаслик.

**БЕЗУБЫ́ТОЧНЫЙ**, -ая, -ое зиён бермайдиган, зарар келтирмайдиган, безарар, ҳаёнли.

**БЕЗУДА́РНЫЙ**, -ая, -ое *лингв.* урғусиз; **безударный слог** урғусиз бўғин.

**БЕЗУ́ДЕРЖНЫЙ**, -ая, -ое тўхтамаган, тинмаган, тўхтатиб бўлмайдиган, кучли, қаттиқ интилган; **безу́держные рыдания** тинмасдан йиғлаш, ўксиб йиғлаш.

**БЕЗУ́ДЕРЖУ** *нареч. ж. т.* тўхтамай, тинмай, тиналмай.

**БЕЗУКОРИ́ЗНЕННО** *нареч.* тўкис, бекамикўст, бенуқсон, беайб.

**БЕЗУКОРИ́ЗНЕННОСТЬ** *ж мн. нет* айбсизлик, кам-кўстсизлик, бежиримлик, нуқсонсизлик, тўкислик, мукаммаллик.

**БЕЗУКОРИ́ЗНЕННЫЙ**, -ая, -ое бекамикўст, бежирим, беайб, кусурсиз, тўкис, нуқсонсиз; а'ло.

**БЕЗУ́МЕЦ** *м* ақлсиз, тентак, телба, девона.

**БЕЗУ́МИЕ** *ср мн. нет* 1. *эск.* ақлдан озиш, жиннилик; 2. ақлсизлик, нодонлик, телбалик, девоналик, тентаклик; ножўя ҳаракат.

**БЕЗУ́МНО** *нареч.* 1. ақлсиз равишда, телбалик блан, тентаклик блан; 2. ‖ ҳаддан ташқари, ниҳоят, беҳад; **безу́мно любить** ҳаддан ташқари севиш; **безу́мно хо́лодно** қаҳратон совуқ.

**БЕЗУ́МНЫЙ**, -ая, -ое 1. ақлдан озган, телба; 2. ақлсиз, тентак, нодон, девона; 3. ‖ *ж. т.* ғоят кучли, ниҳоят даражада зўр; **безумная страсть** зўр иштиёқ, иҳтирос.

**БЕЗУ́МОЛКУ** *нареч.* тўхтовсиз, узлуксиз, тинимсиз; **говорить безу́молку** тинмасдан гапирмоқ, жаврамоқ.

**БЕЗУМО́ЛЧНЫЙ**, -ая, ое тўхтамаган, тинмаган, тинчимаган.

**БЕЗУ́МСТВО** *ср* 1. ақлсизлик, девоналик, телбалик, тентаклик, нодонлик; 2. ‖ тоймаслик, таваккалчилик, мардоналик.

**БЕЗУ́МСТВОВАТЬ** *несов.* 1. ақлсизлик (телбалик, тентаклик) қилмоқ; 2. ўйламасдан таваккалига иш қилмоқ.

**БЕЗУПРЕ́ЧНОСТЬ** *ж мн. нет* беайблик, бенуқсонлик, бекамикўстлик, мукаммаллик, тукислик, бежиримлик.

**БЕЗУПРЕ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое беайб, бекамикуст, бенуқсон, тукис, яхши, бежирим.

**БЕЗУСЛО́ВНО** *нареч.* албатта, мутлақо, шубҳасиз, бешак; қат'иян.

**БЕЗУСЛО́ВНОСТЬ** *ж мн. нет* шубҳасизлик, қат'ийлик; аниқлик.

**БЕЗУСЛО́ВНЫЙ**, -ая, -ое шаксиз, шубҳасиз, қат'ий, мутлақо, муқаррар, аниқ.

**БЕЗУСПЕ́ШНО** *нареч.* ўнгишсиз, муваффақиятсиз; беҳудага, бефойда; **безуспешно стараться** бекорга уринмоқ, бекорга зур бермоқ, чиранмоқ.

**БЕЗУСПЕ́ШНОСТЬ** *ж мн. нет* муваффақиятсизлик, натижасизлик, беҳуда зур беришлик.

**БЕЗУСПЕ́ШНЫЙ**, -ая, -ое муваффақиятсиз, ўнгишсиз, фойдасиз, беҳуда, унгмаган.

**БЕЗУ́СТАЛИ** *нареч.* ҳормай-толмай, чарчамай, толиқмай, тинмай.

**БЕЗУСТА́ННО** *нареч.* тинмай, узлуксиз равишда, ҳормасдан, чарчамасдан.

**БЕЗУСТА́ННЫЙ**, -ая, -ое тинмас, чарчамас, толиқмас, тинимсиз, ҳормас, толмас, тинмаган, тинчимаган.

**БЕЗУ́СЫЙ**, -ая, -ое 1. муйлови чиқмаган, мўйловсиз; успирин; 2. ‖ жуда ёш, ғур.

**БЕЗУТЕ́ШНОСТЬ** *ж мн. нет* ҳасратмандлик, дардмандлик, ғамгинлик, куйманчилик.

**БЕЗУТЕ́ШНЫЙ**, -ая, -ое тасалли топмаган, қайғули, дардманд, ҳасратидан чанг чиқадиган.

**БЕЗУХА́ННЫЙ**, -ая, -ое *поэз. эск.* ҳиди кетган, иси қолмаган, бўйсиз, ҳидсиз.

**БЕЗУ́ХИЙ**, -ая, -ое чиноқ, қулоғи йуқ, қулоғи кесилган.

**БЕЗУЧА́СТИЕ** *ср мн. нет* аралашмаслик, бепарволик, лоқайдлик, э'тиборсизлик, бетарафлик.

**БЕЗУЧА́СТНОСТЬ** *ж мн. нет* бепарволик, лоқайдлик, қайдсизлик.

**БЕЗУЧА́СТНЫЙ**, -ая, -ое бепарво, лоқайд; холис, бетараф.

**БЕЗЫДЕ́ЙНОСТЬ** = **безидейность** (*қ.*).

**БЕЗЫДЕ́ЙНЫЙ** = **безидейный** (*қ.*).

**БЕЗЫЗВЕ́СТНО** *нареч.* 1. нома'лум; 2. бедарак.

**БЕЗЫЗВЕ́СТНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. нома'лумлик; 2. бедараклик.

**БЕЗЫЗВЕ́СТНЫЙ**, -ая, -ое 1. нома'лум, номи, донги чиқмаган; 2. хабарсиз, дараксиз.

**БЕЗЫМЁННЫЙ** = **безымя́нный** (*қ.*).

**БЕЗЫМЯ́ННЫЙ** -ая, -ое номсиз, отсиз, исмсиз, исми нома'лум; ◊*безымя́нный па́лец* ён бармоқ, суфи бармоқ.

**БЕЗЫНИЦИАТИ́ВНЫЙ**, = **безинициативный** (*қ.*).

**БЕЗЫНТЕРЕ́СНЫЙ** -ая, -ое аҳамиятсиз, қизиғи йўқ, қизиқтирмайдиган.

**БЕЗЫСКУ́ССТВЕННОСТЬ** *ж мн. нет* табиийлик, соддалик, осонлик, жўнлик.

**БЕЗЫСКУ́ССТВЕННЫЙ**, -ая, -ое табиий, содда, осон, жўн.

**БЕЗЫСХО́ДНОСТЬ** *ж мн. нет* битмаслик, туганмаслик; ҳадсизлик, ҳисобсизлик, иложсизлик.

**БЕЗЫСХО́ДНЫЙ**, -ая, -ое 1. битмас-туганмас, адо бўлмайдиган; 2. ‖ бедаво, иложсиз; **безысходная скорбь** адо бўлмас қайғу, ҳасрат ва алам.

**БЕЙ** *м* бек.

**БЕК I** *м спорт.* бек (футбол ва хоккей ўйинларида мудофаа қилувчи футболчи).

**БЕК II, БЕЙ** *м тар.* бек, бег.

**БЕКА́Р** *м муз.* бекар (музикада нота аломатларидан бири; нотага бекар аломати қўйилса нота аслида қандай бўлса шундай ўқилади).

**БЕКА́С** *м зоол.* лойхўрак (қуш).

**БЕКАСИ́ННИК** *м* майда питра (овчилар милтиғида—майда сочма).

**БЕКАСИ́НЫЙ**, -ая, -ое бекас *сўз. сиф.*; **бекасиная охота** лойхўрак ови; **бекасиный выводок** лойхўрак жўжалари.

**БЕКЕ́ША** *ж* бурмабел пальто.

**БЕКМЕ́С** *м* шинни.

**БЕ́КОН** *м мн. нет* бекон (камёғ ёш чўчқанинг нимтасидан дудлаб, алоҳида усул билан тайёрланган гўшт).

**БЕ́КОННЫЙ**, -ая, -ое бекон *сўз. сиф.*; *қ.* бекон.

**БЕЛЕНА́** *ж мн. нет бот.* мингдевона, эшак мия; ◊*белены́ объе́лся* (*ж. т.*) эшак мия еган (жинни, девона бўлиб қолган).

**БЕЛЕ́НИЕ** *ср мн. нет махс.* оқартиш, оқлаш, оққа бўяш.

**БЕЛЕННО́Й**, -ая, -ое *махс.* белена *сўз. сиф.*; мингдевона ўсимлигига оид; *қ.* белена.

**БЕЛЁНЫЙ**, -ая, -ое оқартилган, оқланган; оҳорланган; **белёная бязь** оқ сурп, оҳори сурп.

**БЕЛЕСОВА́ТЫЙ**, -ая, -ое бироз оқ, оқишроқ.

**БЕЛЕ́СЫЙ**, -ая, -ое оқиш, оқимтир.

**БЕЛЕ́ТЬ** *несов.* 1. оқармоқ; 2. оқариб кўринмоқ; бўзармоқ, ёришмоқ.

**БЕЛЕ́ТЬСЯ** *несов.* = белеть 2 (*қ.*).

**БЕ́ЛИ** *мн. ед. нет мед.* оқчил (хотинларнинг таносил а'зосида касаллик пайдо бўлганда келадиган оқ суюқ модда).

**БЕЛИБЕ́РДА́, БЕЛИБЕРДА́** *ж мн. нет ж. т.* ёлғон-яшиқ, бема'ни, пуч гап, бемаза гап.

**БЕЛИЗНА́** *ж мн. нет* оқлик, оппоқлик; **белизна снега режет глаза** қорнинг оқлиги кўзни қамаштиради.

**БЕЛИ́ЛА** *мн. ед. нет* 1. *махс.* белила (сувда эримайдиган минерал оқ бўёқ); 2. упа.

**БЕЛИ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое оқартиш учун, оқлаш учун ишлатиладиган.

**БЕЛИ́ЛЬНЯ** *ж* фабриканинг оқартиш, оҳорлаш цехи, ишхонаси.

**БЕЛЙЛЬЩИК** *м* оқартучи, буёқчи, оҳак блан оқловчи, буевчи.

**БЕЛЙТЬ** (белю) *несов.* 1. оқартмоқ, оқламоқ, оқ буёққа б[уя]моқ; 2. *т. с.* оҳорламоқ, оҳор бермоқ, туқима, газламани ювиб, топ-тоза қилиб, буёқ беришга тайёрламоқ.

**БЕЛЙТЬСЯ** *несов.* 1. юзига упа сурмоқ; 2. оқармоқ; оқартирмоқ, оққа буялмоқ, оқ суртилмоқ.

**БЕ́ЛИЧИЙ**, -ья, -ье бе́лка I *сўз. сиф.*; олмахонники, олмахонга оид; **беличья шкурка** олмахон териси, мўйнаси.

**БЕ́ЛКА** I *ж зоол.* олмахон.

**БЁЛКА** II *ж* = побе́лка *(қ.)*.

**БЕЛКОВИ́НА** *ж* = белóк I *(қ.)*.

**БЕЛКО́ВЫЙ**, -ая, -ое *хим.* белокли; оқсим моддали; **белко́вые вещества́** белокли моддалар, оқсим моддалар.

**БЕЛЛАДО́ННА** *ж мн. нет* белладонна (баргида атропин алкалоиди бор заҳарли ўсимлик; медицина ва косметикада ишлатилади).

**БЕЛЛЕТРИ́СТ** *м* беллетрист, адиб (беллетристик асарлар ёзиш блан шуғулланучи ёзучи); *қ.* **беллетри́стика**.

**БЕЛЛЕТРИ́СТИКА** *ж мн. нет* беллетристика [1. проза блан ёзилган бадиий адабиёт (роман, повесть, ҳикоя ва ш. к.); 2. жун ёзилган кичик асарлар; 3. ‖ *ж. т.* ишга унча алоқаси булмаган нарсалар ҳақида сафсата сотиш].

**БЕЛЛЕТРИСТИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое беллетри́стика *сўз. сиф.*; беллетристикага оид; **беллетристи́ческая литерату́ра** беллетристик адабиёт.

**БЕЛОБАНДИ́Т** *м* оқбандит (аксилинқилобчи).

**БЕЛОБО́КИЙ**, -ая, -ое оқбиқинли; **соро́ка белобо́ка** олаҳакка, зағизғон.

**БЕЛОБОРО́ДЫЙ**, -ая, -ое оқсоқол, мўйсафид, чол.

**БЕЛОБРЫ́СЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* сариқ сочли, қошли.

**БЕЛОВА́ТЫЙ**, -ая, -ое оқимтир, оқиш, оқроқ.

**БЕЛОВИ́К** *м* оққа кучирилган қ лёзма, кучирилган нусха: тоза нусха; **черновик** сузипинг акси.

**БЕЛОВО́Й**, -ая, -óе оққа кучирилган; хатолари тузатилиб, тоза қилиб кучирилган (қулёзма ва ҳ[у]казолар ҳақида); **черновой** сузининг акси; **беловой экземпляр** оққа кучирилган нусха.

**БЕЛОГВАРДЕ́ЕЦ** *м*, **БЕЛОГВАРДЕ́ЙКА** *ж* оқгвардиячи; аксилинқилобчи (оқгвардия ва контрреволюциянинг қуролли кучлари блан бирга ва уларнинг сафида туриб совет ҳокимиятига қарши курашган душман).

**БЕЛОГВАРДЕ́ЙКА** *ж қ.* белогвардеец.

**БЕЛОГВАРДЕ́ЙСКИЙ**, -ая, -ое белогвардéец *сўз. сиф.*; **белогвардéйский заговор** оқгвардиячилар фитнаси.

**БЕЛОГВАРДЕ́ЙЩИНА** *ж* оқгвардиячилар (Октябрь революциясидан кейин Россиядаги капиталистлар, помешчиклар, қулоқлар ҳамда четэл интервенциячилари томонида туриб Совет ҳокимиятига қарши кураш учун уюшган ва Қизил Армия уларни тор-мор қилгач, четэлларга қочиб кетган қуролли аксилинқилобчилар).

**БЕЛОГОЛО́ВЫЙ**, -ая, -ое оқ сочли.

**БЕЛОГРИ́ВЫЙ**, -ая, -ое оқёлли, ёли оқ, оқёл.

**БЕЛОГРУ́ДЫЙ**, -ая, -ое тўши, синаси оқ, оқтуш.

**БЕЛОДЕРЕ́ВЕЦ, БЕЛОДЕРЁВЕЦ** *м* (*мн.* белодеревцы) дурадгор (оқ ёғочлардан мебель, ром қилучи, ромсоз).

**БЕЛОДЕРЁВНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* оқ ёғочлардан қилинган.

**БЕЛОЗУ́БЫЙ**, -ая, -ое тиши оқ, оқ тишли.

**БЕЛО́К** I *м* (*мн.* белки́) *хим. биол.* белок, оқсим (ҳайвонот ва усимликлар организмида, ҳужайрасида буладиган оқсим муҳим модда); 2. тухумнинг оқи.

**БЕЛО́К** II *м* кузнинг оқи.

**БЕЛОКРО́ВИЕ** *ср мн. нет мед.* оқ қон; оқ қоннинг купайиши

(кон курраларининг кўпайиши натижасида ҳосил бўладиган хасталиги; *қ.* лейкемия.

**БЕЛОКРЫЛКА** *ж зоол.* оқ тўрғай.

**БЕЛОКУРЫЙ**, -ая, -ое оқ-сариқ, сарғиш; **белокурые волосы** оқ-сариқ соч.

**БЕЛОЛИЦЫЙ**, -ая, -ое оқ юзли, юзи оқ.

**БЕЛОЛИЧКА** *ж* и *м* оппоқ юзли, оппоққина.

**БЕЛОПЕРЫЙ**, -ая, -ое оқпар.

**БЕЛОПОДКЛАДОЧНИК** *м* революционер-демократ студентларга душман бўлган студент (оқ астарли мундир кийгани учун шундай дейилган).

**БЕЛОРУС** *м*, **БЕЛОРУСКА** *ж* белорус, белорусияли.

**БЕЛОРУСКА** *ж қ.* **белорус.**

**БЕЛОРУССКИЙ**, -ая, -ое **белорусы** ва **Белоруссия** *сўз. сиф.*; белорус халқига, Белоруссия ССР га оид; **белорусский язык** белорус тили.

**БЕЛОРУСЫ** *мн.* (*ед.* **белорус** *м*) белоруслар, белорус халқи (Белоруссия ССР нинг туб аҳолиси).

**БЕЛОРУЧКА** *м* и *ж ж. т.* „оқбилак" (қора ишдан ҳазар қилучи, қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган одам).

**БЕЛОРЫБИЦА** *ж* оқбалиқ, ширмойбалиқ.

**БЕЛОСНЕЖНЫЙ**, -ая, -ое қордек оқ, оппоқ; **белоснежная скатерть** оппоқ дастурхон.

**БЕЛОТЕЛЫЙ**, -ая, -ое оқ бадан, оппоқ бадан.

**БЕЛОТУРКА** *ж мн. нет қ. х.* баҳори буғдойнинг бир тури.

**БЕЛОШВЕЙКА** *ж* кўйлак-лозим тикучи аёл.

**БЕЛОШВЕЙНЫЙ**, -ая, -ое **белошвейка** *сўз. сиф.*; кўйлак-лозим тикишга оид.

**БЕЛОЭМИГРАНТ** *м*, **БЕЛОЭМИГРАНТКА** *ж* оқ эмигрант, аксилинқилобчи (революциядан кейин четэлларга қочиб кетган аксилинқилобчи муҳожир).

**БЕЛОЭМИГРАНТКА** *ж қ.* **белоэмигрант.**

**БЕЛОЭМИГРАНТСКИЙ**, -ая, -ое **белоэмигрант** *сўз. сиф.*; оқ эмигрантларга, оқ муҳожирларга оид.

**БЕЛУГА** *ж* белуга, катта оқ балиқ, туябалиқ; ◇ ***реветь белугой*** бақириб, қичқириб йиғламоқ, ўкирмоқ.

**БЕЛУЖИЙ**, -ья, -ье **белуга** *сўз. сиф.*; катта оқ балиқники, туябалиқники, белугага оид.

**БЕЛУЖИНА** *ж мн. нет* белуга гўшти (катта оқ балиқ гўшти).

**БЕЛУХА** *ж зоол.* белуха (шимолий қутб денгизида яшайдиган сутэмар катта ҳайвон).

**БЕЛЫЙ**, -ая, -ое **1.** оқ; **2.** ёруғ, ойдин; **3.** ‖ *сиёс.* аксилинқилобчи; **белая гвардия** оқ гвардия; ◇ ***белая горячка*** хуморликдан, ичкиликвозликдан пайдо бўладиган касаллик; ***не довоой меня оо белого каления*** уртантирма, жаҳлимни чиқарма, куйдирма, хуноб қилма; ***средь бела дня*** (*ж. т.*) куппакундуз; ***Белый дом*** (Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари президентининг саройи; Америка ҳукумати ма'носида ишлатилади); ***белое мясо*** оқ гўшт (бузоқ ёки товуқ гўшти); ***белый свет*** ёруғ дун'ё; ***белые стихи*** оқ ше'р, қофиясиз ше'р; ***белые ночи*** ёруғ кечалар; ёруғ тунлар (шимолда бўладиган ёруғ кечалар); ***белая кость*** (*кест.*) оқсуяк, зодагон (дворянлар ҳақида); ***белый уголь*** оқ кўмир (сувнинг кучи); ***белый билет*** (*эск.*) оқ билет, оқ қоғоз (ҳарбий хизматдан озод қилиниш тўғрисидаги гувоҳнома).

**БЕЛЬ** *ж мн. нет* **1.** *содд. маҳл.* оқ нарса ёки оқартириладиган буюм; **2.** оқлик, оппоқлик; **3.** *қ. х.* шимолда ўсадиган бир нав' олма.

**БЕЛЬВЕДЕР** *м* бельведер (бино устига ёки тепаликка қурилган минора ёки шийпон).

**БЕЛЬГИЕЦ** *м*, **БЕЛЬГИЙКА** *ж* бельгияли.

**БЕЛЬГИЙКА** *ж қ.* **бельгиец.**

**БЕЛЬГИЙЦЫ** *мн.* (*ед.* **бельгиец** *м*) бельгиялилар, Бельгия аҳолиси.

**БЕЛЬЁ** *ср мн. нет* ич кийим, кўйлак-иштон: **постельное бельё** курпа-ястиқ жилди, чойшаб ва ҳ. к.; **столовое бельё** дастурхон, чочиқ ва ҳ. к.; **нижнее бельё** ички кийим, кўйлак-иштон.

**БЕЛЬЕВО́Й**, -ая, -ое бельё *сўз. сиф.*; ич кийимга оид; кўйлак-лозимга оид; **бельевое мыло** кир совун; **бельевой магазин** ич кийим магазини.

**БЕЛЬЕВЩИ́ЦА** *ж* **1.** ётоқхона, санатория ва ҳоказоларда — энгил-бошга, урин-бошга қаровчи; **2.** ич кийимлар тикувчи аёл.

**БЕЛЬМЕ́СА**: **ни бельме́са** (*ж. т.*) билмас, тил билмас, ҳечнарса тушунмайдиган, англамайдиган.

**БЕЛЬМО́** *ср* кўз доғи, кўзга тушган оқ; оқ тушган кўз; ◇ ***как бельмо на глазу*** шилқим, дардибедаво, пашахўрда.

**БЕЛЬЭТА́Ж** *м* **1.** болохона, уйнинг иккинчи қавати; **2.** бельэтаж (театрда — партердан юқоридаги ўрин, биринчи қават).

**БЕЛЯ́К** *м зоол.* оққуён (қишда юнги оқарадиган қуён).

**БЕЛЯ́НА** *ж* оқизоқ кема (ёғоч ортиб оқизиб юбориладиган кема).

**БЕЛЯ́НКА** *ж* **1.** оппоқ, оппоққина (хотин-қиз); **2.** *зоол.* оққапалак; **3.** *бот.* салласи оқ замбуруғ.

**БЕМО́ЛЬ** *м муз.* бемоль (музикада нота пардасини ярим товуш пасайтирадиган аломат).

**БЕ́МСКИЙ**, -ая,- ое: **бе́мское стекло** юқори сифатли қалин дераза ойна.

**БЕНГА́ЛЬСКИЙ**, -ая, -ое Бенгалия *сўз. сиф.;* **бенгальский огонь** *(тех.)* 1) рангбаранг бўлиб ёнадиган мушак; 2) шу мушакнинг рангбаранг бўлиб ёнадиган ўти, чиройли алангаси ёки шуъласи; **бенгальский тигр** йўлбарс (Бенгалия йўлбарси).

**БЕНЕДИКТИ́Н** *м* бенедиктин (хушбўй ва ширин май, шароб).

**БЕНЕФИ́С** *м эск. театр.* бенефис (бирор артист фойдасига қўйиладиган тамошо, спектакль); ◇***устро́ить бенефис (ж. т)*** қийқириб бировни шарманда ва масхара қилмоқ.

**БЕНЕФИ́СНЫЙ**, -ая, -ое бенефис *сўз. сиф.*; бенефисга оид; *қ.* **бенефис**.

**БЕНЕФИЦИА́НТ** *м*, **БЕНЕФИЦИА́НТКА** *ж* бенефис эгаси; *қ.* **бенефис**.

**БЕНЕФИЦИА́НТКА** *ж қ.* **бенефициант**.

**БЕНЗИ́Н** *м* бензин (нефтьдан ёки нефть газидан олинадиган ёнилғи).

**БЕНЗИ́НКА** *ж* бензин ёқиладиган қизитиш асбоби.

**БЕНЗИНОБА́К** *м* = **бензобак** *(қ.)*.

**БЕНЗИ́НОВЫЙ**, -ая, -ое **бензин** *сўз. сиф.*; бензинга оид; **бензи́новый запах** бензин ҳиди; **бензиновый мото́р** бензин блан юргизиладиган мотор.

**БЕНЗИНОКОЛО́НКА** *ж* = **бензоколонка** *(қ.)*.

**БЕНЗИНОХРАНИ́ЛИЩЕ** *ср* бензин омбори (бензин сақлайдиган жой).

**БЕНЗОБА́К** *м (бензи́новый бак)* бензин баки, бензин қуйиладиган идиш.

**БЕНЗОКОЛО́НКА** *ж* бензоколо́нка (бензин колонкаси, бензин берадиган жой).

**БЕНЗО́Л** *м хим.* бензол (тошкўмир смоласидан қизитиш йўли блан олинадиган органик модда; ёнилғи сифатида бензинга қўшилади; лок, буёқлар тайёрлаш учун ишлатилади).

**БЕНИЛЮ́КС** *м* Бенилюкс (Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатларининг қисқартилиб айтилган номи).

**БЕНУА́Р** *м театр.* бенуар (театрда — саҳна блан тенг баландликдаги ложалар).

**БЕРГАМО́Т** *м* бергамот (**1.** ширали, ширин ноклар; **2.** бергамот дарахти; **3.** шу дарахтнинг эфир мойи берадиган меваси).

**БЕРГАМО́ТНЫЙ**, -ая, -ое, **БЕРГАМО́ТОВЫЙ**, -ая, -ое бергамот *сўз. сиф.*; бергамотга оид, нокдан, нашватидан қилинган.

**БЕРДА́НКА** *ж* берданка (бир отар милтиқ).

**БЁРДО** *ср тех. маҳл.* тўқув станогининг тароғи.

**БЕРДЫШ** *м* ойболта (эски замонда ишлатилган аслаҳа, қурол).

**БЕРЕГ** *м* (*мн.* **берега́**) қирғоқ, соҳил; **берег реки** дар'ё буйи, соҳили.

**БЕРЕГИ́СЬ** сақлан! пушт! коч! эҳтиёт бул!

**БЕРЕГОВО́Й**, -ая, -óе берег *сўз. сиф.*; қирғоқда буладиган; **береговой ветер** дар'ё соҳилидан эсадиган шамол.

**берегу, бережёшь** *наст. от* беречь (*қ.*).

**БЕРЕДИ́ТЬ** (бережу́, береди́шь) *несов.* қузитмоқ, қузғатмоқ, ярага тегиб оғритмоқ; безовта қилмоқ; ◇ *береди́ть ра́ны* эски дардни қузғатмоқ, ярага туз сепмоқ.

**БЕРЕДИ́ТЬСЯ** *несов.* қузғалмоқ, қузғатилмоқ, безовта булмоқ.

**БЕРЕЖЁННЫЙ**, -ая, -ое **1.** эҳтиёт қилинган, сақланган; **2.** асралган, тупланган, йиғилган.

**БЕРЕЖЁНЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* эҳтиёт қилинган.

**БЕРЕЖЛИ́ВОСТЬ** *ж мн. нет* тежаш, аяш; исроф қилмаслик, эҳтиёткорлик.

**БЕРЕЖЛИ́ВЫЙ**, -ая, -ое **1.** исроф қилмайдиган, эҳтиёткор, пишиқ, аяб сарф қиладиган, тежаб харж қиладиган; **2.** *қ.* **бережный**.

**БЕ́РЕЖНО** *нареч.* аяб, авайлаб, асраб, эҳтиёт блан, исроф қилмай, эҳтиёткорона, тежаб-тергаб.

**БЕ́РЕЖНОСТЬ** *ж мн. нет* исроф қилмаслик, пишиқлик; эҳтиёткорлик, авайлаш, аяш.

**БЕ́РЕЖНЫЙ**, -ая, -ое эҳтиётли, аявли, тежаб иш қилучи; исроф қилмайдиган, ғамхур; **бережное отношение** бир нарсани эҳтиёт қилиш, аяш, асраш; яхши муносабатда булиш.

**БЕРЕЖО́К** I *м* (*мн.* **бережки**) бе́рег *сўз. кичр. айтилиши*; қирғоқча, соҳилча.

**БЕРЕЖО́К** II *м* (*мн.* **бережки**) *театр.* саҳнада тепалик жойни тасвирловчи декорация.

**БЕРЁЗА** *ж* қайин дарахти, оқ терак.

**БЕРЁЗНИК** *м* = березняк (*қ.*).

**БЕРЕЗНЯ́К, БЕРЁЗНИК** *м мн. нет* қайинзор, қайин дарахтлари.

**БЕРЁЗОВИК** *м* қайинзорда усадиган замбуруғ

**БЕРЁЗОВЫЙ**, -ая, -ое берёза *сўз. сиф.*; қайин дарахтига оид; **берёзовая роща** қайинзор; ◇ *берёзовая ка́ша* (*кест.*) дарра, хипчин, калтак.

**БЕРЕ́ЙТОР** *м* берейтор (**1.** отни минишга ургатучи, отни ром қилучи; **2.** от минишни ургатучи).

**БЕРЕ́ЙТОРСКИЙ**, -ая, -ое берейтор *сўз. сиф.*; *қ.* **берейтор**.

**БЕРЕ́МЕНЕТЬ** *несов.* ҳомиладор булмоқ, иккиқат булмоқ.

**БЕРЕ́МЕННАЯ** *ж* ҳомиладор, буғоз, иккиқат.

**БЕРЕ́МЕННОСТЬ** *ж* ҳомиладорлик, иккиқатлик.

**БЕРЕ́МЯ** *ср мн. нет маҳл.* қучоқ; **бере́мя дров** бир қучоқ утин.

**БЕРЁСТА, БЕРЕСТА́** *ж мн. нет* қайин пустлоғи, пуст.

**БЕРЁСТОВЫЙ** = берестяной (*қ.*).

**БЕРЕСТЯНО́Й**, -ая, -óе, **БЕРЁСТОВЫЙ**, -ая, -ое **берёста** *сўз. сиф.*; қайин пустлоғидан қилинган.

**БЕРЕ́Т** *м* берет (мовутдан қилинган ёки бахмалдан тикилган бош кийим).

**БЕРЕ́ЧЬ** (берегу́, бережёшь, берегу́т) *несов.* **1.** тежамоқ, эҳтиёт қилмоқ; сақламоқ; **2.** аямоқ; асрамоқ, авайламоқ, сақламоқ; **беречь тайну** сир сақламоқ; **беречь ребёнка** боланг авайламоқ.

**БЕРЕ́ЧЬСЯ** *несов.* сақланмоқ, эҳтиёт булмоқ, узини эҳтиёт қилмоқ.

**БЕ́РИ-БЕ́РИ** *ж* и *ср нескл. мед.* бери-бери касаллиги („В" витамини етишмаслиги натижасида пайдо буладиган касаллик).

**БЕРИ́ЛЛ** *м мин.* берилл (қимматбаҳо тошлар: берилл, зумрад, аквамарин ва *ҳ. к.*).

**БЕРИ́ЛЛИЙ** *м хим.* бериллий (ким'ёвий элементлардан бири;

соф ҳолда енгил, лекин эриши қийин металл).

**БЕРИЛЛОВЫЙ**, -ая, -ое берилл *сўз. сиф.*; зумраддан қилинган.

**БЕ́РКОВЕЦ** *м эск.* 10 пудга баравар қадимги рус оғирлик ўлчови.

**БЕ́РКУТ** *м зоол.* бургут.

**БЕРЛО́ГА** *ж* 1. айиқнинг қишлайдиган ини, унгури; ғор; 2. ‖ *ж. т. ҳазл.* кулба, ночор уй.

**БЕРЛО́ЖНЫЙ**, -ая, -ое берло́га *сўз. сиф.*; айиқ инига, уясига оид.

**БЕРНШТЕЙНИА́НСТВО** *ср фал. қ.* ревизионизм.

**БЕРТОЛЕ́ТОВ**, -а, -о: **бертоле́това соль** (*хим.*) бертолет тузи (медицинада дезинфекция учун ва техникада — портловчи моддалар тайёрлаш учун қўлланади).

беру́ *наст. от* брать *(қ.)*.

**БЕ́РЦЕ, БЕРЦО́** *ср* болдир, илик.

**БЕРЦО́ВЫЙ**, -ая, -ое: **берцовая кость** болдир суяги.

**БЕС** *м* жин, шайтон, ажина; ◇ ***рассыпа́ться ме́лким бе́сом*** хушомадгуйлик қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ, аврамоқ, алдамоқ.

**БЕСЕ́ДА** *ж* суҳбат; мусоҳаба, ҳангама.

**БЕСЕ́ДКА** *ж* кушк, шийпон, айвонча.

**БЕСЕ́ДОВАТЬ** *несов.* суҳбатлашмоқ, мусоҳаба қилмоқ, сузлашиб ўтирмоқ, ҳангамалашмоқ, гурунглашмоқ.

**БЕСЕ́ДЧИК** *м* мусоҳаба ўтказувчи, суҳбат қилучи, ҳамсуҳбат.

**БЕСЁНОК** *м* (мн. бесенята) 1. бес *сўз. кичр. айтилиши*; 2. шўх, тирранча, жинқарча, шум.

**БЕСИ́ТЬ** (бешу́, бе́сишь) *несов.* бировнинг аччиғини чиқармоқ, жинини қўзғатмоқ, ғазабини келтирмоқ.

**БЕСИ́ТЬСЯ** *несов.* 1. қутурмоқ; 2. ‖ қаттиқ ғазабланмоқ, аччиқланмоқ; ◇ ***с жи́ру беси́ться (ж. т.)*** қутуриб кетмоқ, тўқликдан шўхлик қилмоқ.

**БЕСКЛА́ССОВЫЙ**, -ая, -ое синфсиз, синфлар битирилган; **бесклассовое общество** синфсиз жамият.

**БЕСКОЗЫРКА** *ж* соябонсиз шапка, матрослар шапкаси.

**БЕСКОЗЫ́РНЫЙ**, -ая, -ое кузирсиз (карта ўйини).

**БЕСКОЛЁСНЫЙ**, -ая, -ое ғилдираксиз.

**БЕСКОНЕ́ЧНО** *нареч.* 1. чексиз, бениҳоя, битмас-туганмас; 2. ‖ узоқ, поёнсиз, беҳад.

**БЕСКОНЕ́ЧНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. чексизлик, ҳадсизлик, поёнсизлик; 2. *мат.* чексизлик, беҳисоблик, охири йуқ сон.

**БЕСКОНЕ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. чексиз, ҳадсиз, охирсиз, бениҳоя, беҳисоб, битмас-туганмас; **бесконечное пространство** фазо, бушлиқ; 2. бепоён, узун; **бесконечная дробь** (*мат.*) чексиз каср; 3. доимий, мутtасил.

**БЕСКОНТРО́ЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* контрольсизлик, тафтишсизлик, назоратсизлик, терговсизлик.

**БЕСКОНТРО́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое контрольсиз, тафтишсиз; назоратсиз, терговсиз, тергалмаган.

**БЕСКО́РМИЦА** *ж мн. нет қ. х.* ют, ўт битмаганлик, ем-хашак қаҳатчилиги; ҳайвонларнинг ем-хашаксиз оч қолиши.

**ВА́КСИТЬСЯ** *несов. ж. т.* мойланмоқ, вакса суртилмоқ (оёқ кийими ҳақида).

**ВАКУО́МЕТР** *м физ.* вакуометр (сийраклашган ҳавонинг босимини ўлчайдиган асбоб).

**ВА́КУУМ** *м тех.* вакуум (берк идишда ҳаво ёки газнинг сийраклашган ҳолати).

**ВА́КУУМ-АППАРА́Т** *м тех.* вакуум-аппарат (**1.** турли эритмаларни паст босим та'сири остида парга айлантирадиган асбоб; **2.** автомобиль, самолёт двигательларида — карбюраторни автоматик суратда ёнилғи блан та'минлаб турадиган асбоб).

**ВА́КУУМ-МАНО́МЕТР** = **вакуо́метр** *(қ.).*

**ВА́КУУММЕТР** = **вакуо́метр** *(қ.).*

**ВАКУ́Ф** *м тар.* вақф (диний муассасаларга иона қилинган мол-мулк).

**ВАКУ́ФНЫЙ**, -ая, -ое **вакуф** *сўз. сиф.*; вақфга оид.

**ВАКХ** *м* Вакх, Бахус (юнон ва румо афсоналарида — май ва айш-ишрат худоси).

**ВАКХАНА́ЛИЯ** *ж* **1.** **вакханалии** *мн. тар.* антик дун'ёда — Вакх, я'ни май ва айш-ишрат худоси шарафига қилинадиган тўй-томошо; **2.** айш-ишрат; **3.** тўс-тўполон, ўтакетган тартибсизлик.

**ВАКХА́НКА** *ж* **1.** антик дун'ёда — Вакхнинг, я'ни май ва айшу ишрат худосининг коҳинаси, коҳин аёли; **2.** айш-ишратга берилган маишатпараст хотин.

**ВАКХИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **1.** вакхга, я'ни май ва айш-ишрат худосига оид; **2.** ‖ жуда шод, хушчақчақ, ниҳоят даражада хуррам.

**ВАКЦИ́НА** *ж мед.* вакцина (**1.** сигир чечаги; **2.** бузоқ чечагидан олиниб, чечакка қарши эмланадиган зардоб; эмлиқ; **3.** умуман юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида даволаш ва эмлаш учун ишлатиладиган махсус дори-ворлар, ўлдирилган ёки кучсизлантирилган микроблар аралашмаси).

**ВАКЦИНА́ЦИЯ** *ж мед.* **1.** чечак эмлаш; **2.** вакцина блан эмлаш (юқумли касалликларнинг олдини олиш учун вакцина блан эмлаш, организмга вакцина юбориш).

**ВАКЦИНОТЕРАПИ́Я** *ж мед.* вакцинотерапия (вакциналар блан даволаш); *қ.* **вакци́на.**

**ВАЛ I** *м* **1.** қал'а девори; **2.** тупроқ қўрғон, ғов.

**ВАЛ II** *м* пўртана, баланд тўлқин, долға.

**ВАЛ III** *м* **1.** *тех.* вал, лўла-

(турли машиналарнинг айланма ҳаракат‖ўтказувчи қисми); **2.** вал (ўзи чалинадиган музика асбобларида— айлантирганда овоз чиқарадиган цилиндр).

**ВАЛ** IV *м* темир йўл бўйларига қўйилган ғовларга ёпирилиб йиғилган қор уюми.

**ВАЛАА́МОВА ОСЛИ́ЦА** *қ.* **осли́ца.**

**ВАЛА́НДАНЬЕ** *ср ж. т.* **1.** бекор, сандироқлаб юриш, лақиллаб юриш; **2.** ивирсиш, овора бўлиш; **3.** ботиш, булғаниш.

**ВАЛА́НДАТЬСЯ** *несов. ж. т.* **1.** бекор, сандироқлаб юрмоқ, лақиллаб юрмоқ; **2.** имилламоқ, ивирсимоқ, бир ишни жуда имиллаб қилмоқ, овора бўлмоқ; **3.** ботмоқ, булғанмоқ; **вала́ндаться в грязи́** лойга булғаниб юрмоқ; **вала́ндаться в воде́** сувга ботиб юрмоқ.

**ВАЛАНСЬЕ́Н** *м* валансьен, нозик тўр; **кружева́ валансье́н** нозик ишланган тўр.

**ВАЛГА́ЛЛА** *ж* Валғалла (қадимги Скандинавия афсоналарида — худо Одиннинг саройи; шаҳидларнинг арвоҳлари турадиған жой); *қ.* **Валькирии.**

**ВАЛЕ́ЖНИК** *м мн. нет* ағдарилиб ётган дарахтлар ва синиб тушган шохлар.

**ВАЛЁК** *м махс.* валёк (**1.** жўва, лўла ёғоч; **2.** кир тўқмоқлайдиган тўқмоқ; **3.** босмахонада терилган ҳарфлар устига бўёқ суртадиган лўла ўқ; **4.** *қ. х.* ғула ва лўла шаклидаги ғалла янчиш асбоби; **5.** *спорт.* эшкакнинг сопи; **6.** арава ёки деҳқончилик машиналарига от қўшғанда қайишни аравага ёки машинага уламоқ учун ишлатиладиган ярим метрлик таёқ).

**ВАЛЕНКИ** *мн. (ед.* **валенок** *м)* пийма, кигиз этик.

**ВАЛЕ́НТНОСТЬ** *ж мн. нет хим.* валентлик(бирор элементнинг нечта водород атоми ёки водородга тенг элементнинг нечта атом блан қўшилаолишини кўрсатадиган сон; мас. сувдаги кислород икки валентлик бўлиб водород блан фақат $H_2O$ шаклида қўшилади).

**ВА́ЛЕНЫЙ,** -ая, -ое босилган, жундан босиб қилинган; **ва́леные сапоги́ = ва́ленки** *(қ.).*

**ВАЛЕРИА́НА** = **валерья́на** *(қ.).*

**ВАЛЕРЬЯ́НА** *ж бот.* валерьян ўсимлиги (майсали ўсимликларга мансуб кўпйиллик, пуштигулли ўсимлик; бу ўсимликнинг илдизидан асабий кишиларнинг тажанглигини босиш ва бошқа дардлар учун дори тайёрланади).

**ВАЛЕРЬЯ́НКА** *ж ж. т.* = **валерья́новые ка́пли** *(қ.).*

**ВАЛЕРЬЯ́НОВЫЕ КА́ПЛИ** валерьянка, валерьян томчиси (валерьян ўсимлигининг илдизидан тайёрланган дори).

**ВАЛЕ́Т** *м* валет, саллот (қарта ўйинида).

**ВА́ЛЕЦ** *м* = **вал** III *(қ.).*

**ВАЛИ́** *м тар.* воли, ҳоким, вилоят ҳокими.

**ВАЛИ́ЗА** *ж* ализа (элчихона ходимларининг алоҳида тартибда печатьланган дахлсиз халтаси).

**ВА́ЛИК** *м* **1.** вал III *сўз. кичр. айтилиши*; валик; **2.** болиш, лўлаястиқ; **3.** фонографда — товуш ёзиладиган мум цилиндр.

**ВАЛИ́ТЬ** I (валю) *несов.* **1.** қулатмоқ, ағдармоқ, ағнатмоқ, ётқизмоқ, йиқитмоқ; **2.** *ж. т.* қирмоқ, кўплаб ҳалок қилмоқ; **3.** уймоқ, уйиб ташламоқ; **4.** тўнкамоқ; **вали́ть вину́ на друго́го** айбни бировга тўнкамоқ; **5.** юкламоқ, ортмоқ; ◇ ***вали́ть всё в одну́ ку́чу*** *(ж. т.)* фарқ қилмай аралаштириб юбормоқ.

**ВАЛИ́ТЬ** II (валю) *несов. ж. т.* **1.** тўпланиб, ёпирилиб бормоқ; **2.** ‖бурқираб чиқмоқ (тутун ҳақида); гупиллаб ёғмоқ (қор ҳақида).

**ВАЛИ́ТЬСЯ** *несов.* **1.** қуламоқ, йиқилмоқ, ерга тушиб кетмоқ, ағнамоқ, думаламоқ; **2.** ‖ эгилмоқ, қийшайиб қолмоқ; энгашмоқ; **3.** қирилмоқ, ёппасига қирилмоқ; **4.** қулатилмоқ, ағдарилмоқ, ағнатилмоқ, йиқитилмоқ; ◇ ***у него́ всё ва́лится из рук*** *(ж. т.)* беҳафсалалигидан иши чатоқлашиб кетяпти; қўлтиғидан тарвузи тушған, қўли ишга бормайди; ***вали́ться в но́ги*** *(ж. т.)* оёққа йиқилмоқ, тиз чўкмоқ, ёлвормоқ; ***вали́ться с ног***

обдан чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ; тинкаси қуримоқ.

**ВАЛКА** I *ж мн. нет махс.* қулатиш, йиқитиш, ағнатиш.

**ВАЛКА** II *ж мн. нет махс.* босиш, кигиз босиш.

**ВА́ЛКИЙ**, -ая, -ое тез ағнайдиган, қийшаядиган, оғадиган, омонат турган; ◇ ***ни ша́тко, ни ва́лко (ни на́ сторону)*** *(матл.)* на у ёқлик эмас, на бу ёқлик, аросатда қолган.

**ВА́ЛКОСТЬ** *ж мн. нет* ағнашлик, қийшайишлик, оғишлик.

**ВАЛОВО́Й**, -а́я, -о́е 1. *эк.* ялпи, жам'и, ҳаммаси, умумий; **валово́й дохо́д** ялпи даромад, даромаднинг ҳаммаси; 2. *махс. маҳл.* кўплаб, ёппасига, галалаб.

**ВАЛО́К** *м тех.* валок, валча, лўлача.

**ВА́ЛОМ: ва́лом вали́ть** *(ж. т.)* ёпирилмоқ, ёпирилиб келмоқ ёки бормоқ; кетма-кетига ёпирилиб келмоқ, гуриллаб келавермоқ; дувдув югуришмоқ

**ВАЛООБРА́ЗНЫЙ**, -ая, -ое вал, лўла шаклидаги; думалоқ ғўласимон.

**ВАЛОРИЗА́ЦИЯ** *ж* валоризация (касод бўлиб қолган моллар, қимматбаҳо қоғозларнинг баҳосини сун'ий равишда ошириш учун кўрилган тадбирлар)

**ВАЛТАСА́РОВ ПИР** валтасар базми (бобиллилар подшоси Валтасар номидан олинган сўз бўлиб, фалокат ёки ҳалокат олдидан қилинган базм, айш-ишрат ма'носида ишлатилади).

**ВАЛТО́РНА** *ж муз.* валторна (мисдан ясалган ва пуфлаб чалинадиган майин товушли музика асбоби).

**ВАЛТОРНИ́СТ** *м муз.* валторначи, валторна чалучи.

**ВАЛУ́Й** *м бот.* ўткир ҳидли, мазаси ширин, оқсариқ рангли вамбуруғ.

**ВАЛУ́Н** *м* валун (харсангтош, турли сабаблар блан тоғлардан силжиб тушган катта тош).

**ВАЛУ́Х** *м* ахта қўчқор.

**ВАЛЬВА́ЦИЯ** *ж* вальвация (четэл пулининг қийматини муайян давлат пули блан белгилаш).

**ВА́ЛЬДШНЕП** *м* ўрмон лойхўраги (қуш).

**ВАЛЬКИ́РИИ** *мн (ед.* **валькирия** *ж)* валькириялар (қадимги Скандинавия афсоналарида — жанг ва уришқоқлик илоҳиси деб ҳисобланган парийлар, парий ма'будалар; улар жангларда қаҳрамонларга ёрдам берганлар ва ҳалок бўлган жангчиларнинг арвоҳини Валгаллага олиб кетиб турганлар).

**ВАЛЬС** *м* вальс (1. нозик ва майин ҳаракатлар қилиб, бир текисликда оҳиста давра олиб ўйналадиган танса; 2. шу тансанинг музикаси; 3. шу танса учун ёзилган музика асари).

**ВАЛЬСИ́РОВАТЬ** (вальси́рую) *несов.* вальсга ўйнамоқ, вальсга тушмоқ.

**ВАЛЬТРА́П** *м* ёпиқ, от ёпиги.

**ВАЛЬЦЕВА́ТЬ** (вальцу́ю) *несов. тех.* вальцовка қилмоқ, жўвалламоқ, икки жўва оралигидан ўтказмоқ.

**ВАЛЬЦОВА́ТЬ** = **вальцева́ть** *(қ.)*.

**ВАЛЬЦО́ВКА** *ж тех.* 1. *мн. нет* вальцовка қилиш; жувалаш, икки жўва оралигидан ўтказиш; 2. = **вальцы** *(қ.)*; 3. вальцовка ишхонаси (резина заводида каучукни вальцовка қиладиган, жўвалайдиган ишхона).

**ВАЛЬЦО́ВОЧНЫЙ**, -ая, -ое вальцо́вка *сўз. сиф.;* вальцовка қиладиган, жўвалайдиган.

**ВАЛЬЦО́ВЩИК** *м*, **ВАЛЬЦО́ВЩИЦА** *ж* вальцовкачи (вальцовка машинасида ишловчи ишчи).

**ВАЛЬЦО́ВЩИЦА** *ж қ.* **вальцо́вщик.**

**ВАЛЬЦО́ВЫЙ**, -ая, -ое вальцовка машинали, жўва машинали; **вальцо́вая ме́льница** вальцовка машинали тегирмон (тегирмон тош ўрнида вальцовка машинаси ишлатиладиган тегирмон).

**ВАЛЬЦЫ** *мн. тех.* вальцовка машинаси (иккита цилиндрдан, жўвадан иборат чиғириқсимон машина; ишланадиган материал чиғириқсимон айланиб турадиган шу икки цилиндр, жўва оралигидан ўтказилади).

**ВА́ЛЬЩИК** *м махс. маҳл.* дарахт ағдаручи ишчи.

**ВАЛЬЯ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое *содд.* 1. савлатли, салобатли; 2. ‖ чиройли, гўзал, кўркам.

**ВАЛЬЯ́Н** *м т. с.* вальян (1. йигириш цехларида — пахта титадиган машинанинг тасма тароқ блан қопланган цилиндри; 2. тўқучиликда — газламани тўқув станогига ўрайдиган цилиндр).

**ВАЛЮТА** *ж мн. нет* валюта, пул (1. бирор мамлакатнинг қабул қилган пул системаси ва шу мамлакатнинг пули, мас.: сўм, доллар, франк ва ҳ. к.; 2. чет мамлакат пули; 3. вексель ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг биржада белгиланган нархи).

**ВАЛЮТИ́РОВАНИЕ** *ср. бухг.* дебетга ёки кредитга ўтказилган маблағ юзасидан олинадиган процентни ҳисоблайбошлаш муддати.

**ВАЛЮТНЫЙ**, -ая, -ое валюта *сўз. сиф.*; қ. **валюта.**

**ВАЛЮТЧИК** *м ж. т.* валютчи спекулянт (чет мамлакат пулини ғайриқонуний суратда олиб сотучи спекулянт).

**ВАЛЯ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* валяние *сўз. сиф.*; намат.қиладиган, кигиз босадиган; **валяльное ремесло** наматчилик.

**ВАЛЯ́ЛЬНЯ** *ж махс.* намат, кигиз босадиган жой, ишхона.

**ВАЛЯ́ЛЬЩИК** *м*, **ВАЛЯ́ЛЬЩИЦА** *ж* наматчи, кигизчи, намат босучи.

**ВАЛЯ́ЛЬЩИЦА** *ж қ.* валяльщик.

**ВАЛЯ́НИЕ** *ср мн. нет* намат босиш, кигиз босиш; **валя́ние сапо́г** пийма босиш, кигиз этик ясаш.

**ВАЛЯННЫЙ**, -ая, -ое босилган (кигиз, намат).

**ВАЛЯНЫЙ** = валеный *(қ.)*.

**ВАЛЯ́ТЬ** *несов.* 1. ағнатмоқ, думалатмоқ; булғаламоқ; 2. қормоқ, буламоқ; 3. босмоқ (намат ҳақида); 4. юзакигина, пала-партиш иш қилмоқ; 5. буйруқ формасида: ***валя́й, валя́йте*** майли, ишлайвер, қилавер; майли, боравер; хўб, майли, ишлайверинглар, бораверинглар; ◇ ***валя́ть дурака́*** аҳмоқлик қилмоқ, тентаклик қилмоқ; ҳазиллашмоқ.

**ВАЛЯ́ТЬСЯ** *несов.* 1. ағнамоқ, ағнаб ётмоқ; думалаб ётмоқ; бежо ётмоқ; сочилиб ётмоқ; **вещи валя́ются на полу** буюмлар полда (ерда) сочилиб ётипти; 2. ағнатилмоқ, думалатилмоқ; 3. қорилмоқ; 4. босилмоқ (намат); 5. пала-партиш ишланмоқ, юзакигина ишланмоқ; ◇***валя́ться в нога́х*** *(ж. т.)* тиз чўкиб ёлвормоқ, ялиниб сўрамоқ; оёққа йиқилмоқ.

**ВАМ** вы *сўз. дат. падежи;* сизга, сизларга; **я вам сказа́л** мен сизга айтдим.

**ВА́МИ** вы *сўз. твор. падежи*; сиз томондан; **я дово́лен ва́ми** мен сиздан хурсандман; **э́то сделано ва́ми** буни сиз қилгансиз.

**ВАМП** = вампир 4 *(қ.)*.

**ВАМПИ́Р** *м* вампир (1. эртакларда — гўрдан чиқиб, одамларнинг қонини сўручи қонхўр; 2. ‖ қонхўр, золим одам; 3. катта кўршапалак, ёрқанот; 4. кинода — ёвуз ма'шуқаларнинг роли).

**ВАМПУ́КА** *ж ж. т. кест.* вампука (энг ёмон ва бачкана театр спектакльлари).

**ВА́МПУМ** *м* вампум, мунчоқ (Шимолий Америка ҳиндиларида — пул ўрнида ишлатиладиган ва тумор қилиб тақиладиган чиғаноқ мунчоқ).

**ВАНАДА́Т** *м* ванадат (ванадий кислотасининг тузи); *қ.* **ванадий.**

**ВАНА́ДИЙ** *м мн. нет хим.* ванадий (ким'ёвий элемент, пўлатга ва турли қотишмаларга қўшиладиган қаттиқ металл).

**ВАНДА́Л** *м* 1. **ванда́лы** *мн.* вандаллар (бурунги замонда Румо блан урушиб, бу мамлакатда маданий ёдгорликларни хароб этган

герман қабилаларидан бири); 2. вандал. маданий ёдгорликларни таловчи, хароб этучи ваҳший одам, варвар; 3. маданиятсиз; жоҳил одам.

**ВАНДАЛИЗМ** *м мн. нет* вандализм (1. маданий ёдгорликларни ваҳшийларча хароб этиб, ер блан яксон қилиш, емириб ташлаш; ваҳшийлик, ёввойилик; 2. маданиятсизлик; жаҳолат, нодонлик).

**ВАНДАЛЫ** *қ.* вандал.

**ВАНДЕМЬЁР** *м* вандемьер (1793 йилда Конвент тарафидан белгиланган француз инқилобий календарининг 22—24 сентябрьдан 21—23 октябрьгача бўлган биринчи ойи).

**ВАНДЁЯ** *ж* Вандея (1. *тар.* Францияда — бир вилоятнинг номи; бунда XVIII аср охиридаги буржуа революцияси вақтида руҳонийлар ва дворянлар томонидан алданган қолоқ деҳқонлар шу революцияга қарши қўзғолон кўтарган эдилар; 2. шундан бери қулоқларнинг аксилинқилобий ис'ёни бўлган жойлар „вандея" деб аталади).

**ВАНИЛЕВЫЙ** = ванильный *(қ.)*.

**ВАНИЛИН** *м махс.* ванилин (ваниль ўрнида ишлатиладиган ва ваниль ҳиди берадиган модда); *қ.* ваниль.

**ВАНИЛИНОВЫЙ**, -ая, -ое ванилин *сўз сиф.;* ванилинга оид, хос; *қ.* ванилин.

**ВАНИЛЬ** *ж мн. нет* ваниль (1. орхис гуллилар оиласига мансуб узунчоқ мевали тропик ўсимлик; 2. шу ўсимликнинг ширин овқатлар тайёрлашда ишлатиладиган қуритилган хушбўй, ширин меваси).

**ВАНИЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ваниль *сўз. сиф.;* ванильга оид; ваниль блан қилинган.

**ВАННА** *ж* ванна (1 чўмилиш ёки даволаниш учун ишлатиладиган каттакон чузинчоқ тос; 2. шу шаклдаги махсус идишлар; 3. ваннада чўмилиш ёки даволаниш; **принять ванну** ванна қабул қилмоқ, ваннада чўмилиб даволанмоқ; 4. сув, ҳаво, қум, қуёш нури ва ҳ. к. та'сири блан баданни даволаш, чиниқтириш; **солнечная ванна** қуёш ваннаси; 5. *тех.* пулат тоблашда ёки металл нарсаларни бошқа металл блан қоплашда — тобланучи ёки қопланучи нарса ботириладиган идиш).

**ВАННАЯ** *ж* ваннахона; чўмиладиган уй.

**ВАННОЧКА** *ж* ванначa, кичкина ванна.

**ВАННЫЙ**, -ая, -ое ванна *сўз. сиф.;* ваннага оид.

**ВАНТОЗ** *м* вантоз (1793 йилда Конвент тарафидан белгиланган француз инқилобий календарининг 19—21 февральдан 20—21 мартгача бўлган олтинчи ойи).

**ВАНТУЗ** *м тех.* вантуз (водопровод қувурларида тўпланиб қолиб, сувнинг ўтишига тусқинлик қилган ҳавони автоматик равишда чиқариб юборадиган, қувур бўшаганда эса, унга ҳаво киргизадиган асбоб).

**ВАНТЫ** *мн.(ед.* ванта *ж) денг.* елканли кемаларда — мачтани ушлаб турадиган йўғон арқон.

**ВАНЬКА** *м менс. эск.* оти ва араваси ёмон извошчи.

**ВАНЬКА-ВСТАНЬКА** *м* 1. урсақўпар (ётқизиб қўйса, ўзи туриб кетадиган қўғирчоқ); 2. ‖ *ж. т.* ҳарқандай фалокатдан осонлик блан ўнгланиб оладиган одам.

**ВАП** *м*, **ВАПА** *ж* вап (1. *т. с.* таркибида мис тузи бўлган модда; газламага гул босганда гул ораларига бўёқ теккизмаслик учун ишлатилади; 2. *бинк.* девор бўёғи; 3. *бинк.* оҳак қоришмаси; бўза; 4. аэропланларда суюқлик ва газ сақланадиган цилиндрлар).

**ВАПОР** *м* вапор (буғ машиналарининг цилиндрларини мойлаш учун ишлатиладиган мой).

**ВАПОРИЗАЦИЯ** *ж* вапоризация (1. *тех.* суюқ моддаларни парга, буққа айлантириш; 2. *мед.* буғлаш, қон кетишни тўхтатиш учун буғ блан куйдириш).

**ВАПОРИМЕТР** *м* вапориметр (ҳархил суюқ модда буғининг босимини аниқлайдиган асбоб).

**ВАР** *м мн. нет* 1. *махс.* пиширилган қатрон, қора мум; **садовый вар** дарахт малҳами (дарахтларнинг уланган ёки шикастланган жойига суркаш учун сақич, ёғ, мум ва қайнатилган қатрон қўшиб тайёрланган модда, малҳам); 2. *маҳл.* қайноқ сув.

**ВАРАКАТЬ** *несов. ж т.* бесўнақайлик қилмоқ, пала-партиш ишламоқ, билар-билмас ёзмоқ.

**ВАРАКУШКА** *ж зоол.* андалиб (булбулнинг бир тури).

**ВАРАН** *м зоол.* эчкемар.

**ВАРВАР** *м* 1. *тар.* варвар (қадимги юнонларда ва румолиларда чет одам, бошқа юрт кишиси); 2. варвар, ваҳший (маданият душмани, маданият ёдгорликларини ер блан яксон қилучи, емиручи; ваҳшийлашган, ҳайвонтахлит, шафқатсиз ва раҳмсиз одам); 3. ‖ варвар, маданиятсиз, жоҳил, нодон одам; 4. ‖ *ж. т.* ваҳшийлашган, ҳайвонтахлит одам, қўпол, ёввойи одам.

**ВАРВАРИЗАЦИЯ** *ж мн. нет* варварлаштириш (маданиятни емириш, маданият ёдгорликларини ер блан яксон қилиш).

**ВАРВАРИЗМ** *м мн. нет* варваризм, барбаризм [1. чет сўзларни ўринсиз ишлатиш; 2. бошқа бир тилдан олинган ёки бошқа бир тилдаги сўзларга ва ибораларга тақлид қилиб (ўхшатиб) ясалган ва айни тилга хос бўлмаган сўзлар ва иборалар].

**ВАРВАРСКИЙ**,-ая,-ое 1. *тар.* **варвар** 1 *сўз. сиф.*; **варварские племена** варвар қабилалари; 2. варварларча, ёввойиларча, ваҳшиёна; раҳмсиз; шафқатсизлик блан қилинган; 3. маданиятсиз, жоҳил, нодон; 4. ‖ қўпол, дағал.

**ВАРВАРСТВО** *ср мн. нет* 1. *тар.* варварлик даври (Энгельснинг та'рифича—инсоният жамияти тараққиётининг уч босқичидан иккинчи босқичи; ваҳшийлик босқичидан, я'ни инсонларнинг ваҳший ҳолатдан чиқиб, чорвачилик ва зироатчилик ишлари блан шуғулланабошлаган даври); 2. ‖ ваҳшийлик, қўполлик, дағаллик; раҳмсизлик, шафқатсизлик, золимлик, варварлик.

**ВАРГАНИТЬ** (варганю) *несов. содд.* юзаки ишламоқ, чала-чулпа ишламоқ, ишни хом қилмоқ.

**ВАРЕВО** *ср мн. нет ж. т* қайнатма суюқ овқат, ёвғон ош.

**ВАРЕГА** *ж маҳл* = **варежка** *(қ.)*.

**ВАРЕЖКА** *ж* қўлқоп, панжасиз қўлқоп.

**ВАРЕНЕЦ** *м* қатиқ.

**ВАРЕНИЕ** *ср* = **варка** *(қ.)*

**ВАРЕНИКИ** *мн. (ед.* **вареник** *м)* ичига сузма, сабзавот ёки мева солиб пиширилган чучвара; **вареники с вишнями** олчали чучвара.

**ВАРЕННЫЙ**,-ая,-ое пиширилган, қайнатилган, қайнатма.

**ВАРЁНЫЙ**,-ая,-ое 1. қайнатма; қайнатиб пиширилган; **варёная рыба** қайнатиб пиширилган балиқ; 2. ‖ *ж. т.* ланж, шалпайган, шалвираган, бўшашган.

**ВАРЕНЬЕ** *ср* 1. мураббо, қиём; 2. = **варение** *(қ.)*.

**ВАРИАНТ** *м* вариант (1. план, лойиҳа, илмий ёки адабий асарнинг бошқача ишланган тури, шакли, иккинчи хил ишланган нусхаси; **проект в двух вариантах** икки хил шаклда тайёрланган лойиҳа; 2. фарқ, ўзгариш; ҳархиллик; бирор адабий асарнинг икки нусхаси орасидаги тафовут; **издание сочинений Пушкина с вариантами** Пушкин асарларини турли нусхаларда, вариантларда нашр этиш).

**ВАРИАНТА** *ж* варианта (1. *биол.* алоҳида кузатиш натижасида аниқланган ўзгаручан аломат; 2. статистикада — сонлар қаторининг ҳарбир ҳади).

**ВАРИАЦИОННЫЙ**,-ая,-ое вариацион, ўзгаручан, ўзгарадиган, тафовут қиладиган, фарқ қиладиган; **вариационное исчисление** вариацион ҳисоб (математик анализнинг муҳим тармоқларидан бири; бирор чизиқ ёки сиртга боғли бўлган функциянинг шу чизиқ ёки сиртнинг қайси ҳолатида максимал ёки минимал қийматга эга бўлишини излаш).

**ВАРИАЦИЯ** *ж* вариация [1. ўзгаручанлик; *қ.* **модификация**; 2. *қ.* **вариант**; 3. *муз.* тарона (бирор му-

зика мавзуининг турли шаклда ишланиши)

**ВАРИЕТЕ́Т** *м биол.* вариетет (нав'нинг мухталифлиги, хилма-хиллиги).

**ВАРИИ́РОВАТЬ** (варии́рую) *несов.* = **варьировать** *(қ.)*.

**ВАРИИ́РОВАТЬСЯ** *несов.* = **варьироваться** *(қ.)*.

**ВАРИО́МЕТР** *м* вариометр (1. радиоприёмник ва радиоэшиттириш аппаратларини созловчи асбоб; 2. *тех.* ер магнетизми, оғирлик кучи каби физик факторларнинг ўзгаришларини кузатадиган асбоб).

**ВАРИ́ТЬ** (варю) *несов.* 1. қайнатмоқ, пиширмоқ; **вари́ть суп** шўрва қилмоқ, пиширмоқ; 2. эритмоқ, ёғ эритмоқ; 3. уламоқ (мас. **темирни**); ◇ ***желу́док ва́рит*** қорин овқатни ҳазм қилади.

**ВАРИ́ТЬСЯ** *несов.* 1. қайнамоқ, пишмоқ; 2. эримоқ, эритилмоқ; 3. уланмоқ, пайванд қилинмоқ (темир ҳақида); ◇ ***вари́ться в со́бственном соку́ (ж. т.)*** ўз ҳолига қолиб қийналмоқ, ўз дардини ўзи тортмоқ, ўзича яшамоқ, бошқаларга аралашмай ўзича яшамоқ.

**ВА́РКА** *ж мн. нет* 1. қайнатиш, пишириш; 2. эритиш; эритилиш; 3. улаш, пайванд қилиш (темир ҳақида).

**ВА́РКИЙ**, -ая, -ое 1. *махс.* яхши ёнадиган, тез ва яхши пиширадиган, қайнатадиган (ўчоқ ҳақида); 2. ‖ тезпишар, тезқайнар.

**ВАРКО́ВЫЙ**, -ая, -ое *қ. х.* **варо́к** *сўз. сиф.*; **варко́вая слу́чка** ғов блан тўсиб қўйилган алоҳида майдонга айғирни киргизиб қўйиб, байталларни қочириш усули.

**ВАРНА́К** *м маҳл.* 1. қочқин, сургундан қочган; 2. каторгадаги, сургундаги киши.

**ВА́РНИЦА** *ж махс.* 1. тузхона, шўрсувни қайнатиб тузини оладиган корхона; 2. туз конида туз олиш учун шўр сув қайнатиладиган идиш.

**ВАРО́К** *м қ. х.* отхоналар олдида ғов блан тўсиб қўйилган алоҳида майдон, саҳн.

**ВА́РОЧНЫЙ**, -ая, -ое **ва́рка** *сўз. сиф.*; пиширишга, қайнатишга оид.

**ВАРРА́НТ** *м* омонатнома, ҳужжат; омонат қўйилган мол ҳақида берилган тилхат.

**ВАРФОЛОМЕ́ЕВСКАЯ НОЧЬ** *ж* Варфоломей кечаси (1. 1572 йил 24 августга ўтар кечаси Париж шаҳрида католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин; 2. бошқа маслакдаги кишиларни калтаклаш, қириш).

**ВАРШАВЯ́НКА** *ж мн. нет* варшавянка, поляк революционерларининг қўшиғи (Октябрь революциясигача Россия ишчилари орасида кўп айтилган инқилобий қўшиқ).

**ВАРЬЕТЕ́** *ср нескл.* варьете (ашула, рақс, музика, шунингдек айрим драматик асарларни, айниқса кулги-ҳажвий парчаларни бирга қўшиб кўрсатадиган енгил жанрли театр).

**ВАРЬИ́РОВАТЬ** (варьирую) *несов.* 1. ўзгартмоқ, турлантирмоқ, нусхасини ўзгартмоқ, бир нарсага янги шакл солмоқ, хилини ўзгартмоқ; 2. *мат.* вариациямоқ.

**ВАРЬИ́РОВАТЬСЯ** *несов.* ўзгармоқ; товланмоқ.

**ВАРЯ́ГИ** *мн. (ед.* **варя́г** *м)* варяглар (1. Скандинавия ярим оролидан тарқалган норманларга қадимги Россияда IX—XI асрларда берилган ном; 2. ‖ имтиёзли ажнабийлар).

**ВАРЯ́ЖСКИЙ**, -ая, -ое **варя́ги** *сўз. сиф.*; варягларга оид.

**ВАС** **вы** *сўз. родит., винит.* ва *предл. падежлари*; **у вас** сизда, сизларда; сизникида, сизларникида; **вас** сизни, сизларни; **кто из вас** қайси бирингиз.

**ВАСИЛЁК** *м бот.* бўтакўз.

**ВАСИЛИ́СК** *м* 1. *эск. миф.* аждар, аждарҳо; 2. *зоол.* Жанубий Америкада яшайдиган калтакесакнинг бир тури.

**ВАСИЛЬКО́ВЫЙ**, -ая, -ое 1. **василёк** *сўз. сиф.*; бўтакўзга оид; 2. **васильковый цвет** тўқ зангори ранг.

**ВАСИСДА́С** *м эск.* дарча, эшик ёки дераза дарчаси.

**ВАССА́Л** *м* вассал (1. феодализм даврида — йирик феодал ҳукмдорга қарам бўлиб, унинг буйруғини бажаришга мажбур бўлган

катта ер эгаси, феодал; 2. қарам киши ёки қарам давлат).

**ВАССА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **васса́л** *сўз. сиф.*; мути', тоби', бўйсунучи; **васса́льное госуда́рство** қарам ёки тоби' давлат (катта давлатга бўйсунган кичик давлат).

**ВА́ТА** *ж мн. нет* пахта, момиқ; чигити тозаланган пахта.

**ВАТА́ГА** *ж* 1. *ж. т.* оломон, тўда, тўп; **идти́ це́лой вата́гой** тўптўп бўлиб бормоқ, тўдалашиб бормоқ; 2. *маҳл.* балиқчилар артели; 3. *тар.* казакларнинг саф тортиб юриши.

**ВАТА́ЖНЫЙ**, -ая, -ое **вата́га** *сўз. сиф.*; **вата́жное судно́** балиқчилар кемаси.

**ВА́ТЕР I** *м ж. т.* = **ватерклозе́т** *(қ.)*.

**ВА́ТЕР II** *м*, **ВАТЕРМАШИ́НА** *ж т|.с.* ватер, ватермашина (ип йиғирадиган машинанинг бир тури).

**ВАТЕРКЛОЗЕ́Т** *м* водопроводли ҳожатхона.

**ВАТЕРЛИ́НИЯ** *ж дениз.* ватерлиния (кеманинг сув блан кесишган чизиғи); **грузова́я ватерли́ния** юклаш ватерлинияси (кемаларда қанча юк ортиш мумкинлигини кўрсатадиган чизиқ).

**ВАТЕРМАШИ́НА** *ж* = **ватер II** *(қ.)*.

**ВА́ТЕРНЫЙ**, -ая, -ое **ва́тер I** ва **ва́тер II** *сўз. сиф.*; ватермашинага оид.

**ВАТЕРПА́С** *м махс.* ватерпас (питирпос, „шайтон", юзанинг, сатҳнинг горизонталлигини кўрсатадиган асбоб).

**ВАТЕР-ПО́ЛО** *ср спорт.* ватерполо (сувда копток ўйини).

**ВАТЕРПРУ́Ф** *м эск.* ватерпруф (1. пальто ва палаткалар тикиш учун сув ўтмас мата; 2. сув ўтказмайдиган пальто; 3. хотинлар киядиган ёзлик узун пальто).

**ВАТЕРЩИЦА** *ж махс.* ватерчи (ватермашинада ишловчи аёл).

**ВАТИКА́Н** *м* Ватикан (1. католиклар черкови бошлиғи бўлган Рим папасининг саройи; Рим католик черковининг диний-ма'мурий ва ташкилий маркази; Ватикан жуда кичкина давлат бўлиб, халқаро реакция марказидир. Ҳозирги вақтда Ватикан Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британиянинг империалистик сиёсатини қўллабқўлтиқлаб келади ҳамда СССР га қарши, барча демократик давлатларга, бутун дун'ёдаги демократик кучларга қарши кескин кураш олиб бормоқда; 2. папа ҳокимияти, идораси; католик черковининг ҳукмрон табақаси).

**ВАТИ́Н** *м мн. нет* ватин, миёнаастар (авра блан астар орасига қўйиладиган сермомиқ мата).

**ВАТИ́НОВЫЙ**, -ая, -ое **вати́н** *сўз. сиф.*; **вати́новая подкла́дка** ватин миёнаастарлик (астар блан авра орасига қўйиладиган сермомиқ мата).

**ВА́ТКА** *ж* бир тутам пахта.

**ВА́ТНИК** *м* пахталик (кийим).

**ВА́ТНЫЙ**, -ая, -ое **ва́та** *сўз. сиф.*; пахтали, пахтадан қилинган; **ва́тный хала́т** пахталик чопон, гуппи тўн.

**ВАТРУ́ШЕЧНЫЙ**, -ая, -ое **ватру́шка** *сўз. сиф.*; ватрушкага оид.

**ВАТРУ́ШКА** *ж* ватрушка (ўртасига сузма солинган кулча нон).

**ВАТТ** *м* ватт (электр қуввати ўлчов бирлиги).

**ВАТТМЕ́ТР** *м* ваттметр (электр токининг қувватини ўлчайдиган асбоб).

**ВА́ФЕЛЬНИК** *м* = **ва́фельщик** *(қ.)*.

**ВА́ФЕЛЬНИЦА** *ж* вафля тайёрлайдиган қолип; *қ.* **вафля.**

**ВА́ФЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **ва́фля** *сўз. сиф.*; вафляга оид; *қ.* **вафля**.

**ВА́ФЕЛЬЩИК** *м*, **ВА́ФЕЛЬЩИЦА** *ж* 1. вафлячи, вафля тайёрловчи; 2. вафляфуруш, вафля сотучи.

**ВА́ФЕЛЬЩИЦА** *ж қ.* **вафельщик.**

**ВА́ФЛЯ** *ж* вафля (шакар, қаймоқ, тухум қўшиб пиширилган усти катак-катак, чап-чап нон, печенье).

**ВАХЛА́К** *м ж. т.* 1. эпашанг, эпсиз, ношуд, рудапо одам; 2. тунг, қўрс, адабсиз одам.

**ВА́ХМИСТР** *м* эски вақтда отлиқ аскарларда — кичик офицер; *қ.* **фельдфебель.**

**ВА́ХТА** *ж* вахта (1. кемада — навбатчилик, посбонлик қилиш; 2. навбатда туручилар, посбонлик қилучилар; 3. механизмлар ёнида, электростанциялар, нефть мезаналари ва заводларда — навбат туриш; 4. посбон турган дарвоза).

**ВА́ХТЕННЫЙ, -ая, -ое 1.** ва́хта *сўз. сиф.*; **ва́хтенный нача́льник** қоровулбоши, навбатда турганлар бошлиғи; **2.** *сущ.* **ва́хтенный** *м* ҳарбий кемада — қоровул.

**ВА́ХТЕР** *м* вахтер (1. *эск.* қоровулбоши; 2. қоровул, идораларда қоровуллик қилучи).

**ВА́ХТЕРСКИЙ, -ая, -ое** ва́хтер *сўз. сиф.*; **ва́хтерский окла́д** вахтёр маоши.

**ВАХХАБИ́ТЫ** *м мн.* ваҳобийлар (Арабистонда XVIII асрда пайдо бўлган ва кўчманчи мусулмон араб қабилаларининг миллий ҳаракати блан боғланган диний мазҳаб).

**ВАШ** *м*, **ВА́ША** *ж*, **ВА́ШЕ** *ср (мн.* **ваши)** 1. сизнинг, сизларнинг; **ваш оте́ц** сизнинг отангиз; **2.** *сущ.* **ва́ша** сизники, сизларники; **э́та кни́га ва́ша** бу китоб сизники; 3. сиздан, сизлардан; **я рабо́таю бо́льше ва́шего** мен сиздан кўра кўпроқ ишлайман; **4.** *сущ.* **ва́ши** *мн.* қариндош-уруғлар, сизникилар; **ва́ши гости́ли у нас** сизникилар бизникида меҳмон бўлишди; ◇ ***по-ва́шему*** сизнингча, сизнинг фикрингизча.

**ВА́ШГЕРД** *м* вашгерд (руда ювадиган ёки қумни сувда оқизиб, олтинга бой қисмини ажратиб оладиган асбоб).

**ВАЯ́НИЕ** *ср мн. нет эск.* 1. ҳайкалтарошлик, ўймакорлик; 2. ҳайкал ясаш, ўйма нақш солиш.

**ВАЯ́ТЕЛЬ** *м эск.* ҳайкалтарош, ўймакор.

**ВАЯ́ТЬ** *несов. эск.* ҳайкал ясамоқ, ўйма нақшлар ясамоқ.

**ВБЕГА́ТЬ** *несов.* югуриб кирмоқ.

**ВБЕЖА́ТЬ** (вбегу́, вбежи́шь, вбежи́т, вбежи́те, вбегу́т) *сов. қ.* вбега́ть.

вберу́ *буд. от* вобра́ть *(қ.)*.

**ВБИВА́ТЬ** *несов. қ.* **вбить**.

**ВБИВА́ТЬСЯ** *несов.* қоқилмоқ, уриб киргизилмоқ, қоқиб киргизилмоқ.

**ВБИРА́ТЬ** *несов. қ.* **вобра́ть**.

**ВБИРА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вобра́ться**.

**ВБИТЬ** (вобью́) *сов.* 1. қоқмоқ, қоқиб киргизмоқ; 2. *спорт.* уриб киргизмоқ; ◇ ***вбить в го́лову*** миясига қуймоқ.

**ВБЛИЗИ́** *нареч.* яқинда, яқинида, ёнида, яқиндан.

**ВБОК** *нареч.* ёнига, биқинига, ёнбошига, уёқ-буёққа.

**ВБРА́СЫВАТЬ** *несов. қ.* **вбро́сить**.

**ВБРОД** *нареч.* кечиб ўтиш; **переходи́ть вброд** сувнинг саёз еридан кечиб ўтмоқ.

**ВБРО́СИТЬ** (вбро́шу, вбро́сишь) *сов.* ичкарига ташламоқ, ичига ташламоқ, ичига ирғитиб ташламоқ.

**ВБРО́ШЕННЫЙ**,-ая,-ое бир нарсанинг ичига ташланган, солинган.

**ВБУ́ХАТЬ** *сов. содд.* ағдармоқ, бирданига ағдариб тўкмоқ, бир йўла тўкиб юбормоқ; бирданига кўп нарса қўшмоқ, кўплаб тиқмоқ.

**ВБУ́ХАТЬСЯ** *сов. содд.* ағдарилиб тушмоқ, думалаб тушмоқ, йиқилмоқ, шалп этиб тушмоқ, тушиб кетмоқ; алла бўлиб йиқилмоқ; ағдарилиб тўкилмоқ.

**ВБУ́ХИВАТЬ** *несов. қ.* **вбу́хать**.

**ВВА́ЛИВАТЬ** *несов. қ.* **ввали́ть**.

**ВВА́ЛИВАТЬСЯ** *несов. қ.* **ввали́ться**.

**ВВАЛИ́ТЬ** (ввалю́) *сов.* 1. ағдармоқ, тўкмоқ; 2. *содд.* урмоқ, муштламоқ, саваламоқ.

**ВВАЛИ́ТЬСЯ** *сов.* 1. йиқилмоқ, қуламоқ; тўшиб кетмоқ, ағдарилиб кетмоқ; 2. *ж. т.* ботиб кетмоқ; чўкиб кетмоқ; **у больно́го ввали́лись гла́за** касалнинг кўзлари киртайиб, ич-ичига кириб кетипти; 3. ‖ *ж. т.* бостириб кирмоқ, беижозат кирмоқ; ҳовлиқиб кирмоқ, тўсатдан кирмоқ.

**ВВЕДЕ́НИЕ** *ср* 1. киргизиш; 2. жорий қилиш, амалга ошириш; 3. кириш, муқаддима, сўзбоши, мадхал; 4. *черк.* христиан байрамларидан бири.

**ВВЕДЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. киргизилган, киритилган; 2. ‖ алданган,

адаштирилган; 3. жорий қилинган, амалга оширилган, ишга солинган.

введу́ *буд. от* ввести́ *(қ.).*

**ВВЕЗТИ́** *сов. қ.* **ввози́ть.**

**ВВЕК** *нареч. ж. т.* ҳечқачон, сра, асло, ҳеч.

ввёл *прош. от* **вводи́ть** *(қ.).*

**ВВЕРГА́ТЬ** *несов.* 1. *эск.* солмоқ, гирифтор қилмоқ, ташламоқ; **вверга́ть в темни́цу** зиндонга ташламоқ; **вверга́ть в скорбь** ғамга солмоқ

**ВВЕРГА́ТЬСЯ** *несов. эск.* солинмоқ, тушмоқ, гирифтор бўлмоқ, дучор бўлмоқ; **вверга́ться в печа́ль** қайғуга тушмоқ.

**ВВЁРГНУТЬ** *сов. қ.* **вверга́ть**

**ВВЁРГНУ́ТЬСЯ** *сов. эск.* бостириб кирмоқ, зўрлик блан кирмоқ; зўрлик блан киргизилмоқ.

**ВВЕ́РЕННЫЙ**,-ая,-ое 1. ишонилган, инонилган, ишониб топширилган; 2. бир шахснинг ихтиёрига берилган; 3. бир шахснинг қўл остида, ихтиёрида бўлган

**ВВЕРЗИ́ТЬСЯ** *сов. ж. т. дағл.* шалтоғига тоймоқ, ботмоқ; ифлос жойга йиқилмоқ, ағдарилиб тушмоқ.

**ВВЕ́РИТЬ** (вве́рю) *сов.* ишонмоқ, инонмоқ, ишониб топширмоқ, омонат топширмоқ, ишониб айтмоқ.

**ВВЕ́РИТЬСЯ** *сов.* инониб берилмоқ, ишониб кетмоқ, сир бермоқ, сирдош бўлмоқ, э'тимод қилмоқ.

**ВВЕРНУ́ТЬ** *сов.* 1. *тех.* бураб киргизмоқ; 2. ‖ *ж. т.* луқма ташламоқ, сўзга сўз қўшмоқ, гапга аралашмоқ.

**ВВЕРСТА́ТЬ** *сов полигр.* саҳифаланган материалга янги материал қўшмоқ, терилган сатрларни силжитиб, янги йўл киргизмоқ

**ВВЁРСТЫВАТЬ** *несов. қ.* **вверста́ть.**

**ВВЕРТЕ́ТЬ** (вверчу́, вве́ртишь) *сов. ж. т.* бураб-бураб киритмоқ, бироз бурамоқ, бураб қўймоқ.

**ВВЁРТЫВАТЬ** *несов. қ.* **вверте́ть.**

**ВВЁРТЫВАТЬСЯ** *несов. ж. т.* буралиб кирмоқ; бураб киргизилмоқ.

**ВВЕРХ** *нареч.* 1. юқорига, тепасига, юқори, юқори томонга, устига; 2. дар'ёнинг бошига, юқори томонига; ◊ ***вверх дном (ж. т.)*** остин-устин, агдар-тунтар; айқашуйқаш; ***ру́ки вверх!*** қўлингни кўтар!

**ВВЕРХУ́** *нареч.* юқорида, тепада, тепасида, устида, баландда.

**ВВЕРЯ́ТЬ** *несов. қ.* **вверить**

**ВВЕРЯТЬСЯ** *несов. қ.* **ввериться.**

**ВВЕСТИ́** (введу́) *сов. қ.* **вводи́ть.**

**ВВЕСТИ́СЬ** *сов. қ.* **вводи́ться**

**ВВЕЧЕРУ́** *нареч. эск.* кечқурун, оқшомда

**ВВИВА́ТЬ** *несов. қ.* **ввить.**

**ВВИДУ́** *сл. сл.* назарда тутиб, э'тиборга олиб, ... бўлиш сабабли

**ВВИНТИ́ТЬ** (ввинчу́, ввинти́шь) *сов.* бурамоқ, бураб киргизмоқ; винтламоқ.

**ВВИ́НЧЕННЫЙ**,-ая,-ое бураб киргизилган, винтланган

**ВВИ́НЧИВАТЬ** *несов. қ.* **ввинти́ть.**

**ВВИ́НЧИВАТЬСЯ** *несов.* буралмоқ, бураб киргизилмоқ.

**ВВИТО́Й**,-ая,-óе, **ВВИ́ТЫЙ**,-ая,-ое ҳимарилган, қўшиб ўрилган, қўшиб эшилган.

**ВВИТЬ** *сов.* қўшиб ҳимармоқ, қўшиб ўрмоқ, қўшиб эшмоқ.

**ВВОД** *м* 1. киргизиш; дохил қилиш; 2. бирор нарсанинг ташқаридан ичкарига киргизилган ўрни; электр, телефон сими тортиб киргизилган жой.

**ВВОДИ́ТЬ** (ввожу́, вво́дишь) *несов.* 1. киргизмоқ, киритмоқ, олиб кирмоқ, дохил қилмоқ, бошлаб кирмоқ; **вводи́ть войска́ в го́род** шаҳарга қўшин киргизмоқ; 2. ‖ бирор ёмон ишга аралаштирмоқ; бирор ёмон ишга аралаштириб, зарарлантирмоқ; **вводи́ть в заблужде́ние** йўлдан урмоқ, чалғитмоқ, адаштирмоқ; **вводи́ть в расхо́д** чиқимдор қилмоқ, харажатлантирмоқ; 3. ‖ таништирмоқ; йўлламоқ; **вводи́ть в курс де́ла** иш блан таништирмоқ; 4. бирор нимани бошлаб бермоқ, расм қилмоқ; **вводи́ть но-**

**вую моду** янги модани расм қилмоқ; **5.** жорий қилмоқ, амалга оширмоқ; **вводить новый закон** янги қонун жорий қилмоқ; **6.** ишга солмоқ; **вводить новое предприятие в эксплоатацию** янги корхонани ишга солмоқ; ◇ ***вводить во владение, в наследство (юр.)*** мулкни, меросни топширмоқ; меросхўр қилмоқ.

**ВВОДИТЬСЯ** *нес в.* **1.** киргизилмоқ, киритилмоқ, дохил қилинмоқ; **2.** бирор ёмон ишга аралаштирилмоқ; **3.** гаништирилмоқ; расм қилинмоқ; **4.** жорий қилинмоқ; **5.** ишга солинмоқ, қонуний йўл блан топширилмоқ.

**ВВОДНЫЙ**,-ая,-ое кириш, бошланғич; **вводный тон** (*муз.*) даромад; ◇ *вводное слово (грам.)* кириш сўз; *вводный лист* васиқа.

**ВВОЗ** *м мн нет* **1.** четдан ташиб киритиш, ташқаридан ичкарига олиб келиш, келтириш; **2.** чет эллардан келтириладиган моллар, импорт

**ВВОЗИТЬ** (ввожу,ввозишь) *несов.* **1.** ташиб келтирмоқ, ташқаридан ичкарига ташиб келтирмоқ; **2.** четэлдан мол келтирмоқ.

**ВВОЗИТЬСЯ** *несов.* **1.** четдан келтирилмоқ, четдан ташиб киритилмоқ; **2.** чет мамлакатдан келтирилмоқ, импорт қилинмоқ.

**ВВОЗНЫЙ**, -ая, -ое *эк.* ввоз *сўз. сиф.*; четдан келтирилган, бошқа юртдан олиб келинган; **ввозный товар** чет мамлакатдан келтирилган мол.

**ВВОЛАКИВАТЬ** *несов. содд. қ.* **вволочь.**

**ВВОЛАКИВАТЬСЯ** *несов. содд.* судраб киритилмоқ, судралиб кирмоқ.

**ВВОЛОЧЬ** (вволоку, вволочёшь, вволочёт, вволокут) *сов. содд.* судраб киритмоқ

**ВВОЛЮ** *нареч. ж. т.* мириқиб, обдан, хоҳлаганча, тилаганча, истаганча, тўйгунча, мўл, бемалол, бамайлихотир.

**ВВОСЬМЕРО** *нареч.* саккиз марта, саккиз карра, саккиз гал, саккиз топқир, саккиз қат, саккиз дафъа.

**ВВОСЬМЕРОМ** *нареч.* саккизовлаб, саккиз киши бўлиб, саккиз кишилашиб.

**В-ВОСЬМЫХ** саккизинчи, саккизинчидан.

**ВВЫСЬ** *нареч.* юқорига, баландга, юксакларга; **подниматься ввысь** баланд кўтарилмоқ, баланд парвоз қилмоқ.

**ввяжу** *буд. от* **ввязать** *(қ.)*.

**ВВЯЗАТЬ** (ввяжу) *сов.* **1.** қўшиб тўқимоқ, қўшиб ўрмоқ; **2.** ‖ *ж. т* жалб қилмоқ, аралаштирмоқ, қотиштирмоқ; бировни ярамас ишга қатнаштирмоқ.

**ВВЯЗАТЬСЯ** *сов. ж. т.* қотишмоқ, аралашмоқ, бировнинг ишига, гапига қотишмоқ; **ввязаться в бой** *(ҳарб.)* жангга киришмоқ.

**ВВЯЗЫВАТЬ** *несов. қ* **ввязать.**

**ВВЯЗЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **ввязаться.**

**ВГИБ** *м* ботиқ, эгик, букик, чўкик, ичига ботган жой.

**ВГИБАТЬ** *несов.* букмоқ, эгмоқ, ичкарига қайирмоқ.

**ВГИБАТЬСЯ** *несов.* ичкарига букилмоқ, қайрилмоқ, ботмоқ, ичкарига эгилмоқ.

**ВГЛУБЬ** *нареч.* **1.** чуқурига; **измерили озеро вглубь** кўлнинг чуқурлигини ўлчадик; **2.** энг ичкарисига, энг узоқ жойига; **вглубь страны** мамлакатнинг энг ичкарисига.

**ВГЛЯДЕТЬСЯ** *сов.* **1.** тикилмоқ, тикилиб қарамоқ; таниб олмоқ; **2.** маҳлиё бўлмоқ, кўп кўравериб кўз кўникиб қолмоқ.

**ВГЛЯДЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вглядеться**

**ВГНЕЗДИТЬСЯ** *сов.* ўрнашиб қолмоқ, маҳкам жойлашиб қолмоқ; **тревожные мысли вгнездились в меня** кўнглимга ёмон хаёллар тушди, кўнглим хавотирда, дилим ғаш.

**ВГОЛОВАХ** *қ.* **голова.**

**вгоню** *буд. от* **вогнать** *(қ.)*.

**ВГОНЯТЬ** *несов.* **1.** қувиб (ҳайдаб) киргизмоқ; **2.** қоқмоқ, қоқиб кир

гизмоқ; 3. ‖ ёмон ҳолга солмоқ, туширмоқ; мубтало қилмоқ, гирифтор қилмоқ; **вгоня́ть в гроб** улар ҳолатга солмоқ; **вгоня́ть в кра́ску** қизартирмоқ, уялтирмоқ, ўсал қилмоқ; 4. сиқиб қўймоқ, мушкул аҳволга солмоқ.

**ВГРЫЗА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вгры́зться.**

**ВГРЫ́ЗТЬСЯ** *сов.* тишлашмоқ, ғажишмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

**ВГУСТУ́Ю** *нареч қ* **вкруту́ю.**

**ВДАВА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вда́ться.**

**ВДАВИ́ТЬ** (вдавлю́, вдави́шь) *сов.* 1. тиқмоқ, босиб, сиқиб киргизмоқ; 2. босиб эгмоқ, босиб чуқур қилмоқ.

**ВДАВИ́ТЬСЯ** *сов.* тиқилмоқ, тиқилиб кирмоқ; ботиб кирмоқ; ботирилмоқ; чўкмоқ, чўктирилмоқ.

**ВДА́ВЛЕННЫЙ**, -ая, -ое ботган, чўккан, босиб киргизилган, босилган.

**ВДА́ВЛИВАТЬ** *несов. қ.* **вдави́ть.**

**ВДА́ВЛИВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вдави́ться.**

**вдади́мся, вдади́тесь** *буд. от* **вда́ться** *(қ).*

**ВДА́ЛБЛИВАТЬ** *несов. қ.* **вдолби́ть.**

**ВДАЛЕКЕ́** *нареч.* йироқда, узоқда, олисда, аллақаёқда, анча нарида.

**ВДАЛИ́** *нареч. қ.* **вдалеке́.**

**ВДАЛЬ** *нареч.* йироққа, узоққа, олисга, аллақаерларга.

**вда́мся** *буд. от* **вда́ться** *(қ.).*

**ВДА́РИТЬ** (вда́рю) *сов. содд.* урмоқ, солмоқ, туширмоқ (муштлашиш ҳақида).

**ВДА́ТЬСЯ** (вда́мся, вда́шься, вда́стся, вдади́мся, вдади́тесь, вдаду́тся) *сов.* 1. анча ичкари кирмоқ; киришмоқ; 2. суриштирмоқ, синчиклаб текширмоқ; **вда́ться в подро́бности** батафсил баён қилмоқ, бирор нарсани текширганда майда-чуйда тафсилотга берилиб кетмоқ.

**вда́шься** *буд. от* **вда́ться** *(қ.).*

**ВДВИГА́ТЬ** *несов. қ.* **вдви́нуть.**

**ВДВИГА́ТЬСЯ** *несов.* 1. *қ.* **вдви́нуться;** 2. суқиб, итариб киргизилмоқ; 3. нари-бери сурилмоқ, силжимоқ.

**ВДВИЖНО́Й**, -а́я, -о́е *махс.* суриладиган, силжийдиган, нари-бери суриладиган; *қ.* **выдвижно́й.**

**ВДВИ́НУТЬ** (вдви́ну) *сов.* суриб, итариб киргизмоқ, итариб киргизиб қўймоқ.

**ВДВИ́НУТЬСЯ** *сов.* суриб, итариб киргизилмоқ, итариб киргизиб қўйилмоқ.

**ВДВО́Е** *нареч.* 1. икки баравар; икки марта, икки карра, икки ҳисса, икки топқир, икки қайта; **вдво́е бо́льше** икки баравар ортиқ; 2. икки қават қилиб, икки буклаб; **сложи́ть лист бума́ги вдво́е** қоғозни икки букламоқ.

**ВДВОЁМ** *нареч.* икков, икковлаб, икки кишилашиб.

**ВДВОЙНЕ́** *нареч.* 1. икки ҳисса, икки баравар, икки қатла; 2. ‖ яна, хусусан; икки ёқлама.

**ВДЕВА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое тақадиган, тақиладиган, ўтказиладиган; **вдева́льная игла́** ип тақиладиган нина.

**ВДЕВА́НИЕ** *ср* ўтказиш, тақиш.

**ВДЕВА́ТЬ** *несов. қ.* **вдеть.**

**ВДЕВА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вде́ться.**

**ВДЕ́ВЯТЕРО** *нареч.* 1. тўққиз марта, тўққиз карра, тўққиз-тўққиз, тўққиз гал, тўққиз ҳисса, тўққиз топқир; 2. *ж. т.* **тўққиз марта катта.**

**ВДЕВЯТЕРО́М** *нареч.* тўққизов, тўққизовлаб, тўққиз кишилашиб.

**В-ДЕВЯ́ТЫХ** тўққизинчи, тўққизинчидан.

**ВДЁЖКА** *ж содд. махс.* 1. жуволдиз, сузан; 2. жуволдизга ўтказилган ип.

**ВДЕ́ЛАТЬ** *сов.* солмоқ, ўрнатмоқ, ичига жойлаб ишламоқ, тақмоқ; **вде́лать ка́мень в кольцо́** узукка кўз солмоқ.

**ВДЕ́ЛЫВАТЬ** *несов. қ.* **вде́лать.**

**вде́ну** *буд. от* **вдеть** *(қ.).*

**ВДЁРГИВАТЬ** *несов. қ.* **вдёрнуть**

**ВДЁРГИВАТЬСЯ** *несов. ж. т.* ўтказилмоқ, тақилмоқ.

**ВДЁРЖКА** *ж* 1. *қ.* вдёжка; 2. тақиш, ўтказиш.

**ВДЁРНУТЬ** (вдёрну) *сов.* ўтказмоқ, тақмоқ, ўтказиб тортмоқ.

**ВДЕ́СЯТЕРО** *нареч.* 1. ўн марта, ўн карра, ўн гал, ўнта-ўнта, ўн ҳисса, ўн топқир; 2. *ж. т.* ўн марта катта.

**ВДЕСЯТЕРО́М** *нареч.* ўнов, ўновлаб, ўн кишилашиб, ўн киши бўлиб.

**В-ДЕСЯ́ТЫХ** ўнинчи, ўнинчидан.

**ВДЕТЬ** (вдену) *сов.* ўтказмоқ, тақмоқ, киргизмоқ.

**ВДЕ́ТЬСЯ** *сов.* ўтказилмоқ, тақилмоқ, киргизилмоқ.

**ВДОБА́ВОК** *нареч. ж. т.* қўшимчасига, яна, тагин.

**ВДОВА́** *ж* (*мн.* вдовы) бева, есир, тул хотин; ◇ *солбменная вдова́* эридан вақтинча жудо бўлиб турган хотин.

**ВДОВЕ́ТЬ** *несов.* тул қолмоқ, бева қолмоқ.

**ВДОВЕ́Ц** *м* бева киши.

**ВДО́ВИЙ**, -ья, -ье 1. беваларга хос, тулларга оид; 2. тулларники, беваларники.

**ВДОВИ́ЦА** *ж эск.* бева, есир, тул хотин.

**ВДО́ВОЛЬ** *нареч.* 1. тўйгунча, қонгунча; 2. сероб, мўл, кўп; бемалол, истаганча; **в нашей стране́ всего́ вдо́воль** мамлакатимизда ҳар нарса мўл, юртимизда серобгарчилик.

**ВДОВСТВО́** *ср мн. нет* бевалик, есирлик, туллик.

**ВДО́ВСТВОВАТЬ** (вдо́вствую) *несов. эск.* тул яшамоқ, бева турмоқ, бева бўлиб яшамоқ.

**ВДО́ВУШКА** *ж ж. т.* тул қолган жувон, бева қолган жувон.

**ВДО́ВЫЙ**, -ая, -ое тул, бева, тул қолган.

**ВДОГО́Н** *нареч. қ.* вдого́нку.

**ВДОГО́НКУ** *нареч.* изма-из, орқасидан, кетидан қувиб; **пусти́ться вдого́нку** кетидан қувмоқ; **пусти́ть сло́во вдого́нку** орқасидан ғап отмоқ.

**ВДОЛБИ́ТЬ** (вдолблю́, вдолби́шь) *сов. ж. т.* миясига қуймоқ, уқтирмоқ, зўр бериб тушунтирмоқ.

**ВДОЛБЛЁННЫЙ**,-ая,-ое *ж. т.* миясига қуйилган, уқтирилган, тушунтирилган.

**ВДОЛЬ** 1. бўйига, узунасига; 2. бўйлаб, ёқалаб; **вдоль реки** дарё бўйлаб; ◇ *вдоль и поперёк* 1) ҳамма томондан, ҳар ёқдан, ҳар тарафдан, ҳам энидан, ҳам бўйидан; 2) ‖ ипидан нинасигача, мукаммал равишда.

**ВДО́СТАЛЬ** *нареч. содд.* 1. = вдо́воль (*қ.*); 2. *эск.* батамом, камкўстсиз.

**ВДОХ** *м* нафас олиш, ўпкага ҳаво олиш.

**ВДОХНОВЕ́НИЕ** *ср* 1. илҳом; 2. илҳомланиш, руҳланиш.

**ВДОХНОВЕ́ННОСТЬ** *ж* илҳомланганлик, завқланганлик, руҳланганлик.

**ВДОХНОВЕ́ННЫЙ**, -ая, -ое 1. илҳомланган, руҳланган, серзавқ, мутаассир; 2. илҳомбахш, завқли, руҳлантирадиган.

**ВДОХНОВИТЕЛЬ** *м*, **ВДОХНОВИ́ТЕЛЬНИЦА** *ж* илҳом берувчи, илҳомлантирувчи, илҳомчи, руҳни кўтарувчи, рағбатлантирувчи.

**ВДОХНОВИТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* вдохновитель.

**ВДОХНОВИ́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое илҳом берадиган, руҳлантирадиган, завқ туғдирадиган, илҳомбахш, ғайратга киргизадиган, рағбатлантирадиган.

**ВДОХНОВИ́ТЬ** (вдохновлю́, вдохнови́шь) *сов.* 1. илҳомлантирмоқ, илҳом бермоқ, руҳни кўтармоқ, завқлантирмоқ, руҳлантирмоқ; 2. рағбатлантирмоқ, ғайратлантирмоқ; йўлламоқ.

**ВДОХНОВИ́ТЬСЯ** *сов.* илҳомланмоқ, завқланмоқ, руҳланмоқ, рағбатланмоқ.

**ВДОХНОВЛЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. илҳомланган, руҳланган, завқланган, рағбатланган; 2. рағбатлантирилган, ғайратлантирилган.

**ВДОХНОВЛЯ́ТЬ** *несов. қ.* вдохнови́ть.

**ВДОХНОВЛЯ́ТЬСЯ** *несов.* *қ.* вдохновиться.

**ВДОХНОВЛЯ́ЮЩИЙ**, -ая, -ее 1. илҳомбахш, илҳом берувчи, илҳомлантирувчи; 2. рағбатлантирувчи, йўлловчи, ғайратлантирувчи.

**ВДОХНУ́ТЬ** (вдохну) *сов.* 1. нафас олмоқ, ҳаво олмоқ; 2. ‖ жонлантирмоқ, ривожлантирмоқ, бирор фикр, ҳис уйғотмоқ, руҳлантирмоқ, та'сир этмоқ; **вдохну́ть в (кого-нибудь) му́жество** бирор одамда мардлик ҳисларини уйғотмоқ; **вдохну́ть жизнь в какое-нибу́дь де́ло** бирор ишни жонлантирмоқ.

**ВДРЕ́БЕЗГИ** *нареч.* 1. кул-кул, чил-чил, парча-парча, майда-майда, пачақ-пачақ; тилка-пора; **разби́ться вдре́безги** синиб чил-чил бўлмоқ; 2. ғирт, батамом; **вдре́безги пьян** ғирт маст, ўлгудай маст, маст-аласт; 3. абжағини чиқариб.

**ВДРУГ** *нареч.* 1. тусатдан, бирдан, ногоҳ, қуққисдан, бехосдан; лоп этиб; 2. эҳтимол, балки; **вдруг он не придёт** келмай қолса-я; ◇ ***всё вдруг*** ёки ***все вдруг*** *(ж. т.)* бирданига, ёпирилиб; ҳаммасини; **всё вдруг истра́тил** ҳаммасини сарфлаб қўйибман.

**ВДРЫЗГ** *нареч. содд.* 1. тўкилиш, сочилиш, абжағ бўлиш; 2. ‖ ғирт, қаттиқ; **вдрызг пьян** ғирт маст.

**ВДУВА́НИЕ** *ср* 1. пуфлаш; 2. ‖ *мед.* ҳаво юбориш; ўпкаси касал кишининг ўпкасига (плевра бўшлиғига) ҳаво (газ) юбориш.

**ВДУВА́ТЬ** *несов.* 1. пуфламоқ, ҳаво киргизмоқ, дам бермоқ; 2. *мед.* плевра бўшлиғига ҳаво (газ) юбормоқ.

**ВДУВА́ТЬСЯ** *несов.* 1. пуфланмоқ, шишмоқ; дам берилмоқ; 2. *мед* плевра бўшлиғига ҳаво (газ) олмоқ

**ВДУ́МАТЬСЯ** *сов.* обдан ўйламоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ, ўйлаб кўрмоқ.

**ВДУ́МЧИВОСТЬ** *ж мн. нет* ўйчанлик, серандишалик, сермулоҳазалик; чуқур ўйлаш, фикр қилишлик.

**ВДУ́МЧИВЫЙ**,-ая,-ое 1. ўйловчан, серандиша, сермулоҳаза, чуқур фикрли; **вдумчивое отношение к де́лу** андиша блан, мулоҳаза блан иш қилиш; 2. серфикр, ўйчан.

**ВДУ́МЫВАТЬСЯ** *несов.* *қ.* **вду́маться**.

**ВДУ́НУТЬ** *сов.* *қ.* **вдува́ть**.

**ВДУТЬ** (вдую, вдуешь) *сов.* *қ.* **вдува́ть**.

**ВДЫХА́НИЕ** *ср мн. нет* нафас олиш, ўпкага ҳаво олиш.

**ВДЫХА́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **вдыха́ние** *сўз. сиф.*; нафас оладиган, нафас олишга оид, нафас олишга ёрдам берувчи.

**ВДЫХА́ТЬ** *несов.* *қ.* **вдохну́ть.**

**ВЕГЕТАРИА́НЕЦ** *м*, **ВЕГЕТАРИА́НКА** *ж.* 1. эт емас, вегетариан (гўшт емай, фақат сабзавот ва мевалардан тайёрланган овқатларни исте'мол қилувчи); вегетарианчилик тарафдори; 2. ‖ *кест.* сиёсий курашда куч қўлланишга қарши одам, қат'ий чоралар кўришга қарши бўлган одам.

**ВЕГЕТАРИА́НКА** *ж қ.* **вегетариа́нец**.

**ВЕГЕТАРИА́НСКИЙ**, -ая, -ое 1. **вегетариа́нец** ва **вегетариа́нство** *сўз. сиф*; 2. гўштсиз, нуқул сабзавотлардан тайёрланган; **вегетариа́нский стол** гўштсиз овқатлар.

**ВЕГЕТАРИА́НСТВО** *ср мн. нет* эт емаслик (гўштлик овқатларни рад қилиб сабзавот ва мева блан овқатланиш керак деган маслак).

**ВЕГЕТАРЬЯ́НЕЦ** = **вегетариа́нец** *(қ.)*.

**ВЕГЕТАТИ́ВНЫЙ**, -ая, -ое *биол.* вегетатив, ўстирадиган; организмнинг ўсишига ва кўпайишига, урчишига оид; **вегетати́вный орган** вегетатив орган, ризқланиш ва ўстириш органи (мас. ўсимликларнинг илдизи, поя, барглари); **вегетати́вное размноже́ние** вегетатив кўпайиш ёки кўпайтириш (қаламча ёки пайванд қилиш ва бошқа йўллар блан кўпайиш ёки кўпайтириш); **вегетати́вная не́рвная систе́ма** вегетатив нерв системаси (нерв системасининг ички а'золар ва ҳаёт процессларини идора қилиб турувчи қисми); **вегетати́вный**

**невроз** вегетатив невроз (вегетатив нерв системасининг касаллиги).

**ВЕГЕТАЦИО́ННЫЙ**, -ая, -ое *бот.* **вегетация** *сӯз. сиф.*; вегетацион; **вегетацио́нный перио́д** ӯсиш даври (ӯсимликларнинг ӯсиш, кӯкариш ва етилиш вақти); **вегетацио́нный о́пыт** ӯсимликларни сун'ий шароитда ӯстириш тажрибаси.

**ВЕГЕТА́ЦИЯ** *ж мн. нет бот.* вегетация, ӯсиш (1. ӯсимликларнинг кӯкариши, ӯсиши ва етилиши; 2. ‖ ӯсимликлар).

**ВЕДАЙЗМ** *м қ.* ведизм.

**ВЕ́ДАТЬ** *несов. эск.* **1.** билмоқ, хабардор бӯлмоқ; воқиф бӯлмоқ; **2.** идора этмоқ, бошқармоқ, назорат қилмоқ.

**ВЕ́ДАЮЩИЙ**, -ая, -ее **1.** билучи, хабардор, воқиф; **2.** идора қилучи, бошқаручи, юргизучи.

**ВЕ́ДЕНИЕ** *ср мн. нет* бошқариш, қараш, идора қилиш; **в его́ ве́дении** унинг қарамоғида.

**ВЕДЕ́НИЕ** *ср мн. нет* **1.** юргизиш, олиб бориш; **2.** бошқариш, идора қилиш; **веде́ние хозя́йства** хӯжаликни идора қилиш, рӯзғорни тебратиш.

**ВЕДЁРКО** *ср ж. т.* кичкина челак, челакча, пакирча.

**ВЕДЁРНАЯ** *ж ж. т.* челакчилик, челак ясайдиган ишхона.

**ВЕДЁРНЫЙ**, -ая, -ое **1.** бир челаклик, бир челак элтадиган; **2.** **ведро́** *сӯз. сиф.*; **ведёрное ушко́** пакир қулоғи; **ведёрный ма́стер** челакчи, челак ясовчи.

**ВЕ́ДИ** *ср нескл.* рус алифбосидаги **в** ҳарфининг қадимги номи, вов.

**ВЕДИ́ЗМ** *м мн. нет* ведизм (Ҳиндистонда қадимги диний та'лимот бӯлиб, сӯнгра шу асосда бараҳманизм вужудга келган).

**ВЕДОВСТВО́** *ср* фолбинлик, қур'ачилик, жодугарлик.

**ВЕ́ДОМА**: **с ве́дома** ...рухсати блан; ... розилиги блан; **с ве́дома учи́теля** ӯқитувчининг рухсати блан; **без ве́дома** ...рухсатсиз; розилигини олмасдан; **без ве́дома руководи́теля** раҳбардан ижозат олмай, раҳбарга билдирмай.

**ВЕ́ДОМО** *кирш.* ма'лумки, эҳтимолки, белгили.

**ВЕ́ДОМОСТЬ** *ж* **1.** ведомость (рӯйхат, ма'лумот, кирим-чиқим ва бошқа ма'лумотлар йиғиндиси); **2. ве́домости** *мн.* ахборот, ахборотнома; **Ве́домости Верхо́вного Сове́та СССР** СССР Олий Советининг ахбороти.

**ВЕ́ДОМСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое **ве́домство** *сӯз. сиф.*; идораларга оид; расмий.

**ВЕ́ДОМСТВО** *ср* муассаса, идора, бошқарма, маҳкама (давлат бошқармасининг айрим тармоғини идора қиладиган муассасалар); **иностра́нное ве́домство** ташқи ишлар министрлиги ва унинг ҳамма муассасалари.

**ВЕ́ДОМЫЙ**, -ая, -ое *эск.* ма'лум, таниш.

**ВЕДО́МЫЙ**, -ая, -ое **1.** оборилаётган, юргизилаётган, идора қилинаётган; олиб бориладиган; **2.** машина ва механизмларда — эргаш қисм, эргаштирувчи қисм.

**ВЁДРЕНЫЙ**, -ая, -ое *содд.* **вёдро** *сӯз. сиф.*; очиқ (иссиқ, қуруқ) ҳавога оид.

**ВЕДРО́** *ср* (*мн.* **вёдра**) **1.** челак, пақир; **2.** 12 литр чамасида суюқлик ӯлчови; ◇ ***льёт, как из ведра́*** *(ж. т.)* челаклаб қуйгандек ёғмоқда (шаррос ёмғир ҳақида).

**ВЁДРО** *ср мн. нет маҳл.* очиқ (иссиқ, қуруқ) ҳаво.

веду́ *наст. от* **вести́** *(қ.)*.

**ВЕДУ́ЩИЙ**, -ая, -ее **1.** обораётган; етаклаб бораётган; **2.** юргизаётган; **3.** етакчи, пешқадам, олдинги, илғор; **4.** раҳбарлик қилучи; **5.** бошловчи (радиомонтажларни эшиттиришда воқиаларни тушунтириб турувчи артист); **6.** механизм ва машиналарда эргаштирувчи, тортучи қисм; **веду́щие колёса** тортучи ғилдираклар; **веду́щая шестерня́** эргаштирувчи шестерна.

**ВЕДЬ** *сл. сл.* -ку, ахир, эмасми, наҳотки; **ведь не ребёнок же я** мен гӯдак эмасман-ку; **ведь ра́зве не так?** ахир, шундай эмасми?

**ВЕ́ДЬМА** *ж* 1. *миф.* жодугар хотин, ялмоғиз кампир; алвасти; ажина кампир, ажуза; 2. *ж. т.* манжалақи, шаллақи хотин.

**ВЕ́ЕР** *м* (*мн.* **веера**) елпиғич, буклама елпиғич.

**ВЕЕРООБРА́ЗНЫЙ**, -ая, -ое елпиғичсимон, буклама елпиғичга ўхшаш.

**ВЕ́ЖДЫ** *мн. эск.* (*ед.* **вежда** *ж*) қовоқ, кўз қовоғи.

**ВЕЖЕТА́ЛЬ** *м мн. нет* вежеталь (сочга сепиладиган атир).

**ВЕ́ЖЛИВО** *нареч.* мулойим, хушмуомалалик блан, мулозамат блан, назокат блан.

**ВЕ́ЖЛИВОСТЬ** *ж мн. нет* назокат, одоб, боадаблик, хушмуомалалик, хушфе'ллик, хушхулқлилик, латофат.

**ВЕ́ЖЛИВЫЙ**,-ая,-ое назокатли, одобли, ахлоқли, хушфе'л, хушмуомала, мулозаматли, боадаб, мулойим.

**ВЕЗДЕ́** *нареч.* ҳаерда, ҳамма жойда, ҳарқаерда, ҳаммаёқда.

**ВЕЗДЕСУ́ЩИЙ**, -ая, -ее 1. *дин.* ҳаерда ҳозир, ҳамма жойда мавжуд (худо тўғрисида); 2. *кест.* ҳамма нарсага бош суқучи, ҳарнарсаға аралашучи; тайёрга айёр, ҳаерда тайёр.

**ВЕЗДЕХО́Д** *м* ёмон йўлларда ҳам юраоладиган автомобиль.

**ВЕЗИ́РЬ** *м* вазир, нозир.

**ВЕЗТИ́** (везу́) *несов.* 1. элтмоқ, кўтариб ёки ташиб олиб бормоқ; юклаб ёки миндириб олиб бормоқ; тортмоқ; 2. *ж. т.* омад келмоқ, иш ўнгидан келмоқ; қўли баланд бўлмоқ; **ему везёт** унинг омади келган; толии баланд.

**ВЕЙСМАНИ́ЗМ**, *м мн. нет* вейсманизм (биологияда дарвинизмга қарши бўлган реакцион оқим; бу оқим жонли табиатдаги асосий ҳодисаларнинг ўзгариш сабабини билиб бўлмайди деб ҳисоблайди, тасодифий ҳодисаларнинг ҳукмронлигини э'тироф этади ва табиий ҳодисаларни ривожланмаган, ўзгармаған ҳолда олиб қарайди; вейсманизм муҳитнинг та'сирини ва бинобарин организм блан муҳитнинг бирлигини инкор этади).

**ВЕК** *м* (*мн.* **века**) 1. аср, юз йил, қарн; **двадцатый век** йигирманчи аср; 2. *ж. т.* умр, ҳаёт; **прибавить веку** умрни узайтирмоқ; 3. тарихий давр, замон, давр; **каменный век** тош даври; 4. қанчалиги нома'лум бўлган узоқ вақт; **мы век не виделись** биз талай вақтдан буен кўришмаган эдик; 5. доимо, ҳардоим, умрбод; 6. мучал; 7. *эск.* асло, ҳечқачон; *қ.* **ввек**; ◇ ***в кои веки (ж. т.)*** кўрар кун бор эканку, шунча вақт ўтгандан кейин, ахир кўришдик; ***во веки веков (черк.)*** дун'ё тургунча, „қиёматгача"; ***на веки вечные (ж. т.)*** умрбод, абадий; ***от века*** азалдан, азалги; ***до скончания века (черк.)*** қиёматгача, то қиёмат.

**ВЕ́КО** *ср* (*мн.* **ве́ки**) қовоқ, кўз қовоғи.

**ВЕКОВА́ТЬ** (векую): **век вековать** *(ж. т.)* мангу яшамоқ.

**ВЕКОВЕ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* азалий, абадий, доимий, қадимги, қадимдан, бурунги, битмас-туганмас.

**ВЕКОВО́Й**, -ая, -ое 1. қадимги, эски, кўҳна, юз йиллик, азалий; жуда қари, кекса; 2. кўп вақтдан бери, азалдан бери давом қилиб келаётган.

**ВЕКОВУ́ХА, ВЕКОВУ́ША, ВЕКОВУ́ШКА** *ж маҳл.* қари қиз, ўтириб қолган қиз.

**ВЕКСЕЛЕДА́ТЕЛЬ** *м мл.* вексель беручи; *қ.* **ве́ксель**.

**ВЕКСЕЛЕДЕРЖА́ТЕЛЬ** *м мл.* вексели бор одам.

**ВЕ́КСЕЛЬ** *м* вексель (қарз ҳужжати, пул қарз олганда бериладиган тилхат).

**ВЕ́КСЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *мл.* **ве́ксель** *сўз. сиф.*; **ве́ксельный журнал** вексель дафтари (олинган ва берилган вексельларни ёзадиган дафтар).

**ВЕ́КТОР** *м мат.* вектор (1. миқдор ҳам йўналишга эга бўлган камият; 2. ма'лум узунликни ва йўналишни кўрсатучи кесма).

**ВЕ́КТОРНЫЙ**, -ая, -ое **ве́ктор** *сўз. сиф.*; **векторный анализ** век-

тор анализи (вектор усули блан қилинадиган анализ)

**ВЕ́КША** *маҳл.* = **белка** *(қ.).*

**вёл** *прош. от* **вести** *(қ.).*

**ВЕЛЕГЛАСНЫЙ**, -ая, -ое *черк. эск.* баланд овозли, йўғон овозли.

**ВЕЛЕ́НЕВЫЙ**, -ая, -ое: **веленевая бумага** ялтироқ, қалин, а'ло нав' қоғоз; **веленевый экземпляр** қалин, а'ло нав' қоғозда босилган китоб нусхаси.

**ВЕЛЕ́НИЕ** *ср эск. поэз.* буйруқ, амр, фармон; ҳукм; **веление долга** инсоф; **веление разума** дид, ақл ишораси.

**ВЕЛЕРЕЧИ́ВЫЙ**, -ая, -ое *эск. кест.* тамтароқли, дабдабали; мақтанчоқ.

**ВЕЛЕ́ТЬ** (велю́) *сов.* и *несов.* буюрмоқ, амр этмоқ.

**ВЕЛИКАН** *м*, **ВЕЛИКА́НША** *ж* жуда катта, новча, дароз одам; забардаст, полвон.

**ВЕЛИКА́НША** *ж қ.* **великан.**

**ВЕЛИ́КИЙ**, -ая, -ое **1.** улуғ, улуғвор; буюк, катта, улкан; **Великая Отечественная война** Улуғ Ватан уруши; **великие державы** буюк давлатлар; **2.** жуда зўр, жуда катта; **у страха глаза велики** қўрққан кўзга қўш кўринади; ◇ *от ма́ла до вели́ка (ж. т.)* каттадан кичкинагача; ҳамма, ҳечким қолмасдан.

**ВЕЛИКОВА́Т** *ж. т.* каттароқ, кенгроқ; катталик қилади; **эти сапоги́ мне великова́ты** бу этик менга каттароқ экан.

**ВЕЛИКОВА́ТЫЙ**, -ая, -ое *қ.* **великоват.**

**ВЕЛИКОВОЗРАСТНЫЙ**, -ая, -ое ёши улғайиб қолган, ёши ўтинқираган.

**ВЕЛИКОДЕРЖА́ВНЫЙ**, -ая, -ое **1.** империалистик буюк давлатга хос; **великодержавный шовинизм** буюк давлат шовинизми; **2.** *эск.* буюк давлатга эга бўлган, салтанатли

**ВЕЛИКОДУ́ШИЕ** *ср мн. нет* мурувват, ҳиммат, олий ҳиммат, мардлик, олижаноблик, тантилик.

**ВЕЛИКОДУ́ШНИЧАТЬ** *несов. ж. т.* мард бўлиб кўринмоқ, ўзини танти қилиб кўрсатмоқ.

**ВЕЛИКОДУ́ШНО** *нареч.* мурувват блан, ҳиммат блан, олижаноблик блан, мардона; меҳрибонона.

**ВЕЛИКОДУ́ШНЫЙ**, -ая, -ое мурувватли, ҳимматли, олижаноб, мард, танти; одилона, олижанобларча.

**ВЕЛИКОКНЯ́ЖЕСКИЙ**, -ая, -ое *тар.* буюк князьга, буюк князьликка оид.

**ВЕЛИКОЛЕ́ПИЕ** *ср мн. нет* дабдаба, ҳашамат, савлат, кўркам.

**ВЕЛИКОЛЕ́ПНО** *нареч.* **1.** яхши; соз, гўзал; **2.** ‖ балли, баракалла.

**ВЕЛИКОЛЕ́ПНЫЙ**, -ая, -ое **1.** дабдабали, ҳашаматли, чиройли; **2.** гўзал, жуда соз; жуда яхши, **3.** а'ло, ўткир.

**ВЕЛИКОМУ́ЧЕНИК** *м*, **ВЕЛИКОМУ́ЧЕНИЦА** *ж черк.* шаҳид, шаҳиди а'ло (дин йўлида қурбон бўлган, риёзат, кўп азоб-уқубат чеккан).

**ВЕЛИКОМУ́ЧЕНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *черк.* **великому́ченик** *сўз. сиф.*; *қ.* **великому́ченик.**

**ВЕЛИКО́НЕК** *содд.* сал каттароқ, кенгроқ.

**ВЕЛИКОПО́СТНЫЙ**, -ая, -ое *черк.* христиан динида бўладиган 40 кунлик қаноат аҳкомига оид; *қ.* **пост.**

**ВЕЛИКОРО́ДНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* насаби улуғ, насабдор, зотли, аслзод, улуғзод.

**ВЕЛИКОРОССИЙСКИЙ** = **великорусский** *(қ.).*

**ВЕЛИКОРО́ССЫ** *мн.* = **великорусы** *(қ.).*

**ВЕЛИКОРУ́ССКИЙ**, -ая, -ое *эск.* **великорусы** *сўз. сиф.*; великорусларга оид; **великорусское государство** (*тар.*) великорус давлати; **великору́сские говоры** великорус шевалари.

**ВЕЛИКОРУ́СЫ** *мн.* (*ед.* **великорус** *м*) *эск.* великоруслар, рус халқи.

**ВЕЛИКОСВЕ́ТСКИЙ**, -ая, -ое *эск.* акобирларга, оқсуякларга оид, дворянларнинг имтиёзли гуруҳига оид.

**ВЕЛИЧА́ВОСТЬ** *ж мн. нет* улуғлик, улуғворлик, савлат, салобат, ҳайбатлик, дабдабалик.

**ВЕЛИЧА́ВЫЙ**,-ая,-ое улуғ, улуғвор, серсавлат, савлатли, маҳобатли, дабдабали, салобатли, шавкатли.

**ВЕЛИЧА́ЙШИЙ**, -ая, -ее энг улуғ, энг буюк, азим, энг зўр; **величайший полководец** улуғ лашкарбоши, буюк саркарда.

**ВЕЛИЧА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *поэз.* тўй ва сайилларда муборакбод қилиб айтиладиган қўшиққа оид.

**ВЕЛИЧА́НИЕ** *ср* 1. улуғлаш, ҳурматлаш, кишининг номини улуғлаб айтиш; 2. *содд.* бировнинг номини айтганда отасининг номини қўшиб айтиш; 3. ўринсиз мақташ, кўкка кўтариш; 4. бировга лақаб тақиш; 5. тўй ва сайилларда муборакбод қилиб айтиладиган қўшиқ; 6. диний маросим ша'нига мадҳия ўқиш.

**ВЕЛИЧА́ТЬ** *несов.* 1. улуғламоқ, ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ, кишининг номини улуғлаб атамоқ; 2. *содд.* бировнинг номини атаганда отасининг номини қўшиб айтмоқ; 3. ўринсиз мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; 4. ‖ бировга лақаб тақмоқ, лақаб қўймоқ; 5. *черк.* мадҳия ўқимоқ; бирор диний маросим шарафига черковда мадҳия ўқимоқ; 6. муборакбод қилмоқ, тўй ва сайилларда муборакбод қилиб қўшиқ айтмоқ.

**ВЕЛИЧА́ТЬСЯ** *несов.* 1. ўз номига отасининг номини қўшиб айтмоқ; 2. улуғланмоқ, ҳурматланмоқ; 3. керилмоқ, гердаймоқ, манманлик қилмоқ, мақтанмоқ, кибрланмоқ.

**ВЕЛИ́ЧЕСТВЕННОСТЬ** *ж мн. нет* улуғворлик, ҳайбатлик, ҳашаматлик, ваҳимадорлик, маҳобатлик.

**ВЕЛИ́ЧЕСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое ҳашаматли, дабдабали, улуғвор, савлати зўр, муҳташам, шавкатли, баҳайбат, маҳобатли, ваҳимадор.

**ВЕЛИ́ЧЕСТВО** *ср эск.* а'ло ҳазрат, жаноби олий (подшо ва унинг хотинини ҳурматлаб, *ваше, их, его, её* олмошлари билан қўшиб айтиладиган унвон).

**ВЕЛИ́ЧИЕ** *ср мн. нет* 1. улуғлик, улуғворлик, буюклик; 2. ваҳимадор, азамат, ҳашаматли.

**ВЕЛИЧИНА́** *ж* 1. ҳажм, ме'ёр, бир нарсанинг катта-кичиклиги; 2. *мат. физ.* камият, миқдор (ўлчаш ва ҳисоблаш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммаси); 3. сиймо (ижтимоий аҳамияти ва қиммати бўлган ҳарбир кимса); **литерату́рная величина** адабий сиймо (отоқли ёзувчи).

**ВЕЛЛИНГТО́НИЯ** *ж* мамонт дарахти (бўйи 150 метр ва йўғонлиги 15 метр бўлиб, 5 минг йилгача яшайдиган нинабаргли дарахт).

**ВЕЛОГО́НКИ** *мн. ед' нет (велосипедные гонки) спорт.* велосипед пойгаси.

**ВЕЛОДРО́М** *м спорт.* велодром (велосипед машқлари ва мусобақаси ўтказиладиган майдон).

**ВЕЛОЗАВО́Д** *м* велосипед заводи.

**ВЕЛОПРОБЕ́Г** *м (велосипе́дный пробег)* велосипед пойгаси, велосипедда узоқ йўл босиш.

**ВЕЛОСИПЕ́Д** *м* велосипед, тепкиарава.

**ВЕЛОСИПЕДИ́СТ** *м*, **ВЕЛОСИПЕДИ́СТКА** *ж* 1. велосипед пойгачиси; 2. велосипед минучи.

**ВЕЛОСИПЕДИ́СТКА** *ж қ.* **велосипеди́ст**.

**ВЕЛОСИПЕ́ДНЫЙ**, -ая, -ое **велосипе́д** *сўз. сиф.*; велосипедга оид; **велосипе́дный спорт** велосипед спорти.

**ВЕЛОСПО́РТ** *м* велосипед спорти, велосипед миниш машқи.

**ВЕЛЬБО́Т** *м денг.* вельбот (эшкакли тезюрар қайиқ).

**ВЕЛЬВЕ́Т** *м* вельвет, индухоба, духобага ўхшаган ингазлама.

**ВЕЛЬВЕ́ТОВЫЙ**, -ая, -ое **вельве́т** *сўз. сиф.*; индухобадан тикилган.

**ВЕЛЬМО́ЖА** *м эск.* катта амалдор, мансабдор, тўра, акобир, эски замонда давлат арбоби, а'ён.

**ВЕЛЬМО́ЖЕСКИЙ**, -ая, -ое *эск.* **вельмо́жа** *сўз. сиф.*; *қ.* **вельмо́жа.**

**ВЕЛЬМО́ЖНЫЙ**, -ая, -ое акобирларга, катта амалдорларга оид.

**ВЕЛЮ́Р** *м* велюр (1. яхши майин чарм; 2. мовут ва бахмалнинг энг яхши хили).

**ВЕЛЯРИЗА́ЦИЯ** *ж лингв.* велярherзация (тилорқа қисмининг танглайга яқинлашиши натижасида товушнинг ўзгаруви, қаттиқлашуви).

**ВЕЛЯ́РНЫЙ**, -ая, -ое *лингв.* веляр, тилорқа; *қ.* **веляризация.**

**ВЕ́НА** *ж анат.* вена, куктомир (қонни унг юракка олиб келадиган томирлар).

**ВЕНГЕ́РЕЦ** = **венгр** *(қ.).*

**ВЕНГЕ́РКА** I *ж қ.* **венгр.**

**ВЕНГЕ́РКА** II *ж* венгерка (1. венгрча рақс; 2. шу рақс учун ёзилган музика асари; 3. эски вақтда калта ҳарбий кийимнинг бир тури; 4. ширин ва чўзинчоқ қорамтир олхўрининг бир тури).

**ВЕНГЕ́РСКИЙ**, -ая, -ое **Венгрия** ва **венгерец** *сўз. сиф.*; Венгрияга ва венгрларга оид; **венгерский язы́к** можор тили, венгр тили; **венге́рское про́со** *(бот.)* қўноқ.

**ВЕНГЕ́РСКОЕ** *ср* узум виносининг бир тури.

**ВЕНГЕ́РЦЫ** = **ВЕ́НГРЫ** *(қ.)*

**ВЕНГР** *м*, **ВЕНГЕ́РКА** *ж* венгр (можор)

**ВЕ́НГРЫ** *мн.* *(ед.* **венгр** *м)* венгерлар (можорлар), венгриялилар, Венгриянинг туб халқи.

**ВЕНДЕ́ТТА** *ж мн. нет* хун, қасос, қонга қон блан қасос олиш, уч (Корсика оролида).

**ВЕНДИ́ТА** *ж қ.* **ве́нта 2.**

**ВЕНЕ́РА** *ж* Венера (1. қадимги Румо афсоналарида —муҳаббат ва гўзаллик илоҳаси; 2. *астр.* қуёш системасидаги иккинчи планета, кечқурун ёки саҳарда кўринадиган (Зёруғ планета уҳра).

**ВЕНЕ́РИК** *м* венерик (таносил а'золари касалига — сўзак, сифилис ва ҳ. к. ларга дучор бўлган киши).

**ВЕНЕРИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **венерик**, таносил касалликларига оид; **венери́ческие боле́зни** таносил касалликлари (сузак, сифилис ва юмшоқ шанкр); **венери́ческая я́зва** венерик яра, чакмазак; *қ.* **шанкр.**

**ВЕНЕРО́ЛОГ** *м мед.* венеролог (таносил касалликлари врачи, мутахассиси).

**ВЕНЕРОЛО́ГИЯ** *ж мн. нет мед.* венерология (венерик касалликларни ўрганиш ва уларни даволаш илми).

**ВЕНЕ́Ц** *м (мн.* **венцы)** 1. *эск.* тож, подшолик тожи; 2. гултож, гулжиға, баргак; 3. ‖ *дин.* никоҳ, никоҳ аҳди; 4. Ой ва Қуёш атрофида—гардишсимон шу'ла; 5. ёғочғуладан тахлаб қилинадиган уйларнинг тўрт тарафидаги ҳар қатор ёғоч; 6. от туёғининг этга ёпишган жойи; 7. ‖ ҳар ишнинг хотимаси, муваффақият блан тамомланиши; **коне́ц — всему́ де́лу вене́ц** *(матл.)* таммат тамом, вассалом; 8. черковда — никоҳ маросимида келин блан куёвнинг бошига кийгизиладиган тож; 9. христиан авлиёларининг суратида, уларнинг боши атрофида тасвирланган доира шаклидаги шу'ла; 10. қизларнинг бошига доира шаклида ўралган лента; 11. устунларда ва идишлардаги ҳалқасимон безак.

**ВЕНЕЦИА́НСКИЙ**, -ая, -ое **Вене́ция** *сўз. сиф.*; Венецияга оид; **венециа́нское окно́** уч табақали, юқори қисми кўпинча яримгардишсимон кенг дераза.

**ВЕНЕ́ЧНЫЙ**, -ая, -ое **вене́ц** *сўз. сиф.*; **вене́чные арте́рии** тож артериялари (юрак мушакларига қон келтирадиган томирлар).

**ВЕ́НЗЕЛЬ** *м* вензель (исм ва фамилия бош ҳарфларининг бир-бирига чирмаштирилиб, чиройлик қилиб ёзилиши); ◇ ***вензеля́ писа́ть*** *(ж. т.)* гандиракламоқ, гандираклаб юрмоқ.

**ВЕ́НИК** *м* супурги.

**ВЕ́НО** *ср тар.* 1. қалин, қалин мол; маҳр; 2. сеп, келиннинг сисоти.

**ВЕНО́ЗНЫЙ**, -ая, -ое **вена** *сўз. сиф.*; **венозная кровь** вена қони, кўктомир қони, баданда ишлаб юракка қайтиб келаётган қон.

**ВЕНО́К** *м* (*мн.* **венки́**) венок (1. гулчамбар; баргак, гул, новда ва ўтдан қилинган чамбарак; 2. металлгул гардиши).

**ВЕ́НСКИЙ**, -ая, -ое **Ве́на** (Австрия пойтахти) *сўз. сиф.;* Венага оид, Вена шаҳридан келган; ◇ ***ве́нское питьё (мед.)*** сурги дори; ***ве́нский стул*** венача стул (ёғочдан эгиб ясалган стул).

**ВЕ́НТА** *ж* вента (1. Испанияда—майхона; карвонсарой; 2. Италияда — карбонарийлар уюшмаси).

**ВЕНТИЛИ́РОВАТЬ** (вентили́рую) *несов.* 1. шамоллатмоқ, шамол киргизмоқ; уй, корхона, кон ва шу кабиларнинг ҳавосини тозаламоқ; 2. *ж. т.* муҳокама қилмоқ, аниқламоқ; **вентили́ровать вопро́с** масалани муҳокама, музокара қилмоқ, аниқламоқ.

**ВЕНТИЛИ́РОВАТЬСЯ** *несов.* шамоллатилмоқ; шамолланмоқ, ҳавоси тозаланмоқ.

**ВЕ́НТИЛЬ** *м* 1. *тех.* вентиль (жўмрак сингари сув ёки ҳаво йўлини очиб-бекитиб турадиган асбоб); 2. *тех.* вентиль (резина камераларга дам берганда очилиб, кейин ўз-ўзидан бекиладиган тиқин); 3. *муз.* пуфлаб чалинадиган музика асбобининг овозини паст ёки баланд қилиб турадиган пардаси.

**ВЕНТИЛЯ́ТОР** *м* вентилятор (1. уйнинг шамол кириб турадиган туйнуги; 2. *тех.* шамолпарракли механизм).

**ВЕНТИЛЯЦИО́ННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* **вентиляция** *сўз. сиф.;* **вентиляцио́нные устано́вки** вентиляция ускуналари.

**ВЕНТИЛЯ́ЦИЯ** *ж* вентиляция (1. шамоллатиш, бузуқ ҳавони тозалаш; 2. бинонинг ҳавосини тозалаш учун қўйилган вентиляторлар ва қувурлар системаси).

**ВЕНЦЕНО́СЕЦ** *м* соҳибқирон, тождор, подшо.

**ВЕНЧА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. **венчание** *сўз. сиф.;* никоҳ маросимига оид; **венча́льный обря́д** никоҳ маросими; 2. никоҳ вақтида қулланадиган; **венча́льный наря́д** никоҳ маросимида қаллиқ киядиган кийим.

**ВЕНЧА́НИЕ** *ср* 1. *тар.* тож кийиш, тахтга ўтириш маросими; 2. *дин.* никоҳ, никоҳ аҳди, никоҳ маросими.

**ВЕНЧА́ТЬ** *несов.* 1. *тар.* тож кийдирмоқ; 2. *эск.* бирор кишининг улуғ хизматини тақдирлаб, унинг бошига гулчамбар кийгизмоқ; 3. тақдирламоқ; тақдирлашга сазовор топмоқ; 4. ‖ бирор нарсанинг энг устида турмоқ; 5. тамомламоқ, бир ишни охирига еткизмоқ, муваффақият блан тугалламоқ; 6. *эск.* сочга баргак тақмоқ, гул тақмоқ; 7. *дин.* никоҳ қилмоқ.

**ВЕНЧА́ТЬСЯ** *несов.* 1. *дин.* никоҳ блан уйланмоқ, никоҳ блан эрга тегмоқ, никоҳга кирмоқ; 2. *тар.* тож киймоқ, тахтга ўтирмоқ; 3. мукофотланмоқ, тақдирланмоқ; 4. *эск.* баргак, гулчамбар тақмоқ ёки тақилмоқ; 5. тугалланмоқ, битказилмоқ.

**ВЕ́НЧИК** *м* 1. *бот.* гултож, гулнинг ўртасидаги „сўфи“си, кувачаси; 2. *анат.* тишнинг милк блан қопланмаган қисми; 3. *тех.* машина ва снарядларнинг туғини, гардиши, ҳалқаси; 4. идишнинг оғзидаги чамбар.

**ВЕПРЬ** *м зоол.* тунғиз, қобон, ёвойи чўчқа.

**ВЕ́РА** *ж* 1. дин, мазҳаб, имон; 2. э'тиқод; ишонч; инониш; бовар; 3. умид; инобат, э'тимод; ◇ ***приня́ть на ве́ру*** бировнинг сўзини инобатга олмоқ, суриштирмасдан инонмоқ, рост деб билмоқ; ***дать, прида́ть ве́ру*** инонмоқ, ишонмоқ; ***дать на ве́ру*** сўзига ишонмоқ, лафзига ишониб қарз бермоқ.

**ВЕРА́НДА** *ж* веранда, айвон (қашқари айвон, равон айвон).

**ВЕРАСКО́П** *м* вераскоп (стереоскопик фотоаппаратларнинг бир тури); *қ.* **стереоскоп.**

**ВЕРАТРИ́Н** *м* вератрин (заҳарли алкалоид, бод оғригини пасайтирадиган дори).

**ВЕ́РБА** *ж* **1.** *бот.* самбиттол; **2.** арафабозор, сайил.

**ВЕРБА́ЛЬНЫЙ,** -ая, -ое оғзаки, сўздаги; ◇ ***вербальная нота*** *(дипл.)* имзосиз нота.

**ВЕРБЕ́НА** *ж бот.* тизимгул.

**ВЕРБЛЮД** *м* туя; **одногорбый верблюд** нортуя; **двугорбый верблюд** иккиўркачли туя.

**ВЕРБЛЮДИЦА** *ж* урғочи туя.

**ВЕРБЛЮЖИЙ,** -ья, -ье **верблюд** *сўз. сиф.;* туяники; туя жунидан қилинган; **верблюжий горб** ўркач; **верблюжья шерсть** туя жуни; **верблюжья колючка** янтоқ.

**ВЕРБЛЮЖИНА** *ж* туя гўшти.

**ВЕРБЛЮЖО́НОК** *м* бўта, бўталоқ (туя боласи).

**ВЕ́РБНЫЙ,** -ая, -ое **ве́рба** *сўз. сиф.;* ◇ ***ве́рбная суббо́та*** ва ***ве́рбное воскресе́нье*** *(черк.)* христианларда — пасха ҳафтасидан олдинги шанба ва якшанба кунларида буладиган сайил-тамошо.

**ВЕРБНЯ́К** *м мн. нет маҳл.* толзор, самбитзор.

**ВЕРБОВА́ТЬ** (вербую) *несов.* **1.** бирор ташкилотга кўнгиллилар тўпламоқ; йиғмоқ; **2.** бирор ишга жалб қилмоқ, тортмоқ; **3.** бирор ташкилот, уюшма тузмоқ.

**ВЕРБОВА́ТЬСЯ** *несов.* **1.** бирор ишга тўпланмоқ, йиғилмоқ; **2.** жалб этилмоқ, тортилмоқ; **3.** тузилмоқ, ташкил қилинмоқ.

**ВЕРБО́ВКА** *ж* йиғиш, тўплаш, тортиш, жалб қилиш, уюштириш.

**ВЕРБО́ВОЧНЫЙ,** -ая, -ое **вербовка** *сўз. сиф.;* **вербовочный пункт** ишга оладиган жой.

**ВЕРБО́ВЩИК** *м,* **ВЕРБО́ВЩИЦА** *ж* ишга ёлловчи, одам ёлловчи.

**ВЕРБО́ВЩИЦА** *ж қ.* **вербовщик.**

**ВЕ́РБОВЫЙ,** -ая, -ое самбиттолдан қилинган, самбиттолдан иборат; **ве́рбовая роща** самбитзор, толзор.

**ВЕ́РВИЕ** *ср эск.* арқон, арғамчи.

**ВЕРВЬ** *ж* **1.** *эск.* арқон; **2.** қадимги Россияда умумий кафиллик блан боғланган қишлоқ жамоаси.

**ВЕРДИКТ** *м* **1.** *махс.* вердикт, ҳукм, ҳукмнома; **2.** ‖ мулоҳаза, фикр.

**ВЕРЁВКА** *ж* **1.** арқон, арғамчи, чилвир; таноб; **тонкая верёвка** чизимча; **2.** ‖ *ж. т.* дор.

**ВЕРЁВОЧКА** *ж* чилвирча, арғамчи, арқонча.

**ВЕРЁВОЧНИК** *м* арқон эшувчи, арқон тўқучи.

**ВЕРЁВОЧНЫЙ,** -ая, -ое **1. верёвка** I *сўз. сиф.;* арқонга оид; **верёвочное производство** арқон тўқийдиган ишхона, арқон ишлабчиқариш; **2.** арқондан қилинган; **верёвочная петля** арқон сиртмоқ.

**ВЕРЕЗЖА́ТЬ** (верезжу) *несов. содд. қ.* **верещать.**

**ВЕРЕНИ́ЦА** *ж* қатор, қатор-қатор, кетма-кет, тизилиб; **двигаться вереницей** турнақатор бўлиб бормоқ.

**ВЕ́РЕСК** *м бот.* арчагул, супургигул.

**ВЕ́РЕСКОВЫЙ,** -ая, -ое *бот.* **вереск** *сўз. сиф.;* арчагулга оид.

**ВЕРЕТЕ́НИЦА** I = **медяница** *(қ.).*

**ВЕРЕТЕ́НИЦА** II = **вертячка** II *(қ.).*

**ВЕРЕТЁННЫЙ,** -ая, -ое **1. веретено** *сўз. сиф.;* дукка, урчуққа оид; **2.** дук, урчуқ учун ишлатиладиган; **веретённое масло** урчуқ мойи.

**ВЕРЕТЕНО́** *ср* (*мн.* **веретёна**) *т. с.* **1.** дук, йиг; **2.** урчуқ.

**ВЕРЕТЕНООБРА́ЗНЫЙ,** -ая, -ое дукка ўхшаган, урчуқсимон.

**ВЕРЕТЕ́НЦЕ, ВЕРЕТЁНЦЕ** *ср* дукча, урчуқча, кичкина урчуқ.

**ВЕРЕ́ТЬЕ, ВЕРЕТЬЁ** *ср* мата, дагал бўз.

**ВЕРЕЩА́ТЬ** (верещу) *несов. ж. т.* чийилламоқ, чирқилламоқ, чинқирламоқ, чирилламоқ.

**ВЕРЕЯ** I *ж маҳл.* ёндор (дарвоза ўрнатилган устунлардан бири).

**ВЕРЕЯ́** II *ж дсиг. эск.* кичик қайиқ, қайиқча.

**ВЕРЖЕ́** *ср нескл.* верже (ёруққа солганда ичидаги чизиқлари кўринадиган қоғоз).

**ВЕРЗИ́ЛА** *м* и *ж* новча, дароз одам, бесўнақай, бўйчан одам.

**ВЕРИ́ГИ** *мн. (ед.* **вери́га** *ж)* 1. *черк.* риёзат чекиш учун боғланадиган занжир ва кишанлар; 2. ‖ риёзат, тийилиш.

**ВЕРИ́ТЕЛЬ** *м эск.* муаккил, вакотат берувчи, измини бошқага топширувчи.

**ВЕРИ́ТЕЛЬНЫЙ,** -ая, -ое вакотат, э'тимод, ишонч (ишониб берилган топшириқни тасдиқлайдиган); ◇ *вери́тельная гра́мота (дипл.)* ишонч ёрлиғи (бирор ҳукуматнинг бошқа ҳукумат ҳузурига тайинланган элчисига берган шаҳодатномаси).

**ВЕ́РИТЬ** (ве́рю) *несов* 1. ишонмоқ, инонмоқ, бовар қилмоқ; 2. имон келтирмоқ, э'тиқод қилмоқ; 3. умидвор бўлмоқ, умид қилмоқ.

**ВЕ́РИТЬСЯ** *несов.* ишонилмоқ, бовар қилинмоқ: **свежо́ преда́ние, а ве́рится с трудо́м** гапинг ростга ўхшаса ҳам ишонгим келмайди.

**ВЕРИФИКА́ЦИЯ** *ж* шаҳодатноманинг ёки васиқанинг асли, асл нусхаси.

**ВЕРКБЛЕ́Й** *м* веркблей (рудалардан қўрғошин ажратиб олганда ҳосил бўладиган қўшимча маҳсулот, продукт).

**ВЕ́РКИ** *мн. ед. нет* қал'аларда ҳархил мудофаа иншоотларининг умумий номи.

**ВЕРМЕ́ЛЬ** *ж* 1. кумушга зар югуртириш учун ишлатиладиган суюқлик; 2. олтин югуртирилган кумуш буюм.

**ВЕРМИШЕ́ЛЬ** *ж мн. нет* 1. вермишель (қуритилган увранинг бир тури); 2. ‖ *ж. т* майда-чуйда чатоқликлар, арзимаган чалкашлик.

**ВЕРНЕ́Е** 1. садоқатлироқ, содиқроқ; 2. тўғрироқ, чинроқ, ростроқ, аниқроқ; 3. *кирш.* тўғриси, дурусти, дурустроғи; ◇ *верне́е говоря́* ростини айтганда, тўғрисини айтганда.

**ВЕРНИСА́Ж** *м* вернисаж (1. кўргазмаларни махсус кишилар кўрилидан ўтказиш; 2. кўргазмани очиш куни; 3. расмни лок блан ярқиратиш).

**ВЕРНИССА́Ж** = **вернисаж** *(қ.)*.

**ВЕ́РНО** 1. *нареч.* тўғри, дуруст, рост, чин, ҳақ; 2. *нареч.* тўғрилик блан, садоқат блан; 3. *кирш.* бўлса керак, эҳтимол, шекилли, ўхшайди; **ве́рно, он ещё не зна́ет** у ҳали билмаса керак; **с по́длинным ве́рно** аслига тўғри.

**ВЕРНОПО́ДДАННИЧЕСКИЙ,** -ая, -ое *эск.* верноподданный 2 *сўз. сиф.;* **вы́разить верноподданни́ческие чу́вства** бай'ат қилмоқ, фуқароликни арз этмоқ.

**ВЕРНОПО́ДДАННЫЙ,** -ая, -ое *эск.* 1. содиқ табаа, ўз подшосига садоқатли киши; 2. содиқ, садоқатли одам.

**ВЕ́РНОСТЬ** *ж мн. нет* 1. содиқлик, садоқатлик; **ве́рность своему́ сло́ву** бурд; 2. вафодорлик, вафо, садоқат; 3. тўғрилик, ростлик, чинлик; 4. муқаррарлик, бўлиши муқаррар.

**ВЕРНУ́ТЬ** (верну́, вернёшь) *сов.* 1. қайтармоқ, қайтариб бермоқ; 2. қайтариб олмоқ, ўрнини тўлдирмоқ; **верну́ть утра́ченное** қўлдан чиққанни яна қўлга киргизмоқ; 3. йўлдан қайтармоқ.

**ВЕРНУ́ТЬСЯ** *сов.* 1. қайтмоқ, қайтиб келмоқ, кетга қайтмоқ; 2. қайтарилмоқ; 3. янгидан пайдо бўлмоқ (фикр, ҳиссиёт ҳақида); **ко мне верну́лось моё пре́жнее споко́йствие** яна аввалгидай хотиржам бўлиб қолдим.

**ВЕ́РНЫЙ,** -ая, -ое 1. садоқатли, содиқ, чин; **ве́рный друг** чин дўст, содиқ дўст; 2. вафодор, вафоли, берилган; **ве́рная жена́** вафодор хотин; 3. ўз одатини, бирор қоида, принцип ва шу қабиларни ўзгартирмайдиган; **ве́рный свои́м убежде́ниям** ўз э'тиқодига содиқ (киши); **ве́рный своему́ обеща́нию** ўз ва'дасида турадиган; 4. маҳкам, мустаҳкам; **ве́рная опо́ра** маҳкам суянчиқ; суянган тоғим; 5. тўғри, ҳақиқий, чинакам; **ве́рный путь** тўғри йўл; 6. аслига тўғри, айнан; **ве́рная ко́пия** айнан ўзи; аслига тўғри нусха; 7. дуруст, мувофиқ,

борича; **верное пенье** нотага мувофиқ, дуруст куйлаш; 8. муқаррар, шак-шубҳасиз; **верная гибель** шак-шубҳасиз ҳалокат.

**ВЕ́РОВАНИЕ** *ср* имон, э'тиқод, ишониш.

**ВЕ́РОВАТЬ** (ве́рую) *несов.* = **ве́рить** *(қ.)*.

**ВЕРОИСПОВЕ́ДАНИЕ** *ср* дин; мазҳаб, имон.

**ВЕРОИСПОВЕ́ДНЫЙ,** -ая, -ое **вероисповеда́ние** *сўз. сиф.*; **вероисповедные различия** мазҳаб тафовутлари.

**ВЕРОЛО́МНО** *нареч.* хоинларча, хоинона, хиёнаткорона, макр билан; вафосизларча.

**ВЕРОЛО́МНОСТЬ** *ж қ.* **вероломство.**

**ВЕРОЛО́МНЫЙ,** -ая, -ое 1. аҳдини бузучи, ўз сўзида турмайдиган, аҳдида турмаган, бевафо, вафосиз, бурдсиз; 2. хоин, хиёнатгар; 3. айёр, доғули, маккор, макрли.

**ВЕРОЛО́МСТВО** *ср мн. нет* 1. аҳдини бузиш, ўз сўзида турмаслик, вафосизлик, бебурдлик; 2. хоинлик, хиёнатгарлик; 3. айёрлик, маккорлик

**ВЕРОНА́Л** *м мн. нет мед.* веронал (ухлатадиган ва таскин берадиган дорилардан бири).

**ВЕРО́НИКА** *ж бот.* вероника (кўк гулли боғ ўсимлиги).

**ВЕРООТСТУ́ПНИК** *м,* **ВЕРООТСТУ́ПНИЦА** *ж черк.* диндан қайтган, кофир, муртад.

**ВЕРООТСТУ́ПНИЦА** *ж қ.* **вероотсту́пник.**

**ВЕРООТСТУ́ПНИЧЕСКИЙ,** -ая, -ое **вероотступник** ва **вероотсту́пничество** *сўз сиф.*; *қ.* **вероотсту́пник** ва **вероотступничество.**

**ВЕРООТСТУ́ПНИЧЕСТВО** *ср черк* диндан қайтиш, куфр, муртадлик; ўз динига хиёнат қилиш.

**ВЕРОТЕРПИ́МОСТЬ** *ж мн. нет* дин озодлиги, барча динга баравар йўл қўйишлик, дин эркинлигини э'тироф қилиш.

**ВЕРОТЕРПИ́МЫЙ,** -ая, -ое барча динга баравар қарайдиган, дин эркинлигини э'тироф қиладиган.

**ВЕРОУЧЕ́НИЕ** *ср* ақоид, дин ақидалари, дин аҳкомлари; диний та'лимот.

**ВЕРОУЧИ́ТЕЛЬ** *м* дин та'лимотчиси, фатво беручи.

**ВЕРОЯ́ТИЕ** *ср эск.* 1. ҳақиқатга яқинлик, ростга яқинлик; 2. мумкинлик, эҳтимол; ◇ ***сверх вся́кого вероя́тия (эск.)*** эҳтимолдан ташқари, сра ишониб бўлмайдиган, эҳтимолдан хориж.

**ВЕРОЯ́ТНО** *кириш.* эҳтимол, балки,...-са керак; **в шесть часо́в он, вероя́тно, бу́дет до́ма** у соат 6 да уйда бўлса керак.

**ВЕРОЯ́ТНОСТЬ** *ж мн. нет* эҳтимоллик, мумкинлик, муқаррарлик; аниқлик; ◇ ***по все́й вероя́тности*** шундай чиқар, бўлса керак, эҳтимол; ***теория вероятности*** эҳтимоллик назарияси (математиканинг айрим ҳодисалар қонунини ўрганадиган ва шундан чиққан натижани умумий ҳодисаларга татбиқ қилиш йўлини аниқлайдиган бўлими).

**ВЕРОЯ́ТНЫЙ,** -ая, -ое эҳтимол, мумкин бўладиган, бўлиши эҳтимол тутилган; **вполне́ вероя́тный слу́чай** бўлиши эҳтимол ҳодиса.

**ВЕРСИФИКА́ТОР** *м* 1. нозим, ше'р ёзиш техникасини яхши биладиган шоир; 2. қофиявоз; **это не поэ́т, а версифика́тор** у шоир эмас, балки қофиявоздир.

**ВЕРСИФИКА́ТОРСКИЙ,** -ая, -ое **версифика́тор** *сўз. сиф.*; *қ.* **версификатор.**

**ВЕРСИФИКА́ЦИЯ** *ж мн. нет ад.* ше'р ёзиш сан'ати.

**ВЕ́РСИЯ** *ж* ривоят, нақл (бир нарса ёки бир воқиа тўғрисида турлича хабар); **новая ве́рсия** янги ривоят (бирор нарса тўғрисида яна янги та'бир, хабар).

**ВЕРСТА́** *ж (мн.* **вёрсты)** *эск.* 1. чақирим (метр ўлчови жорий қилинмасдан бурун қўлланилган ва 1,07 километрга баравар масофа ўлчови); 2. масофани белгилаш учун йўл бўйига ораси бир чақиримдан қилиб қўмилган устун

◇ *за версту́* жуда узоқ, жуда олис; ***ме́рить вёрсты*** узоқ йўл босмоқ, узоқ жойга пиёда юрмоқ, яёв юрмоқ; ***коло́менская верста́*** ёки ***с коло́менскую версту́*** жуда дароз, жуда новча одам.

**ВЕРСТА́К** *м* верстак (дурадгорлик, слесарьлик ва тунукасозлик ишларини бажариш учун ишланган махсус дастгоҳ).

**ВЕРСТА́ЛЬЩИК** *м полигр.* саҳифаловчи (босмахонада терилган ҳарфларни саҳифаларга бўлучи ишчи).

**ВЕРСТА́ТКА** *ж полигр.* верстатка (босмахонада ҳарф териладиган тахтакач).

**ВЕРСТА́ТЬ** *несов.* 1. *полигр.* вёрстка қилмоқ, саҳифаламоқ, бетламоқ (терилган ҳарфларни саҳифаларга ажратмоқ); **верста́ть газе́ту** газетани саҳифаламоқ (босмахонада газетанинг навбатдаги сони учун терилган ҳарфларни саҳифаларга ажратмоқ); 2. *эск.* мулк бермоқ, маош тайинламоқ; **дворяни́на верста́ли де́нежным окла́дом или поме́стьем** дворянга маош тайинлар ёки мулк берар эдилар.

**ВЕРСТА́ТЬСЯ** *несов. полигр.* вёрстка қилинмоқ, саҳифаланмоқ, саҳифаларга ажратилмоқ.

**ВЕРСТА́ЧНЫЙ**, -ая, -ое **верста́к** *сўз. сиф.; қ.* **верста́к**.

**ВЁРСТКА** *ж мн. нет полигр.* 1. вёрстка, вёрстка қилиш, саҳифалаш; 2. вёрстка (верстка қилинган саҳифа, шу саҳифадан олинган нусха).

**ВЕРСТОВО́Й**, -ая, -ое **верста́** *сўз. сиф.*; ҳар чақирим масофани кўрсатадиган; **верстово́й столб** чақирим устун, ҳар чақиримга қўйилган ёғоч.

**ВЕРТА́ТЬ** *несов. маҳл.* орқага қайтармоқ, йўлдан қайтармоқ.

**ВЁРТЕЛ** *м* 1. сих, кавоб сихи; 2. = **вертлю́г** 1 *(қ.)*.

**ВЕРТЕ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое тешадиган, ўядиган; пармалайдиган.

**ВЕРТЕ́П** *м* 1. фаҳшхона; ўғрихона, ёмонлар уяси, макони; 2. диний ҳикоялардан олинган воқеаларни тасвирловчи қўғирчоқлар солинган қути (қўғирчоқ театрида); 3. шу қўғирчоқларни ўйнатиб кўрсатиш.

**ВЕРТЕ́ПНЫЙ**, -ая, -ое **верте́п** *сўз. сиф.; қ.* **верте́п**.

**ВЕРТЕ́ТЬ** (верчу́, ве́ртишь) *несов.* 1. айлантирмоқ, бурамоқ, ўгирмоқ, пилдиратмоқ; пириллатмоқ; 2. || *ж. т.* ҳар мақомга солмоқ, ўйнатмоқ, майна қилмоқ.

**ВЕРТЕ́ТЬСЯ** *несов.* 1. ғилдирамоқ, айланмоқ, пирилламоқ, буралмоқ; 2. айланишиб юрмоқ; 3. *ж. т.* бўйин товламоқ, ғирромлик қилмоқ; 4. айлантирилмоқ, буралмоқ; пирилламоқ, пилдирамоқ; ◇ ***верте́ться под нога́ми*** оёқ остида ўралашмоқ; тинкага тегмоқ; ***э́то сло́во ве́ртится у меня́ на языке́*** бу сўз тилимнинг учида турипти (эсга тушириш мушкул бўлган сўз ёки воқиа тўғрисида).

**ВЕРТИКА́Л** *м астр.* вертикал [1. осмон гардиши (осмонда горизонтга тик равишда зенит нуқтасидан ўтган ҳарбир катта доира); 2. юлдузларнинг зенитдан узоклигини бурчак ҳисобида ўлчайдиган асбоб].

**ВЕРТИКА́ЛЬ** *ж* вертикаль (тик, юқоридан пастга, амуд).

**ВЕРТИКА́ЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* вертикальлик, тик тушганлик, тиклик.

**ВЕРТИКА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое вертикал, тикка тушган, амуд.

**ВЕРТИХВО́СТКА** *ж дағл.* серкилиқ, карашмали ёки енгил табиатли хотин.

**ВЁРТКИЙ**, -ая, -ое *ж. т.* зийрак, чаққон, эпчил, шудлик.

**ВЕРТЛУ́Г** *м* 1. *анат.* кўст (сон суягининг ён кўсти); 2. ҳашарот оёқларининг гавда томондаги икки бўғини.

**ВЕРТЛУ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое *анат.* **вертлу́г** *сўз. сиф.;* **вертлу́жная впа́дина** қуймич косаси.

**ВЕРТЛЮ́Г** *м* 1. *қ.* **вертлу́г** 1; 2. *тех.* бирор нарсани (мас. кема лангарини) кўтарганда ёки туширганда занжирнинг буралиб кетишига йўл қўймайдиган асбоб; 3.

механизм ва машиналарда — ўқнинг подшипникда айланадиган жойи.

**ВЕРТЛЮЖНЫЙ**, -ая, -ое **вертлюг** *сўз. сиф.; қ.* **вертлюг.**

**ВЕРТЛЯВОСТЬ** *ж* **1.** питраклик, ҳаддан ташқари шўхлик; **2.** қилпилламалик.

**ВЕРТЛЯВЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* **1.** питрак, ҳаддан ташқари шўх; **вертлявый ребёнок** питрак бола; **2.** қийпангланучи, қилпиллама одам.

**ВЕРТОГРАД** *м эск.* боғ, токзор, узумзор.

**ВЕРТОЛЁТ** *м* = **автожир** *(қ.).*

**ВЕРТОПРАХ** *м ж. т.* енгилтак, тутуриқсиз одам, енгил табиатли одам.

**ВЕРТОПРАШНИЧАТЬ** *несов. ж. т.* енгилтаклик қилмоқ, бебурдлик қилмоқ, тутуриқсизлик қилмоқ.

**ВЕРТУН** *м* **1.** типир-типир, қарор топмаган; **2.** ‖ думбалоқ ошар (думбалоқ ошиб, ўйнаб учадиган каптар, ўйноқи каптарнинг бир тури).

**ВЕРТУНЬЯ** *ж* ишвакор, жилпанғи хотин.

**ВЕРТУШКА** *ж* **1.** паррак, пирпирак, чарх; **2.** вертушка (номери айланма автомат телефон); **3.** *ж. т.* енгилтак, тутуриқсиз одам (кўпинча хотин-қизлар ҳақида айтилади); **4.** айланма эшик.

**ВЕРТЯЧКА** I *ж* айланчиқ касали (асосан қўйларда бўладиган ҳалокатли касал).

**ВЕРТЯЧКА** II *ж зоол.* сузғич (сув устида сузиб юрадиган майда қўнғизча).

**ВЕРУЮ** *черк.* христианларнинг имон калимаси (бу калима шу *„верую“* сўзидан бошланади).

**ВЕРУЮЩИЙ**, -ая, -ее **1.** инонадиган, ишонадиган; **2.** диндор, худога ишонучи, имон келтиручи, мўмин.

**ВЕРФНЫЙ**, -ая, -ое **верфь** *сўз. сиф.; қ.* **верфь.**

**ВЕРФЬ** *ж денг.* кемасозлик корхонаси (кемалар ясайдиган ва ремонт қиладиган жой).

**ВЕРХ** *м (мн.* **верхи**) **1.** энг усти, энг тепаси; **верх горы** тоғнинг энг усти; **2.** иморатларнинг энг юқори қисми, юқори қаватлари; **жить на самом верху** энг юқори қаватда яшамоқ; **3.** арава ва автомобилларнинг буклама соябони; **поднять верх во время дождя** ёмғир ёғаётганда соябонни кўтармоқ; **4.** авра; **шуба с суконным верхом** авраси мовут пўстин; **5.** газламанинг ўнги; **где верх, где изнанка** бунинг ўнги қайсию, терси қайси; **6.** дарёнинг ёки сойнинг боши; **7.** ‖ бирор нарсанинг энг сўнгги, энг юқори даражаси; **верх счастья** омаднинг келиши; **верх глупости** бориб турган аҳмоқлик; ўтакетган жиннилик; **8.** ‖ устунлик, ғалаба, енгиш; **взять верх в борьбе** курашда зўр чиқмоқ, устин чиқмоқ; **9.** *махс.* миниб юриш; **лошадь, выезженная под верх** миниб чиниқтирилган от; **10. верхи** *мн.* жамиятнинг юқори табақалари; **верхи русской интеллигенции** рус зиёлиларининг юқори табақалари, устқатлами; **11.** *ж. т.* бирор ташкилотнинг раҳбар доиралари; **партийные верхи** партиянинг раҳбар доиралари; **12. верхи** *мн.* ҳукумат раҳбарлари; **в правительственных верхах** ҳукумат раҳбарлари орасида; **13. верхи** *мн. ж. т.* бирор ҳодисанинг аҳамиятсиз томонлари; **смотреть по верхам** ҳодисанинг фақат юзаки томонларига қарамоқ; **14. верхи** *мн. муз.* ингичка овоз; ◇ ***хватать верхи (ж. т.)*** юзаки ўрганмоқ, юзаки билмоқ.

**ВЕРХАМИ** *нареч. эск.* отлиқ, отланиб (отлиқлар кўпчилик бўлганда айтилади).

**ВЕРХНИЙ**, -яя, -ее **1.** юқори, юқоридаги, баланддаги, тепадаги, тепасидаги; **2.** дарёнинг ёки сойнинг бошига яқин жойдаги; **3.** устки, устдан кийиладиган; **верхнее платье** устки кийим; **4.** *муз.* бирор овознинг энг юқори даражаси; ◇ ***верхнее чутьё*** овчи итнинг издаги ҳидга қараб эмас, балки ҳаводаги ҳидга қараб овни искаб топаолиши.

**ВЕРХОВЕ́НСТВО** *ср мн. нет эск.* юқорилик, устунлик, раҳбарлик, идора қилиш, бошқариш.

**ВЕРХО́ВНИК** *м тар.* Россия подшоси ҳузурида 1726 йилдан 1730 йилгача давом қилган олий махфий кенгаш а'зоси.

**ВЕРХО́ВНЫЙ**, -ая, -ое олий, энг юқори, бош; **верхо́вный главнокомандующий** олий бош қўмондон.

**ВЕРХОВО́Д** *м ж. т.* бошлиқ, саркор, жўрабоши, корчаллон, каттакон, мутасадди.

**ВЕРХОВО́ДИТЬ** *несов. ж. т.* саркорлик қилмоқ, корчаллонлик қилмоқ, бошчилик қилмоқ, мутасаддийлик қилмоқ.

**ВЕРХОВО́Й** I 1. **верхо́м** *сўз. сиф.;* 2. *сущ.* **верхово́й** *м.* отлиқ, чопар; 3. миниладиган; **верхова́я ло́шадь** салт миниладиган от, салт от.

**ВЕРХОВО́Й** II, -ая, -ое, **ВЕРХО́ВЫЙ**, -ая, -ое **верхо́вье** *сўз сиф.;* дар'ёнинг юқори оқимидаги, бош томонидаги; **верхо́вые города́** дар'ёнинг бош томонидаги шаҳарлар.

**ВЕРХО́ВЫЙ**, -ая, -ое *қ.* **верхово́й** II.

**ВЕРХО́ВЬЕ** *ср* 1. дар'ёнинг юқориси, боши; 2. сувнинг бошига яқин жойлар.

**ВЕРХОГЛЯ́Д** *м ж. т. менс.* калтабин, фаҳмсиз, юзаки қаровчи, калта ўйловчи.

**ВЕРХОГЛЯ́ДНИЧАТЬ** *несов. ж. т. менс.* калтабинлик қилмоқ, калта ўйламоқ, юзаки қарамоқ.

**ВЕРХОГЛЯ́ДСТВО** *ср мн. нет ж. т менс.* калтабинлик, масалага юзаки қарашлик, бефаҳмлик, димоғдорлик.

**ВЕРХОЛА́З** *м* 1. баланд жойларга чиқиш машқини олган одам; 2. баланд жойларга (мас. баланд миноралрга) чиқиб ишлашга моҳир, уста одам.

**ВЕ́РХОМ** *нареч.* 1. юқорилаб; **идти́ ве́рхом** юқорилаб бормоқ, юқоридан юрмоқ; 2. лиммолим, лиқ тўлдириб.

**ВЕРХО́М** *нареч* 1. отлиқ, салт от, отга миниб; **е́здить верхо́м** отлиқ юрмоқ; 2. бирор нарсага миниб, оёқларини икки томонга осилтириб ўтирмоқ; **сесть верхо́м на стул** стулга миниб ўтирмоқ.

**ВЕРХОТУ́РА** *ж содд.* юқори, тепа, болохона, устки қават.

**ВЕРХУ́ШЕЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. **верху́шка** I *сўз сиф.;* юқоридаги, учидаги, чўққисидаги; 2. **верху́шка** 2 *сўз. сиф.;* **верху́шечная организа́ция** раҳбар ташкилот.

**ВЕРХУ́ШКА** *ж* 1. уч, бош, тепа, чўққи; 2. ‖ *ж. т.* бирор ташкилотнинг раҳбар ходимлари, раҳбарлар, юқори қатлам, устқатлам, юқори табақа.

**ВЕРЧЕ́НИЕ** *ср мн. нет* айлантириш, бураш, пилдиратиш, ўгириш, ғилдиратиш, пириллатиш.

**ВЕ́РЧЕННЫЙ**, -ая, -ое айлантирилган, буралган, ўгирилган, пириллатилган, пилдиратилган.

**ВЕ́РЧЕНЫЙ**, -ая, -ое *ж. т. менс.* тантиқ, эрка, шўх.

**верчу́** *наст. от* **верте́ть** *(қ.).*

**ВЕ́РША, ЗЁРША** *ж маҳл.* верша (балиқ тутиш учун сим ёки новдадан бутилка ёки воронка шаклида тўқилган тўр).

**ВЕРШИ́НА** *ж* 1. тепа, чўққи, уч (бирор нарсанинг юқориси, тепаси); **верши́на горы́** тоғ чўққиси; 2. ‖ муваффақиятнинг, такомилнинг энг юқори даражаси; **верши́на сла́вы** энг юксак шуҳрат; **верши́на угла́** *(мат.)* бурчак учи.

**ВЕРШИ́ННЫЙ**, -ая, -ое **верши́на** *сўз. сиф.; қ.* **верши́на**.

**ВЕРШИ́ТЕЛЬ** *м эск.* ажрим қилучи, ҳал қилучи, иш битиручи, бошқаручи, иш буюручи.

**ВЕРШИ́ТЬ** (вершу́) *несов.* 1. *эск.* бошқармоқ, тасарруф қилмоқ, ҳал қилмоқ, саранжом қилмоқ, битирмоқ, битказмоқ; 2. энг устигача тахлаб етказмоқ; уйиб юқорилатмоқ; **верши́ть дом** уйни устигача қуриб битказмоқ.

**ВЕРШИ́ТЬСЯ** *несов.* 1. *эск.* бошқарилмоқ, тасарруф қилинмоқ, саранжом қилинмоқ; 2. устигача етказилмоқ, уйиб юқориланмоқ.

**ВЕРШКИ** *мн.* (*ед.* **вершок**) бирор нарсанинг учи, тепаси, устки қисми (мас. ўсимликнинг).

**ВЕРШКОВЫЙ**, -ая, -ое вершокли, бир вершокли.

**ВЕРШОК** *м* (*мн.* **вершки**) вершок (Россияда – 4,4 сантиметрга баравар узунлик ўлчови); **в аршине 16 вершков** бир газда 16 вершок бўлади.

**ВЕС** *м* (*мн.* **веса**) 1. оғирлик, вазминлик; **арбуз весом в 16 килограммов** 16 килограммли тарвуз; 2. ўлчов; **аптекарский вес** дорихона ўлчови; 3. ‖ э'тибор, обрў, нуфуз, салмоқ; ҳурмат; **человек с весом** обрўли одам, му'табар одам; **обладающий весом** салмоқдор; ◇ ***на вес золота*** тилладай азиз (кам'ёб, қадрли, қимматли); ***удельный в с (физ.)*** солиштирма оғирлик; салмоқ; ***на весу*** *қ.* **навесу**.

**ВЕСЕЛЕТЬ** *несов.* хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ, шодланмоқ, овунмоқ.

**ВЕСЕЛИТЬ** (веселю) *несов.* хурсанд қилмоқ, вақтини чоғ қилмоқ, кулдирмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ, овутмоқ; **молодая зелень веселит взоры** майса ўтларни кўрганда кўз баҳр олади.

**ВЕСЕЛИТЬСЯ** *несов.* қувонмоқ; шодланмоқ, кўнгил очмоқ, хурсандчилик қилмоқ.

**ВЕСЕЛО** *нареч.* шод, қувноқ, хурсандчилик блан, наш'али; **первомайский праздник прошёл весело** май байрами хурсандчилик блан ўтди; **весело разговаривать** очилишиб ўтирмоқ.

**ВЕСЁЛОСТЬ** *ж* 1. *мн. нет* хурсандлик, шодлик, хушчақчақлик, вақтичоғлик, қувноқлик; хуштабиатлик; 2. **весёлости** *мн. эск.* кайфу сафо, айшу ишрат.

**ВЕСЁЛЫЙ**, -ая, -ое 1. шод, хурсанд, қувноқ, дилхуш, вақтичоғ, хушчақчақ, хуррам, хуштабиат; 2. хурсанд қиладиган, қувонтирадиган, шодлантирадиган, кулдирадиган.

**ВЕСЕЛЬЕ** *ср* 1. хурсандчилик, шодлик, вақтичоғлик; 2. **веселья** *мн эск.* ўйин-кулги, кайф-сафо, айш-ишрат; ялла; 3. ҳузур, роҳат, ором.

**ВЕСЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **весло** *сўз. сиф.:* эшкакли; **весельная лодка** эшкакли қайиқ.

**ВЕСЕЛЬЧАК** *м ж. т.* хушчақчақ, хуштабиат, қувноқ, ҳазилкаш, ўйинчоқ, улфат.

**ВЕСЕЛЯЩИЙ**, -ая, -ее кулдирадиган, хурсанд қиладиган, овутадиган; ◇ ***веселящий газ (махс.)*** кулдирадиган газ (ҳарбий химияда заҳарли модда сифатида ва медицинада беҳуш қиладиган дори сифатида ишлатилади).

**ВЕСЕННИЙ**, -яя, -ее **весна** *сўз. сиф.;* баҳори, кўкламги, наврўзи; **весенний сев** баҳори экин.

**ВЕСИТЬ** (вешу, весишь) *несов.* 1. тортмоқ (тарозида); 2. тош босмоқ, тарозига солгандаги оғирлик; **багаж весит 40** *кг.* багажнинг оғирлиги 40 *кг.*

**ВЕСКИЙ**, -ая, -ое 1. вазни оғир; тарози босадиган, вазмин, салмоқли; 2. далилли, асосли, қат'ий, кескин, му'табар; **веское возражение** асосли э'тироз.

**ВЕСКО** *нареч.* қат'ий, узил-кесил, далилли.

**ВЕСКОСТЬ** *ж мн. нет* 1. далиллик, му'табарлик, қат'ийлик, узил-кесиллик; 2. вазминлик.

**ВЕСЛО** *ср* (*мн.* **вёсла**) эшкак, чов.

**ВЕСНА** *ж* (*мн.* **вёсны**) баҳор, кўклам, наврўз; **ранняя весна** эртабаҳор, аввалбаҳор, кўклам.

**ВЕСНОВАТЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* бироз сепкилли, доғ тушган.

**ВЕСНОВСПАШКА** *ж* (*весенняя вспашка*) кўкламги ҳайдов, баҳорда ер ҳайдаш.

**ВЕСНОЙ, ВЕСНОЮ** *нареч.* баҳорда, кўкламда, баҳор фаслида.

**ВЕСНУШКИ** *мн.* (*ед* **веснушка** *ж*) сепкил.

**ВЕСНУЩАТЫЙ**, -ая, -ое сепкилли, сепкилдор, сепкил босган.

**ВЕСНЯНКА** *ж* 1. кўклам қўшиғи; 2. *маҳл.* кўкламда қўзғайдиган безгак; 3. *зоол.* кўклам капалаги.

**ВЕСОВОЙ**, -ая, -ое 1. **весы** *сўз. сиф.;* **весовая гиря** тарози тоши; **весовой сбор** тарози ҳақи; 2. *махс.* тортиб бериладиган; **весовой то-**

вар тарозида тортиб сотиладиган мол.

**ВЕСОВЩИ́К** *м*, **ВЕСОВЩИ́ЦА** *ж* тарозивон, тарози тортувчи.

**ВЕСОВЩИ́ЦА** *ж қ.* **весовщик.**

**ВЕСО́МОСТЬ** *ж мн. нет физ.* оғирлик, салмоқ; оғирликка, вазминликка эга бўлишлик.

**ВЕСО́МЫЙ,** -ая, -ое *физ.* оғир, салмоқли, оғирлиги бор, оғирликка эга бўлган.

**ВЕСТ** *м денг.* вест (1. кун ботиш, ғарб томон; 2. ғарбдан турган шамол).

**ВЕ́СТА** *ж* Веста (қадимги румолилар афсонасида – рўзғор ва оташ илоҳаси).

**ВЕСТА́ЛКА** *ж* 1. *тар.* бокира коҳина (қадимги румолиларда — рўзғор ва оташ илоҳаси Вестанинг бокира коҳинаси); 2. *ҳазл. эск.* иффатли тақводор қиз.

**ВЕСТИ́** (веду) *несов.* 1. обормоқ, олиб бормоқ, етаклаб бормоқ, бошлаб бормоқ; судраб, тортиб бормоқ; ҳайдаб бормоқ; 2. *ҳарб.* бош бўлиб бормоқ; **вести́ войска в бой** қўшинни жангга киритмоқ; 3. юргизмоқ, ҳайдамоқ; 4. ‖ сабаб бўлмоқ, боис бўлмоқ; 5. *ж. т. бегн.* шама қилмоқ, бирор нарсани назарда тутмоқ; **к чему́ вы ведёте, ника́к не пойму́** нима демоқчисиз, сра тушунолмай қолдим; 6. *содд.* тоб ташламоқ; **от сырости до́ску ведёт** зах жойда тахта тоб ташлайди; 7. идора қилмоқ, бошқармоқ; ◇ ***вести́ перепи́ску*** хат ёзишмоқ; ***уме́ть вести́ себя́*** одоб сақлайбилмоқ, ўзини тутабилмоқ; ***вести́ себя́ ду́рно*** беадаблик қилмоқ; ***и ухом не вести́*** қулоқ солмаслик, парво қилмаслик, писанд қилмаслик; ***вести́ ли́нию*** йўл тутмоқ.

**ВЕСТИБЮ́ЛЬ** *м* вестибюль, даҳлиз (театр, кино ва ш. к. биноларнинг эшикдан киргандаги катта даҳлизи).

**ВЕСТИ́МО** *кириш. маҳл.* албатта, аниқ, ма'лум.

**ВЕСТИ́СЬ** *несов.* 1. оборилмоқ, етакланмоқ, бировга эргашиб борилмоқ; 2. олиб борилмоқ, ҳайдаб олиб борилмоқ, юргизилмоқ; 3. бошқарилмоқ, идора қилинмоқ; 4. одат бўлиб келмоқ, одат ҳукмига киргизилмоқ, расм бўлмоқ; 5. урчиб кўпаймоқ (ҳайвонлар ҳақида).

**ВЕ́СТНИК** *м* 1. хабарчи, даракчи, доруғачи; 2. баёнчи (қадимги театр тамошосида саҳна орқасида туриб, кўрсатилаётган тамошо воқиасини баён қилиб турувчи); 3. вестник (ма'лум муддатларда чиқиб турадиган ба'зи нашрларнинг номи, ахборот).

**ВЕ́СТНИЦА** *ж* хабарчи, даракчи аёл, доруғачи аёл.

**ВЕСТОВО́Й** I *м махс.* хабар берувчи, дарак берувчи.

**ВЕСТОВО́Й** II *м* хат ташувчи, хабарчи, чопар.

**ВЕСТОВЩИ́К** *м*, **ВЕСТОВЩИ́ЦА** *ж ж. т. эск.* гап ташувчи, гап тарқатиб юрувчи. ғийбатчи.

**ВЕСТОВЩИ́ЦА** *ж қ.* **вестовщик.**

**ВЕ́СТОЧКА** *ж ж. т.* кичкина хат, хабар, хабарча.

**ВЕСТЬ** I *ж* (*мн.* **вести**) 1. хабар, дарак, овоза, доруға; **благая весть** башорат; **радостная весть** хушхабар; 2. янгилик, олди-қочти хабарлар; ◇ ***бе́з вести*** бедарак, бехабар, ном-нишонсиз; ***бе́з вести пропа́сть*** бедарак йўқолмоқ.

**ВЕСТЬ** II *ж:* **бог весть** *(ж. т.)* худо билади; **не весть что** *(ж. т.)* ким билсин, нома'лум, қайдам.

**ВЕСТЬ** III *қ.* **вести́.**

**ВЕСЫ** *мн. ед. нет* тарози; мезон.

**ВЕСЬ** I *м*, **ВСЯ** *ж*, **ВСЁ** *ср* (*мн.* **все**) барча, бутун, ҳамма, тамоман, буткул, тугал, бутунлай; ◇ ***при всём том*** шунга қарамай, бундан ташқари, шу блан бирга; ***во всю (содд.)*** бор кучи блан, кучи борича; ***всё равно́ (ж. т.)*** 1) барибир, фарқи йўқ; 2) ҳарҳолда, нима бўлса бўлсин.

**ВЕСЬ** II *ж эск.* қишлоқ, овул.

**ВЕСЬМА́** *нареч.* жуда, ғоят, ниҳоятда, ортиқ даражада; **весьма старательный челове́к** жуда тиришқоқ одам.

**ВЕТВИ́СТОСТЬ** *ж* сербутоқлик, сершохлик.

**ВЕТВИ́СТЫЙ**, -ая, -ое бутоқли, шохли, сершох, сербутоқ, шох-шаббали

**ВЕТВИ́ТЬСЯ** *несов.* **1.** шохламоқ, шох чиқазмоқ, бутоқланмоқ; **2.** тармоқланмоқ, айрилмоқ, тармоқларга айрилмоқ, шохобчаларга айрилмоқ

**ВЕТВЛЕ́НИЕ** *ср* шохланиш, бутоқланиш.

**ВЕТВРА́Ч** *м (ветеринарный врач)* мол доктори.

**ВЕ́ТВЬ** *ж* **1.** шох, бутоқ, новда; **2.** авлод, аждод, пушт, шажара; **3.** ҳарбир нарсанинг тармоғи, бир бўлаги, шу'баси; **железнодорожная ветвь** темир йўл тармоғи.

**ВЕТВЯНО́Й**, -ая, -ое, **ВЁТВЯНЫЙ**, -ая, -ое шохдан, новдадан қилинган, шох-шаббадан ясалган.

**ВЕ́ТЕР** *м* (*мн.* **ветры**) шамол, ел, бод; ◊ ***ветер в голове́*** *(ж.т.)* унинг мияси пуч, ақли йўқ, енгил, ҳавойи одам; ***броса́ть слова́ на ве́тер*** беҳуда гапирмоқ, мулоҳаза қилмасдан гапирмоқ, ўйламай гапирмоқ; ***держа́ть нос по ве́тру*** (*кест.*) замонасозлик қилмоқ, замонага мослашмоқ; ***пойти́ до ве́тру*** (*содд.*) ҳожат учун ташқари чиқмоқ, ёзилиб келмоқ, шамоллаб келмоқ; ***подби́тый ве́тром*** 1) юпин (кийим); 2) тутуриқсиз, бебурд, ҳавойи одам; ***идти́, куда́ ве́тер ду́ет*** шамол қаёққа турса, шу ёққа юрмоқ, я'ни маслаксизлик, қарорсизлик.

**ВЕТЕРА́Н** *м* ветеран (**1.** кекса солдат; урушдан қайтган аскар; **2.** бирор соҳада кўп ишлаган киши); **ветераны революции** кекса инқилобчилар.

**ВЕТЕРИНА́Р** *м* ветеринар, мол доктори.

**ВЕТЕРИНА́РИЯ** *ж мн. нет* ветеринария (ҳайвонларнинг касалликларини ўрганиш ва даволаш илми).

**ВЕТЕРИНА́РНЫЙ**, -ая, -ое **ветеринария** *сўз. сиф.*; ветеринарияга оид.

**ВЕТЕРО́К** *м* шабада, енгил шамол.

**ВЕ́ТКА** *ж* **1.** новда, шохча, бутоқ; **2.** тармоқ, темир йўл тармоғи.

**ВЕТЛА́** *м бот.* тол, сариқтол.

**ВЕТЛО́ВЫЙ**, -ая, -ое **ветла** *сўз. сиф.;* толдан қилинган, толга оид.

**ВЕ́ТО** *ср нескл.* **1.** *юр.* вето (қонун чиқарадиган органларнинг қарорларини тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқи); **2.** вето, тақиқ, тақиқлаш; ман' қилиш; **наложить вето** ман' қилмоқ.

**ВЕ́ТОЧКА** *ж* шохча, новда.

**ВЕТО́ШКА** *ж ж. т.* эски, чирик латта, увада.

**ВЕТО́ШНИК** *м*, **ВЕТО́ШНИЦА** *ж* эскифуруш, латтафуруш.

**ВЕТО́ШНИЦА** *ж қ.* **ветошник.**

**ВЕТО́ШНЫЙ**, -ая, -ое **ве́тошь** *сўз. сиф.*; **ветошный ряд** эски бозор, латта бозори.

**ВЕ́ТОШЬ** *ж* **1.** увада, эски-туски нарсалар, латта-путта, чирик латталар; эски-туски кийимлар; **2.** ‖ куҳна, эскилик; оёқдан қолган; **3.** бўлмағур, арзимаслик.

**ВЕТР** *поэз. эск.* = **ве́тер** *(қ.).*

**ВЕТРЕНЕ́ТЬ** *несов. ж. т.* шамол турмоқ, шамол турабошламоқ.

**ВЕ́ТРЕННИК** *м*, **ВЕ́ТРЕННИЦА** *ж ж. т.* енғил табиатли, енгилтак, қарорсиз, бебурд, тутуриқсиз, ҳавойи.

**ВИЗИТИ́РОВАТЬ** (визитирую) *несов.* 1. *эск.* зиёрат қилиб юрмоқ, фотиҳахонлик қилиб юрмоқ; меҳмондорчиликка бормоқ; 2. беморни кўриш учун бормоқ (доктор ҳақида).

**ВИЗИ́ТКА** *ж* визитка (фақат меҳмондорчилик ва расмий зиёратга борганда кийиладиган махсус кийим).

**ВИЗИ́ТНЫЙ**, -ая, -ое зиёрат ва меҳмондорчилик блан боғлиқ бўл-

ган; **визитный костюм** меҳмондорчиликка ва расмий зиёратга борганда кийиладиган кийим; **визитная карточка** визит карточка (бировнинг ўз исми ва фамилияси ёзилган карточкаси; визитга борганда ўзини таништиш ёки табрикнома юбориш учун ишлатилади).

**ВИЗУА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *астр.* кўз билан ёки дурбин билан кўришга боғлиқ бўлган; **визуальное наблюдение** юлдузларни кўз ёки дурбин билан кузатиш, текшириш.

**ВИ́КА** *ж бот.* хашаки нўхат.

**ВИКА́РИЙ** *м черк.* викарий (православия динида епископ муовини).

**ВИКИНГ** *м тар.* қадимги Скандинавия сарбози, аскари.

**ВИКО́НТ** *м тар.* виконт (Франция ва Англияда— барон билан граф ўртасидаги дворянлик мартабаси).

**ВИКОНТЕ́ССА** *ж* виконт хотини; *қ.* **виконт.**

**ВИКТОРИ́НА** *ж* викторина (савол-жавоб ўйини, саволларга жавоб топиш ўйини).

**ВИКТО́РИЯ** *ж* виктория (қулупнайнинг йирик бир хили).

**ВИЛАЙЕ́Т** *м* вилоят, музофот.

**ВИ́ЛКА** *ж* вилка (1. овқатни санчиб оладиган санчқи; 2. учи айри асбобларнинг номи; 3. шахмат ўйинида икки сипонинг бир пиёда хамласи остида қолиши).

**ВИ́ЛЛА** *ж* вилла (шаҳардан ташқарида чиройли бинолар қурилган катта хусусий боғ).

**ВИЛО́К** *м маҳл.* 1. энди ўрайбошлаган карам; 2. бир бош карам.

**ВИЛООБРА́ЗНЫЙ**, -ая, -ое айрисимон, паншахасимон, айрига ўхшаган.

**ВИЛОРО́Г** *м зоол.* сихшох кийик (айри шохли кийик).

**ВИЛТ** *м* вилт (ғўзада бўладиган замбуруғ касали; бу касал ғўзанинг сўлиб қолишига, баргларини қуритиб, ўсимликнинг ҳалокатига сабаб бўлади).

**ВИЛТОУСТО́ЙЧИВЫЙ**, -ая, -ое вилт касалига чидамли.

**ВИ́ЛЫ** *мн. ед. нет қ. х.* айри, паншаха.

**ВИЛЬНУ́ТЬ** *сов. қ.* **вилять.**

**ВИЛЯ́ТЬ** *несов.* ликиллатмоқ, ликилламоқ; 2. ‖ қочмоқ, чап бермоқ, муғомбирлик, айёрлик ёки эгрилик қилмоқ, ғирромлик қилмоқ; жилпангламоқ; **вилять хвостом** думини ликиллатмоқ.

**ВИНА́** *ж (мн.* **вины)** 1. айб, гуноҳ, ёзиқ; 2. сабаб, боис; ◇ *по вине́ (кого́ -н.)* (бировнинг) касри билан, касофати билан.

**ВИНЕГРЕ́Т** *м* винегрет [1. сабзавот, тухум, гўшт ва балиқни тўғраб, сирка билан аралаштирилган совуқ овқат; 2. ‖ аралаш-қуралаш, қурама (иш ёки нарса)].

**ВИ́НИ** *мн. ед. нет содд.* қарға (қарта ўйинида).

**ВИНИ́ТЕЛЬНЫЙ: винительный паде́ж** *(грам.)* винительный падеж (кимни? нима? деган сўроқларга жавоб бўлиб келадиган келишик, тушум келишиги)

**ВИНИ́ТЬ** (виню) *несов.* 1. айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ; 2. ёзғирмоқ, маломат қилмоқ.

**ВИНИ́ТЬСЯ** *несов. эск.* айбини бўйнига олмоқ, иқрор бўлмоқ.

**ВИНИ́ЩЕ** *ср мн. нет содд.* арoқ, чағир, мусаллас.

**ВИ́ННИЦА** *ж* 1. винони қуйиб сотадиган дўкон: 2. *маҳл.* вино заводи.

**ВИННО́ВКА, ВИНЕ́ВКА** *ж содд.* қарға (қарта ўйинида).

**ВИННОКА́МЕННЫЙ**,-ая,-ое: **виннокаменная кислота** *(хим.)* вино дурдасидан ҳосил қилинадиган кислота; бўёқчиликда ва ичимлик сувлар тайёрлашда қўлланади.

**ВИ́ННЫЙ**, -ая, -ое **вино** *сўз. сиф.*; **винная бо́чка** вино бочкаси; ◇ ***ви́нная я́года*** анжир; ***ви́нный ка́мень*** *(махс.)* вино ёки мусаллас дурдаси.

**ВИНО́** *ср (мн* **вина)** 1. вино, мусаллас, май, шароб; 2. *содд.* арoқ.

**ВИНОВА́Т**, -а, -о 1. *қ.* **виноватый**; 2. афв этасиз, узр сўрайман, кечирасиз, кечиринг.

**ВИНОВА́ТЫЙ**, -ая, -ое 1. айбли, айбдор; гуноҳкор; 2. сабабчи бўлган; ◇ *без вины́ винова́тый* гуноҳсиз айбдор, туҳматга қолган.

**ВИНОВНИК** *м*, **ВИНОВНИЦА** *ж* **1.** айбдор, гуноҳкор; **2.** сабабчи, боис, сабабкор.

**ВИНОВНИЦА** *ж қ.* **виновник.**

**ВИНОВНОСТЬ** *ж мн. нет* айбдорлик, гуноҳкорлик.

**ВИНОВНЫЙ**, -ая, -ое айбли, айбдор, гуноҳкор.

**ВИНОГРАД** *м бот.* **1.** ток; **2.** узум.

**ВИНОГРАДАРСКИЙ**, -ая, -ое **виноградарство** ва **виноградарь** *сўз. сиф.*; токчиликка ва соҳибкорга оид; **виноградарский совхоз** узум совхози.

**ВИНОГРАДАРСТВО** *ср мн. нет* токчилик, узумчилик.

**ВИНОГРАДАРЬ** *м* соҳибкор, токчи, узумчи.

**ВИНОГРАДИНА** *ж ж. т.* узум донаси, ғужуми.

**ВИНОГРАДИНКА** *ж ж. т.* узумнинг майда донаси.

**ВИНОГРАДНИК** *м* ток, токзор, узумзор.

**ВИНОГРАДНЫЙ**, -ая, -ое **виноград** *сўз. сиф.*; узумдан қилинган, узумга ёки токка оид; **виноградная лоза** ток новдаси; **виноградный уксус** узум сиркаси.

**ВИНОДЕЛ** *м* вино қилучи, мусалласчи.

**ВИНОДЕЛИЕ** *ср мн. нет* виночилик, вино ишлабчиқариш.

**ВИНОДЕЛЬНЫЙ** = **винодельческий** *(қ.)*.

**ВИНОДЕЛЬНЯ** *ж махс.* винохона, вино қилинадиган жой.

**ВИНОДЕЛЬЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **виноделие** ва **винодел** *сўз. сиф.*; виночилик ишига оид.

**ВИНОКУР** *м* арoқ тортучи; спирт, арoқ ишлабчиқаручи.

**ВИНОКУРЕНИЕ** *ср* арoқ тортиш; спирт, арoқ ишлабчиқариш.

**ВИНОКУРЕННЫЙ**, -ая, -ое **винокурение** *сўз. сиф.*; **винокуренный завод** арoқ заводи.

**ВИНОКУРНЯ** *ж махс.* спирт, арoқ ишлаб чиқарадиган корхона.

**ВИНОТОРГОВЕЦ** *м* винофуруш, майфуруш.

**ВИНОТОРГОВЛЯ** *ж мн. нет* винофурушлик, майфурушлик, вино савдоси; вино магазини.

**ВИНОЧЕРПИЙ** *м* соқий, косагул, май қуйиб беручи.

**ВИНТ** *м* **1.** винт, бурама мих; **2.** *махс.* паррак (аэроплан ёки кемада); **3.** винт (қарта ўйинининг бир хили); ◇ *дать винта (содд.)* жуфтакни ростламоқ (қочиб қутулмоқ).

**ВИНТЁР** *м ж. т.* „**винт**" ўйновчи қартавоз.

**ВИНТИК** *м* **1.** винтча, кичкина винт; **2.** бирор нарсанинг бўлаги; муҳим қисми; ◇ ***винтика нехватает (в голове)*** бир винти кам, бир қайнови ичида (тентакнамо, бетайин одам).

**ВИНТИТЬ** (винчу, винтишь) *несов.* **1.** винтламоқ, бураб киргизмоқ, бурамоқ; **2.** қартада „**винт**" ўйнамоқ.

**ВИНТИТЬСЯ** *несов.* буралмоқ, винтланмоқ, бураб киргизилмоқ.

**ВИНТОВАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *тех. қ.* **винторезный**

**ВИНТОВАННЫЙ**, -ая, -ое *тех.* винтланган, усти ёки ичи винтсимон қилиб ясалган (кесилган).

**ВИНТОВАТЬ** (винтую) *несов. тех.* бирор нарсанинг ичини ёки устини винт қилиб ясамоқ.

**ВИНТОВКА** *ж* винтовка (стволининг ичи винтга ўхшатиб ясалган милтиқ).

**ВИНТОВОЙ**, -ая, -ое **1. винт** *сўз. сиф.*; винтли, винтга оид, винтники; **винтовой домкрат** бурама домкрат; **2.** парракли, паррак блан юргизиладиган; **винтовой пароход** парракли пароход; **3.** бурама, айланма, винт шаклидаги; **винтовая лестница** айланма зина.

**ВИНТОВОЧНЫЙ**, -ая, -ое **винтовка** *сўз. сиф.*; винтовкага оид; **винтовочный затвор** винтовка затвори.

**ВИНТОМ** *нареч.* буралиб, айланиб, винт шаклида.

**ВИНТООБРАЗНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* бурама, винтга ўхшаган, винтсимон.

**ВИНТОРЕ́ЗНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* винт қирқадиган, винт қиладиган.

**ВИНЦО́** *ср мн. нет ж. т бегн.* шароб, май, вино, ичимлик.

**ВИНЧЕ́СТЕР** *м* винчестер (милтиқнинг бир тури).

**ВИНЬЕ́ТКА** *ж* виньетка (гулчин, нақш; китобнинг бош ёки охирги саҳифасига солинган гул).

**ВИО́ЛА** *ж муз. тар.* виола (скрипкага ўхшаган қадимги музика асбоби).

**ВИОЛОНЧЕЛИ́СТ** *м*, **ВИОЛОНЧЕЛИ́СТКА** *ж* виолончель чалучи

**ВИОЛОНЧЕЛИ́СТКА** *ж қ.* **виолончелист**.

**ВИОЛОНЧЕ́ЛЬ** *ж* виолончель (тўрт торли катта скрипка).

**ВИОЛОНЧЕ́ЛЬНЫЙ**,-ая,-ое **виолончель** *сўз сиф.*; *қ.* **виолончель**.

**ВИР** *м махс.* гирдоб; ◊ *с ви́ру и с боло́та (маҳл.)* зотсиз, зоти паст.

**ВИ́РА** I *ж тар.* хун ҳақи, товон.

**ВИ́РА** II *межд.* вира (кўтар, юқори кўтар).

**ВИРА́Ж** I *м фото.* вираж (фотографияда — суратларни турли рангларга бўяйдиган дориворд)

**ВИРАЖ** II *м махс* **1.** қия йўл, бурилиш, муюлиш; **2.** кема ёки автомобильнинг бурилиш йўли; аэропланнинг айланиб учиши.

**ВИРА́ЖНЫЙ** I, -ая, -ое **вира́ж** I *сўз. сиф.*; *қ.* **вираж** I.

**ВИРА́ЖНЫЙ** II, -ая, -ое **вира́ж** II *сўз. сиф.*; *қ* **вира́ж** II.

**ВИРИ́РОВАТЬ** (вири́рую) *сов.* и *несов.* виражга солмоқ, фотография суратига махсус ранг бериш учун виражга солиб ишламоқ; *қ* **вираж** I.

**ВИРТУА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое имконли, мумкин бўлган; ҳақиқатга тўғри келадиган; **виртуальная линия** (*т. ц.*) ҳақиқий йўлга тенг масофа.

**ВИРТУО́З** *м* **1.** ўз сан'атига моҳир артист, уста сан'аткор; **2.** ўз ҳунарини яхши билган одам, омилкор, маҳоратли ёки эпчил одам.

**ВИРТУО́ЗНОСТЬ** *ж мн нет* моҳирлик, эпчиллик, омилкорлик.

**ВИРТУО́ЗНЫЙ**, -ая, -ое моҳир; уста, маҳоратли; эпчил, омилкор, қойил қиладиган.

**ВИРУЛЕ́НТНОСТЬ** *ж мн. нет мед.* касал юқтиришлик, касал юқтирувчанлик.

**ВИРУЛЕ́НТНЫЙ**, -ая, -ое *мед.* касал юқтирувчи, касал юқтирадиган (микроб ҳақида)

**ВИ́РУС** *м* вирус (юқумли касалликни қўзғатадиган микроорганизм).

**ВИ́РУСНЫЙ**, -ая, -ое **вирус** *сўз. сиф.*; вирусга оид.

**ВИРШЕПЛЁТ** *м ж. т. менс.* радифгўй (бема'ни ше'р ёзучи)

**ВИ́РШИ** *ед нет* вирши (**1.** эски рус ва украин адабиётида расм бўлган силлабик ше'р; **2.** *ж т. менс.* бемаза, бема'ни ше'р).

**ВИС** *м спорт.* осилиб ўйнаш машқи.

**ВИ́СЕЛИЦА** *ж* дор, осишга ҳукм қилинганларни осадиган дор.

**ВИ́СЕЛЬНИК** *м эск.* дорга осилган одам; ◊ ***юмор ви́сельника*** *қ.* **юмор**.

**ВИСЕ́ТЬ** (вишу́, виси́шь) *несов.* **1.** осилиб турмоқ, илиниб турмоқ; осилиб, илиниб турган нарсанинг ичида турмоқ; **лампа виси́т над столо́м** чироғ стол устида осилиб турипти; **2.** ёпишмаганлик, мос келмаганлик (кенг кийим ҳақида); ◊ ***висе́ть на волоске́*** қил устида турмоқ; ***висе́ть в во́здухе*** 1) „муаллақ", муаллақ турмоқ; 2) бетайинлик.

**ВИ́СКА** *ж тар.* тиккасига осиш, сочидан боғлаб дорга осиш.

**ВИ́СКИ** *м* и *ср нескл.* виски (турушдан қилинган ўткир инглиз ароғи).

**ВИСКО́ЗА** *ж мн нет тех.* вискоза (**1.** целлюлозадан тайёрланиб сун'ий ипак ва ҳоказолар ясаш учун ишлатиладиган ёпишқоқ, қуюқ модда; **2.** сун'ий ипак, сун'ий шойи).

**ВИСКО́ЗНЫЙ**, -ая, -ое **виско́за** *сўз. сиф.*; вискозага оид; сун'ий

ипакдан қилинган; вискозный шёлк сун'ий ипак.

**ВИСЛОЗАДЫЙ**, -ая, -ое *махс.* думбаси осилган.

**ВИСЛОУХИЙ**, -ая, -ое **1.** *махс.* шалпангқулоқ; **2.** ‖ *содд.* анқов, меров, овсар, довдир, бефаҳм.

**ВИСМУТ** *м хим.* висмут (1. ким'ёвий элемент — оқ қизғиш рангли мўрт металл; 2. *мед.* шу металл бирикмаларидан ясалган доривор).

**ВИСМУТОВЫЙ**, -ая, -ое *хим.* **висмут** *сўз. сиф.*; висмутдан қилинган, висмутга оид.

**ВИСНУТЬ** (висну, виснешь) *несов.* **1.** осилиб турмоқ, осилмоқ; **2.** ‖ ёпишмоқ, осилиб олмоқ, бўйнидан қучоқлаб олмоқ.

**ВИСОК** *м (мн.* **виски**) **1.** чакка; **2.** ‖ чаккада ўсган соч.

**ВИСОКОСНЫЙ**, -ая, -ое: **високосный год** кабиса йили, тўла йил (ҳар тўрт йилда февраль ойи 28 кун эмас, балки 29 кундан келадиган йил).

**ВИСОЧЕК** *м* **висок** *сўз. кичр. айтилиши; қ.* **висок**.

**ВИСОЧНЫЙ**, -ая, -ое **висок** *сўз. сиф.*; **височная кость** чакка суяги; **височное кольцо** гажак.

**ВИСТ** *м* **1.** вист (тўрт кишилик қарта ўйинининг бир хили); **2.** *межд.* қўли баланд бўлганда ўйинга чақириш (қарта ўйинида).

**ВИСТОВАТЬ** (вистую) *несов.* вист ўйнамоқ; қўли баланд бўлганда ўйинга чақирмоқ (қарта ўйинида).

**ВИСЮЛЬКА** *ж ж. т.* шокила, попук, осиладиган ёки тақиладиган нарса.

**ВИСЯЧИЙ**, -ая, -ее осма, осилиб турадиган, муаллақ; **висячий мост** осмакўприк.

**ВИТАЛИЗМ** *м мн. нет биол.* витализм (ҳаёт процесси гўё организмларда бўладиган алоҳида „ҳаёт кучи" туфайли рўй беради деб да'во қилувчи реакцион идеалистик та'лимот).

**ВИТАЛИСТ** *м* виталист (витализм тарафдори, витализм маслагидаги киши); *қ.* **витализм**.

**ВИТАЛИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **витализм** *сўз. сиф.*; *қ.* **витализм**.

**ВИТАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ҳаётга, тирикликка оид.

**ВИТАМИН** *м биол.* витамин (1. ўсимликларда, шунингдек ҳайвонларда бўладиган ва кишининг ҳаёти учун зарур бўлган алоҳида, мураккаб, азотли биллур модда; 2. шундай моддалар қўшиб ишланган доривор).

**ВИТАМИННЫЙ**, -ая, -ое, **ВИТАМИНОЗНЫЙ**, -ая, -ое **витамин** *сўз. сиф.*; витаминли, сервитамин.

**ВИТАМИНОЗНЫЙ** = **витаминный** *(қ.)*.

**ВИТАТЬ** *несов.* хаёлга чўммоқ; хаёл денгизига ботмоқ; айланиб юрмоқ, самовий завқларга берилмоқ; **смерть витает над ним** унинг бошида ажал айланишиб қолди; ◊ ***витать в воздухе*** ёки ***витать в облаках*** ***(кест.)*** пуч хаёллар блан овора бўлмоқ, хаёлпарастлик қилмоқ.

**ВИТИЕВАТОСТЬ** *ж мн. нет* фасоҳат, дабдаба, ҳашамат (услуб ёки нутқ ҳақида).

**ВИТИЕВАТЫЙ**, -ая, -ое фасоҳатли, тумтароқли, ҳашаматли (услуб ёки нутқ ҳақида).

**ВИТИЙСТВО** *ср поэз. эск.* сухандонлик, гапга чечанлик, нуктадонлик.

**ВИТИЙСТВОВАТЬ** (витийствую) *несов. эск.* сухандонлик қилмоқ, сўзамоллик қилмоқ, гапга чечанлик қилмоқ, гапдонлик қилмоқ.

**ВИТИЯ** *м эск. кест.* нотиқ, гапга чечан, сўзамол.

**ВИТОЙ**, -ая, -ое эшилган, буралган; айланма, бурама, буралма.

**ВИТОК** *м махс.* бир бурам, бир ўрам (спиральнинг бир ўрами).

**ВИТРАЖ** *м* витраж (ҳархил суратлар солинган ойналар).

**ВИТРИНА** *ж* витрина (магазиннинг деразаси орқасига, жавонга ёки усти ойналик қутига кўргазма учун турли нарсалар, моллар намунаси қўйиладиган жой).

**ВИТТОВА ПЛЯСКА** *қ.* **пляска**.

**ВИТУ́ШКА** *ж ж. т.* **1.** ўрилган, буралган нарса; **2.** ўрама булка нон.

**ВИ́ТЫЙ**, -ая, -ое ўралган, буралган, эшилган, ўрилган.

**ВИТЬ** *(вью, вьёшь) несов* **1.** эшмоқ, ўрмоқ, чийрамоқ, ўрамоқ, тўқимоқ; **2.** коптоқ қилмоқ, коптоқ қилиб ўрамоқ; **вить гнездо́** уя солмоқ, ин ясамоқ; ◇ *вить верёвки* (*из кого́*) (*ж. т.*) бировга айтганини қилдирмоқ, бировни бутунлай ўзига бўйсундирмоқ.

**ВИТЬЁ** *ср мн. нет махс.* эшиш, ўриш, чийраш.

**ВИ́ТЬСЯ** *несов.* **1.** ўралмоқ, чирмалмоқ; чирмашмоқ; **2.** жингалак бўлмоқ; **3.** жилпангламоқ, жилпанглаб юрмоқ; **4.** гир айланиб учмоқ, ўралашмоқ; **5.** ‖ парвона бўлмоқ, ўралашиб юрмоқ; **6.** эшилмоқ, ўрилмоқ.

**ВИ́ТЮТЕНЬ, ВИТЮ́ТЕНЬ** *м зоол* қашқарғуррак (ёввойи каптарнинг бир тури).

**ВИ́ТЯЗЬ** *м эск.* ботир, баҳодир, паҳлавон, диловар.

**ВИХЛЯ́ВЫЙ**, -ая, -ое лапангловчи, лапанглаб юручи; шалвираб юрадиган.

**ВИХЛЯ́ТЬ** *несов. содд.* лапангламоқ, шалвираб юрмоқ.

**ВИХЛЯ́ТЬСЯ** *несов. содд* лапанглаб юрмоқ, шалвираб юрмоқ.

**ВИХО́Р** *м ж. т* **1.** гажак; **2.** вихры *мн.* тиккайган ёки ҳурпайган соч.

**ВИ́ХОРЬ** *м ж. т.*=**вихрь** *(қ.).*

**ВИХРА́СТЫЙ**, -ая, -ое *ж. т* жингалак, гажак-гажак (сочли), сочлари паришон.

**ВИХРЕВО́Й**, -ая, -ое уюрмали, довулли.

**ВИ́ХРЕМ** *нареч.* ғизиллаб, ғириллаб.

**ВИХРИ́ТЬСЯ** *несов.* гирдибод бўлиб айланмоқ, уюрма бўлиб айланмоқ.

**ВИХРЬ** *м* гирдибод, гирдоб, уюрма, қуюн; бўрон, довул; **в вихре событий** воқиалар гирдобида.

**ВИ́ЦЕ-** бирор мансаб ёки вазифа номининг олд томонидан қўшиб айтиладиган сўз бўлиб, шу мансаб ёки вазифа эгасининг муовинини, ўринбосарини билдириб келади, мас.: **вице-президе́нт, ви́це-губерна́тор** ва ш. к.

**ВИ́ЦЕ-АДМИРА́Л** *м ҳарб. денг.* вице-адмирал (адмираллик унвонининг контр-адмиралдан юқориги иккинчи даражаси); *қ.* **адмира́л**.

**ВИ́ЦЕ-ПРЕЗИДЕ́НТ** *м* вице-президент, президент ўринбосари.

**ВИЦМУНДИ́Р** *м* вицмундир (эски вақтда амалдорларнинг расмий кийими).

**ВИ́ШЕНКА** *ж ж. т.* бир дона олча, олча донаси.

**ВИ́ШЕННИК** *м маҳл.* олчазор.

**ВИ́ШЕНЬЕ** *ср мн. нет ж. т.* олчалар, олча.

**ВИШНЁВКА** *ж* олчадан солинган вино; олча солинган арoқ.

**ВИШНЁВЫЙ**, -ая, -ое *ж. т.* **1. вишня** *сўз. сиф.*; **вишнёвое де́рево** олча дарахти; **вишнёвый сад** олчазор; **пла́тье вишнёвого цве́та** жигарранг ёки тўққизил кўйлак; **2.** олчадан қилинган; олчаники; **вишнёвое варе́нье** олча мураббоси.

**ВИ́ШНЯ** *ж* **1.** олча (гилос); олча дарахти; **2.** олча меваси.

**ВИШНЯ́К** *м маҳл.* = **ви́шенник** *(қ.)*

**ВИШЬ** *сл. сл. ж. т.* мана, ана, буни қара; **вишь, ты како́й** сени қараю, ана холос.

**ВКА́ЛЫВАТЬ** *несов. қ.* **вколо́ть.**

**ВКА́ЛЫВАТЬСЯ** *несов. қ* **вколо́ться.**

**ВКАПА́ТЬ** *сов. содд.* томизмоқ, томизиб қўймоқ.

**ВКА́ПЫВАТЬ** I *несов. қ.* **вкопа́ть.**

**ВКА́ПЫВАТЬ** II *несов. қ.* **вка́пать.**

**ВКА́ПЫВАТЬСЯ** I *несов. қ.* **вкопа́ться.**

**ВКА́ПЫВАТЬСЯ** II *несов.* томизилмоқ, томизиб қўйилмоқ.

**ВКАРАБКАТЬСЯ** *сов. ж. т.* **1.** тирмашиб, ўрмалаб чиқмоқ; **2.** *қ.* **вскара́бкаться.**

**ВКАРА́БКИВАТЬСЯ** *несов. ж. т. қ.* **вкарабкаться**.

**ВКАТА́ТЬ** *сов.* 1. думалатмоқ, думалатиб киргизмоқ; 2. *содд.* хатга ёзиб, хатга тиркаб қўймоқ.

**ВКАТИ́ТЬ** (вкачу́, вка́тишь) *сов.* 1. думалатиб ёки ғилдиратиб киргизмоқ; 2. бехосдан урмоқ, туширмоқ; 3. бермоқ, қўймоқ; **вкати́ли ему́ вы́говор** унга виговор беришди; 4. *содд.* хатга тиркамоқ, хатга қўшимча ёзмоқ; 5. *содд.* бостириб кирмоқ, бирданига кириб келмоқ.

**ВКАТИ́ТЬСЯ** *сов.* 1. думалаб ёки ғилдираб кирмоқ; 2. югурганча келиб кирмоқ, бостириб кирмоқ.

**ВКА́ТКА** *ж содд.* думалатиб, ғилдиратиб киргизиш.

**ВКА́ТЫВАТЬ** *несов. қ.* **вката́ть** ва **вкати́ть**.

**ВКА́ТЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вкати́ться**.

**ВКА́ЧАННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* насос блан босиб тўлдирилган.

**ВКАЧА́ТЬ** *сов.* насос блан босиб тўлдирмоқ.

**ВКА́ЧЕННЫЙ**, -ая, -ое думалатиб ёки гилдиратиб киргизилган.

**ВКА́ЧИВАТЬ** *несов. қ.* **вкача́ть**.

**вкачу́** *буд. от* **вкати́ть** *(қ.).*

**ВКА́ШИВАТЬСЯ** *несов. маҳл. қ.* **вкоси́ться**.

**ВКИДА́ТЬ** *сов. содд.* ирғитиб юкламоқ, отиб-отиб ташламоқ.

**ВКИ́ДЫВАТЬ** *несов. қ.* **вкида́ть** ва **вки́нуть**.

**ВКИ́НУТЬ** *сов.* ташламоқ, ирғитиб, отиб ташламоқ.

**ВКЛА́Д** *м* 1. *мл. эк.* пул қўйиш, омонат кассага, банк ва ҳ. к. га пул солиб қўйиш; 2. бирор жойга, банкка ва ҳ. к. га қўйилган пул, маблағ; 3. ‖ ҳисса қўшиш; қўшилган ҳисса, бойлик, янги муваффақият; **сде́лать це́нный вклад в нау́ку** фанга қимматли ҳисса қўшмоқ.

**ВКЛА́ДКА** *ж* 1. қўйиш, киргизиш, қўшиш; 2. *махс.* китоб ва ҳ. к. га илова қилинган қўшимча варақ.

**ВКЛАДНО́Й**, -ая, -ое 1. қўшимча; орасига илова қилинган қўшимча; **вкладно́й лист** қўшимча варақ; 2. *эк. мл.* пул солишга, пул қўйишга оид; **вкладны́е су́ммы** қўшилган маблағлар.

**ВКЛА́ДЧИК** *м*, **ВКЛА́ДЧИЦА** *ж мл.* омонатчи, омонат пул қўючи.

**ВКЛА́ДЧИЦА** *ж қ.* **вкла́дчик**.

**ВКЛА́ДЫВАТЬ** *несов. қ.* **вложи́ть**.

**ВКЛА́ДЫВАТЬСЯ** *несов.* қўйилмоқ, илова қилинмоқ, қўшимча қилинмоқ.

**ВКЛА́ДЫШ** *м махс.* 1. бирор нарсанинг ичига солиб қўйилган илова, қўшимча варақ; хатчўп; 2. *тех.* вкладиш (подшипникларнинг чиқариб олиб, баббит қуйиб ўз жойига яна қўйиладиган қисми).

**ВКЛЕ́ЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. ямалган, ёпиштирилган; 2. *ж. т.* қўшилган, илова қилинган.

**ВКЛЕ́ИВАТЬ** *несов. қ.* **вкле́ить**.

**ВКЛЕ́ИВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вкле́иться**.

**ВКЛЕ́ИТЬ** (вкле́ю) *сов.* 1. бир нарсанинг ичига ёпиштирмоқ, ямамоқ, орасига ёпиштирмоқ; 2. ‖ гапга аралашмоқ, сўз қотмоқ.

**ВКЛЕ́ИТЬСЯ** *сов. ж. т.* варақ орасига ёпиштирилмоқ, ямоқ бўлиб кирмоқ.

**ВКЛЕ́ЙКА** *ж* 1. орасига ёпиштириш; 2. *махс.* орасига ёпиштирилган варақ; китобга қўшимча қилиб ёпиштирилган варақ.

**ВКЛЁПАННЫЙ**, -ая, -ое *тех.* бир нарсанинг ичига қоқилган, парчин мих блан уланган.

**ВКЛЕПА́ТЬ** *сов.* 1. *тех.* бир нарсанинг орасига ёки ичига қистириб, киргизиб парчинламоқ; 2. ‖ туҳмат қилиб бировни балога қолдирмоқ, тақамоқ.

**ВКЛЕПА́ТЬСЯ** *сов.* 1. *содд.* туҳматга қолмоқ, чалкаш ишга аралашиб балога қолмоқ; 2. *тех.* бир нарсанинг ичига ёки орасига киргизиб олиб парчинланмоқ.

**ВКЛЁПЫВАТЬ** *несов. қ.* **вклепа́ть**.

**ВКЛЁПЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* вклепаться.

**ВКЛИНЁННЫЙ**, -ая, -ое пона қилинган; суқилиб кирган, туртиб кирган.

**ВКЛИ́НИВАТЬ** *несов. қ.* вклинить.

**ВКЛИ́НИВАТЬСЯ** *несов. қ.* вклиниться.

**ВКЛИНИ́ТЬ** (вклиню) *сов.* 1. пона қилиб қоқмоқ, суқиб киргизмоқ, суқмоқ; ёриб кирмоқ; 2. ‖ сўз қотмоқ, сўзга аралашмоқ, гап қистирмоқ.

**ВКЛИНИ́ТЬСЯ** *сов.* 1. суқилиб кирмоқ, понадек суқилиб кирмоқ; 2. орасига ёриб кирмоқ, бостириб кирмоқ.

вклиню *буд. от* **вкли́нивать** *(қ.)*.

**ВКЛЮЧА́ТЕЛЬ** *м эл.* включатель, электр калиди (электр токини улайдиган ёки узадиган асбоб).

**ВКЛЮЧА́ТЬ** *несов. қ.* включить.

**ВКЛЮЧА́ТЬСЯ** *несов. қ.* включиться.

**ВКЛЮЧА́Я** жумладан, шу жумладан,... ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, айтганда; **собрали́сь все, включа́я старико́в** ҳамма, шу жумладан қариялар ҳам тўпланишди.

**ВКЛЮЧЕ́НИЕ** *ср* қўшиш, улаш, тиркаш, киргизиш, илова қилиш.

**ВКЛЮЧЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. уланган, қўшилган; ёндирилган (электр чироқ ҳақида); 2. ҳисобга ёки рўйхатга киргизилган, тиркалган, уланган.

**ВКЛЮЧИ́ТЕЛЬНО** *нареч.* қўшиб, ичига олиб, саноққа киргизиб; **предоста́вить о́тпуск с 1 по 15 ма́я включи́тельно** 1-нчи майдан 15-нчи майгача (15-нчи май кунини ҳам қўшиб) отпуска берилсин.

**ВКЛЮЧИ́ТЬ** (включу) *сов.* 1. уламоқ, қўшмоқ, илова қилмоқ, киргизмоқ; 2. *тех.* ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; **включи́ть мото́р** моторни юргизмоқ.

**ВКЛЮЧИ́ТЬСЯ** *сов.* уланмоқ, қўшилмоқ, тиркалмоқ; **включи́ться в социалисти́ческое соревнова́ние** социалистик мусобақага қўшилмоқ.

**ВКО́ВАННЫЙ**, -ая, -ое чўкичлаб киргизилган.

**ВКОВА́ТЬ** (вкую) *сов.* чўкичлаб киргизмоқ.

**ВКОЛА́ЧИВАТЬ** *несов. қ.* вколоти́ть.

**ВКОЛА́ЧИВАТЬСЯ** *несов.* қоқилмоқ, уриб киргизилмоқ.

**ВКОЛОТИ́ТЬ** (вколочу, вколотишь) *сов.* қоқмоқ, суқмоқ, қоқиб киргизмоқ, уриб киргизмоқ; ◊ ***вколоти́ть в го́лову*** уқдирмоқ, тушунтирмоқ, мияга қуймоқ; ***вколоти́ть себе́ в го́лову (содд.)*** миясига жойлаб олмоқ, бўлмағур нарса блан миясини қотирмоқ.

**ВКО́ЛОТЫЙ**, -ая, -ое тўғналган, санчилган, қадалган, тиқилган.

**ВКОЛО́ТЬ** (вколю) *сов.* тўғнамоқ, санчмоқ, тиқмоқ, қадамоқ.

**ВКОЛО́ТЬСЯ** *сов. ж. т.* тўғналмоқ, қадалмоқ, санчилмоқ.

**ВКОНЕ́Ц** *нареч. ж. т.* батамом, тамоман, бутунлай, тамомила, буткул; **вконе́ц изму́чить** қийнаб тинкасини қуритмоқ.

**ВКО́ПАННЫЙ**, -ая, -ое кўмилган, ерга қоқилган; ◊ ***стои́т, то́чно вко́панный*** худди қоқилган қозиқдек қаққайиб турипти.

**ВКОПА́ТЬ** *сов.* ерга кўммоқ, қоқмоқ.

**ВКОПА́ТЬСЯ** *сов.* 1. ерга қоқилмоқ, кўмилмоқ; 2. қазиб, кавлаб кириб кетмоқ.

**ВКОРЕНИ́ТЬ** (вкореню) *сов.* 1. томир олдирмоқ, ўрнаштирмоқ, илдиз оттирмоқ; 2. ‖ ўрнаштирмоқ, ёймоқ, ёйдирмоқ, расм қилмоқ, одат қилмоқ.

**ВКОРЕНИ́ТЬСЯ** *сов.* 1. илдиз отмоқ, томир ёймоқ; 2. ўрнашмоқ, ёйилмоқ, расм бўлмоқ, одат бўлмоқ.

**ВКОРЕНЯ́ТЬ** *несов. қ.* **вкоренить.**

**ВКОРЕНЯ́ТЬСЯ** *несов. қ.* вкорениться.

**ВКОСИ́ТЬСЯ** *сов. маҳл.* 1. ўра-ўра кириб бормоқ; **он уже́ далеко́ вкоси́лся в камыши́** у ўра-ўра тўқайнинг анча ичкарисига кириб қолди; 2. ўра-ўра бировнинг томонига ўтиб кетмоқ; **он вкоси́лся в**

**наш участок** у уриб келиб бизнинг участкамизга кириб қолди; 3. уришга ҳавас орттирмоқ; уриш ишига урганиб қолмоқ, уришга берилиб, қизишиб киришмоқ.

**ВКОСУЮ** *нареч. содд.*=**вкось** *(қ.)*.

**ВКОСЬ** *нареч. содд.* қийшиқ, қиясига, қиялаб, қийиқ, нишоб, бурчакма-бурчак; **платок, сложенный вкось** қийиқча, қийиқ румол.

**ВКП(б)** [*Всесоюзная Коммунистическая Партия (большевиков)*] ВКП(б)—[Бутуниттифоқ Коммунист (большевиклар) Партияси].

**вкрадусь** *буд. от* **вкрасться** *(қ.)*.

**ВКРАДЧИВО** *нареч.* силлиққина, алдамчилик блан, муғомбирларча, тилёғламалик блан, ҳийла блан, тулкилик қилиб.

**ВКРАДЧИВОСТЬ** *ж мн. нет* алдамчилик, муғомбирлик ёки маккорлик, бировнинг пинжига киришлик, тулкилик.

**ВКРАДЧИВЫЙ**, -ая, -ое алдамчи, муғомбир, маккор, тилёғлама, қаллоб, айёр, қув; **вкрадчивая речь** тилёғлама гап, муғомбирона, сир бермас гап.

**ВКРАДЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вкрасться.**

**ВКРАИВАТЬ** *несов. қ.* **вкроить.**

**ВКРАПИТЬ** (вкраплю, вкрапишь) *сов.* 1. сепмоқ, хол туширмоқ, пуркамоқ; 2. чочмоқ, ора-сира чочиб қуймоқ, уер-буерга чочиб қуймоқ; 3. ‖ илова қилиб қушмоқ.

**ВКРАПЛЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. сепилган, пуркалган; тарқатиб қуйилган; 2. чочилган; ора-сира жойланган; 3. ‖ илова қилинган, киритилган.

**ВКРАПЛИВАТЬ** *несов. қ.* **вкрапить.**

**ВКРАПЛИВАТЬСЯ** *несов* чочилиб, хол-хол булиб тушмоқ, дона-дона булиб тушмоқ.

**ВКРАПЛЯТЬ** *несов. қ.* **вкрапить.**

**ВКРАПЛЯТЬСЯ** *несов. қ.* **вкрапливаться**

**ВКРАСТЬСЯ** *сов.* 1. писиб ёки пайқатмасдан кирмоқ; 2. ‖ янглишиб, адашиб кириб қолмоқ; тасодифан кириб қолмоқ; **в статью вкрались опечатки** мақолада матбаа хатоси кетипти; **вкрасться в доверие** айёрлик блан бировнинг пинжига кирмоқ, хушомадгуйлик (тилёғламалик) қилмоқ; ҳийла блан ишонч қозонмоқ.

**ВКРАТЦЕ** *нареч.* хуллас, қисқаси, қисқача қилиб айтганда.

**ВКРИВЬ** *нареч. ж. т.* қиясига, қийшиғига, эгрисига, қинғирига, нотуғри; **он всё понимает вкривь** у ҳар нарсани тескари тушунади, ҳар нарсани эгриликка олади; ◇ ***вкривь и вкось*** қингир-қийшиқ, пала-партиш, тартибсиз.

**ВКРОИТЬ** *сов.* бичиб уламоқ, бичганда улоқ қушмоқ.

**ВКРУГ** *қ.* **вокруг.**

**ВКРУГОВУЮ** *нареч. ж. т.* айланасига, айланиб, атроф блан, айлантириб, давра қилиб.

**ВКРУТИТЬ** (вкручу, вкрутишь) *сов.* 1. қушиб урмоқ, қушиб эшмоқ, қушиб ҳимармоқ; 2. бураб киргизмоқ; 3. лақиллатмоқ, алдамоқ.

**ВКРУТИТЬСЯ** *сов.* қушилиб эшилмоқ, ҳимарганда қушилиб кетмоқ.

**ВКРУТУЮ** *нареч.* қотиб; қотириб; **яйца вкрутую** қотириб пиширилган тухум.

**ВКРУЧЕННЫЙ**, -ая, -ое қушиб ҳимарилган, қушиб пишитилган; қушиб урилган.

**ВКРУЧИВАТЬ** *несов. қ.* **вкрутить.**

**ВКРУЧИВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вкрутиться.**

**ВКУПЕ** *нареч. эск.* биргаликда, биргалашиб, купլашиб, шерикликда; тил бириктириб.

**ВКУС** *м* 1. там, мазани сезиш (одамдаги бешта ташқи сезгининг бири); **пробовать на вкус** мазасини тотиб курмоқ; **горький на вкус** ютуми аччиқ; 2. лаззат, тот; 3. дид, завқ, нафосатни, гузалликни сезиш, тушуниш; 4. бирор нарсага ишқивозлик, ҳавас; 5. *ж. т.* услуб, йул, тарз; ◇ ***входить во вкус*** мазасига тушунмоқ, ҳавосини олмоқ, мазахурак булмоқ; **в этом**

вопросе мы с тобой одних вкусов бу масалада икковимизнинг дидимиз бир экан.

**ВКУСИ́ТЬ** (вкушу́, вку́сишь) *сов.* 1. *ж. т.* емоқ, еб қўймоқ; 2. ‖ лаззатланмоқ, маза қилмоқ; **вкуси́ть радость** шодланмоқ, қувонмоқ, хуррам бўлмоқ; **вкуси́ть покой** ором олмоқ.

**ВКУ́СНЫЙ**, -ая, -ое мазали, тотли, лаззатли, лазиз, ширин, хушхўр.

**ВКУСОВО́Й**, -ая, -ое вкус *сўз. сиф.*; мазали, лазиз, маза берадиган, хуштам; **вкусовые вещества** овқатга лаззат берадиган нарсалар.

**ВКУША́ТЬ** *несов. қ.* **вкуси́ть.**

**ВКУШЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. ейилган; 2. тотиб кўрилган.

**ВЛА́ГА** *ж мн. нет* 1. сув; 2. нам, рутубат; 3. буғ

**ВЛАГА́ЛИЩЕ** *ср* 1. *анат.* мойлиқ (хотинлар таносил а'зосининг ичи); 2. *бот.* қин

**ВЛАГА́ТЬ** *несов. қ.* **вложи́ть.**

**ВЛАГА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вкла́дываться.**

**ВЛАГОЁМКОСТЬ** *ж* нам сақлашлик; **влагоёмкость почвы** тупроқнинг (ернинг) нам сақлашлиги.

**ВЛАГОМЕ́Р** *м* намликни ўлчайдиган асбоб.

**ВЛАДЕ́ЛЕЦ** *м*, **ВЛАДЕ́ЛИЦА** *ж* эга, бийловчи, тасарруф этувчи; соҳиб, хўжайин.

**ВЛАДЕ́ЛИЦА** *ж қ.* **владе́лец.**

**ВЛАДЕ́ЛЬЧЕСКИЙ**, -ая, -ое владелец *сўз. сиф.*; тасарруф қилинадиган, мулкка, тасарруфга оид; **владе́льческие зе́мли** эгалик ерлар.

**ВЛАДЕ́НИЕ** *ср* 1. эгалик қилиш, тасарруф қилиш, молик бўлиш; 2. мулк, ер-сув, ҳовлижой, хонадон; 3. бирор давлатга қарашли ўлка.

**ВЛАДЕ́ТЕЛЬ** *м* 1. мулк эгаси; 2. ҳоким, подшоҳ.

**ВЛАДЕ́ТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* **владе́тель.**

**ВЛАДЕ́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое владетель *сўз. сиф.*; мулкдор, бадавлат, бой.

**ВЛАДЕ́ТЬ** *несов.* эгалик қилмоқ, молик бўлмоқ, тасарруф этмоқ, бийламоқ, идора қилмоқ; **владе́ть русским языком** рус тилини билмоқ; **больной не владе́ет правой рукой** беморнинг ўнг қўли ишга ярамайди; **владе́ть винто́вкой** милтиқ отишни билмоқ, қурол тутабилмоқ; ◇ ***владе́ть собо́й*** ўзини эҳтиёт қилмоқ, ўзини мардона тутмоқ, адабли, оғир бўлмоқ, ўзини тутабилмоқ.

**ВЛАДЫ́КА** *м* 1. ҳукмрон, ҳоким, эга, шоҳ, султон; 2. *черк.* = **архиере́й** *(қ.)*.

**ВЛАДЫ́ЧЕСТВО** *ср* давлат, салтанат, ҳукмронлик, ҳокимият.

**ВЛАДЫ́ЧЕСТВОВАТЬ** *несов.* ҳокимиятга эга бўлмоқ, ҳукмдорлик қилмоқ, ҳукмдор бўлмоқ.

**ВЛАДЫ́ЧИЦА** *ж* 1. хотин подшоҳ, ҳукмдор; 2. *черк.* биби Мар'ямнинг бир тавсифи.

**ВЛАЖНЕ́ТЬ** *несов.* намланмоқ, нам тортмоқ, ҳўл бўлмоқ, рутубатланмоқ.

**ВЛА́ЖНОСТЬ** *ж мн. нет* намлик, ҳўллик, захкашлик, рутубат.

**ВЛА́ЖНЫЙ**, -ая, -ое нам, ҳўл, сернам; зах, захкаш; **вла́жные глаза́** ёшланган кўз, йиғлаган кўз.

**ВЛА́МЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **вломи́ться**

**ВЛА́СТВОВАТЬ** (вла́ствую) *несов. эск.* 1. ҳукм сурмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмронлик қилмоқ, ўз сўзини ўтказмоқ; 2. давр сурмоқ; 3. *эск.* = **владеть** *(қ.)*.

**ВЛАСТЕЛИ́Н, ВЛАСТИ́ТЕЛЬ** *м*, **ВЛАСТИ́ТЕЛЬНИЦА** *ж* 1. ҳоким, ҳукмдор, подшоҳ, султон, амир; 2. ‖ *поэз.* ўзига маҳлиё қилувчи, ўз айтганини қилдирувчи, ўз та'сирини ўтказувчи; **власти́тель дум** донишманд, ҳукамо.

**ВЛАСТИ́ТЕЛЬ** *м* = **властели́н** *(қ.)*.

**ВЛАСТИ́ТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* **власти́тель** ва **властели́н**.

**ВЛАСТИ́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. амр этувчи, ҳукм этувчи, амри қат-

тиқ, ҳукми юрадиған; 2. кучли, қудратли.

**ВЛАСТНО** *нареч.* 1. амр блан, фармон блан, буйруқ бериб; 2. қат'ий, қаттиқ, амирона, ҳокимона, дўқ уриб.

**ВЛА́СТНОСТЬ** *ж мн. нет* ҳукмронлик, ҳокимлик, амирлик; **в голосе его чу́вствовалась властность** унинг гапларидан амр сезилиб турарди.

**ВЛА́СТНЫЙ**, -ая, -ое *м* 1. ҳоким, ҳукми юрадиган, ҳукмрон, сўзи ўтадиган; ихтиёрли; 2. кучли, қудратли; 3. амр ва фармон беришга одатланган.

**ВЛАСТОЛЮБЕЦ** *м* ҳокимиятпараст, мансабпараст одам.

**ВЛАСТОЛЮБИ́ВЫЙ**, -ая, -ое ҳокимиятпараст, мансабпараст, ҳоким бўлишни, буйруқ қилишни яхши кўручи.

**ВЛАСТОЛЮБИЕ** *ср мн. нет* ҳокимиятпарастлик, мансабпарастлик, амалпарастлик.

**ВЛАСТЬ** *ж* 1. ҳокимият, сиёсий ҳукмронлик, ҳокимлик; 2. давлат тузуми, усул идора, ҳукумат; **сове́тская власть** совет ҳукумати; 3. **власти** *мн.* ма'мурият, ма'мурлар, бошлиқлар; **ме́стные власти** маҳаллий ҳукумат; **вое́нные власти** ҳарбий ма'мурлар; 4. куч, қувват, ирода; **роди́тельская власть** ота-оналар ихтиёри; ◇ ***превыше́ние власти*** ҳаддидан ошмоқ, ҳаққи йўқ ишни қилмоқ; ***ваша власть*** ихтиёрингиз, ихтиёр сизда, майлингиз.

**ВЛАСЫ** *эск.*=**волосы**; *қ.* **волос**.

**ВЛАСЯНИЦА** *ж* жанда (дарвишларнинг жундан тўқилган кийими).

**ВЛАЧИ́ТЬ** (влачу́) *несов. эск.*: **влачи́ть жалкое существование** 1) аранг кун кўрмоқ, фақирликда, мискинликда, муҳтожликда яшамоқ; 2) машаққат тортмоқ, азоб чекмоқ, қийналмоқ.

**ВЛАЧИ́ТЬСЯ** *несов. эск.* машаққат блан фақирона яшамоқ, саргардон бўлмоқ, сарсон бўлмоқ, азоб чекмоқ.

**ВЛЁВО** *нареч.* чапга, чап томонга, сўлга; чапда.

**ВЛЕЗА́ТЬ** *несов. қ.* **влезть.**

**ВЛЕЗТЬ** *сов.* 1. осилиб ёки тирмашиб юқори чиқмоқ, бир нарсанинг устига минмоқ; **влезть на дерево** дарахтга тирмашиб чиқмоқ; 2. ўғирлик қилмоқ; **в ко́мнату влез вор** уйга ўғри тушди; 3. суқилиб кирмоқ, кирмоқ; 4. сиғмоқ; ◇ ***влезть в долги́*** қарзга ботмоқ; ***влезть в ду́шу*** бировнинг кўнглини овламоқ, бировнинг сирини билмоқ, кўнглидагини билиб олмоқ.

**ВЛЕКО́МЫЙ**,-ая,-ое *эск.* 1. тортиб бораётган, судраб бораётган; 2. жалб қилинаётган, жазб қилинаётган, тортилаётган, шайдо бўлаётган, гирифтор бўлаётган.

**ВЛЕПИ́ТЬ** (влеплю́, вле́пишь) *сов.* 1. бир нарсанинг ичига ёпиштирмоқ, чапламоқ, ёпмоқ; 2. *ж. т. дагл.* қўндирмоқ, урмоқ, туширмоқ; **влепи́ть пощёчину** шапалоқ урмоқ, тарсаки урмоқ.

**ВЛЕПИ́ТЬСЯ** *сов.* ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ; **в меня влепи́лся репейник** менга чақамиқ ёпишти.

**ВЛЕ́ПЛЕННЫЙ**, -ая, -ое, **ВЛЕПЛЕ́ННЫЙ**, -ая, -ое ёпиштирилган, чапилган, бир нарсанинг ичига ёпиштирилган.

**ВЛЕПЛЯ́ТЬ** *несов. қ.* **влепить.**

**ВЛЕПЛЯ́ТЬСЯ** *несов. қ.* **влепиться.**

**ВЛЁТ** 1. учиб кириш; 2. *содд.* койиш, сўкиш.

**ВЛЕТА́ТЬ** *несов.* 1. ичкарига учиб кирмоқ, учиб келиб қўнмоқ; 2. ‖ *ж. т.* югурганча кириб келмоқ; 3. *ж. т.* панд емоқ, қўлга тушмоқ; сўкишга қолмоқ, танбиҳ емоқ, койиш эшитмоқ.

**ВЛЕТЕ́ТЬ** (влечу́, влетишь) *сов. қ.* **влетать**

**ВЛЕЧЕ́НИЕ** *ср* майл, интилиш, ҳавас, тилак, рағбат, дард, берилиш; **серде́чное влече́ние** муҳаббат; **у меня́ нет влече́ния к математи́ке** математикани ўрганишга кўнглим йўқ (ҳавасим келмаяпти)

**ВЛЕЧЬ** (влеку́, влечёшь, влечёт, влечём, влечёте, влеку́т) *несов.* 1. *эск.* тортмоқ, судрамоқ; 2. ‖ жалб этмоқ, жазб қилмоқ, қизиқтирмоқ; 3. ‖ сабаб бўлмоқ, дучор қилмоқ;

◇ *влечь за собой* сабаб бўлмоқ, боис булмоқ

**ВЛЕ́ЧЬСЯ** *несов.* 1. *эск.* судралиб юрмоқ, судралиб бормоқ; 2. ‖ жалб қилинмоқ, мойил бўлмоқ, интилмоқ, рағбатланмоқ.

**ВЛИВА́НИЕ** *ср* қуйиш; **вливание крови** *(мед.)* қон қуйиш, томирга қон қуйиш.

**ВЛИВА́ТЬ** *несов. қ.* **влить.**

**ВЛИВА́ТЬСЯ** *несов. қ.* **влиться.**

**ВЛИПА́ТЬ** *несов. ж. т. қ.* **влипнуть.**

**ВЛИ́ПНУТЬ** *сов. ж. т. дағл.* панд емоқ, қўлга тушмоқ, балога қолмоқ.

**ВЛИТЬ** (волью) *сов* 1. қуймоқ, идишнинг ичига қуймоқ; 2. ‖ қўшмоқ, тўлдирмоқ; **приятное известие влило в него бодрость** хушхабар унга далда берди.

**ВЛИ́ТЬСЯ** *сов.* 1. қуйилмоқ; 2. кўнгил очилмоқ, кўтарилмоқ; **в меня влилась бодрость** руҳим тетикланди, кўнглим кўтарилди; 3. қўшилмоқ, тўлдирилмоқ; тўлмоқ.

**ВЛИЯ́НИЕ** *ср* 1. та'сир, та'сир этиш; 2. нуфуз, э'тибор, обрў.

**ВЛИЯ́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое нуфузли, э'тиборли, та'сирли, обрўли, му'табар.

**ВЛИЯ́ТЬ** *несов.* та'сир этмоқ, ор қилмоқ.

**ВЛКСМ** *(Всесоюзный Ленинский Коммунистический Союз Молодёжи)* ВЛКСМ (Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунист Ёшлар Союзи).

**ВЛОЖЕ́НИЕ** *ср* 1. бир нарсанинг ичига қўйиш (солиш); 2. куч ёки пул сарф қилиш; 3. маблағ, бирор ишга сарф қилинган пул.

**ВЛОЖИ́ТЬ** (вложу́) *сов.* 1. бир нарсанинг ичкарисига қўймоқ, тиқмоқ, суқмоқ, жойламоқ; **вложить саблю в ножны** қиличини қинига тиқмоқ; 2. ‖ сарф қилмоқ; 3. пул сарф қилмоқ, харажат қилмоқ; ◇ *вложить в уста* ўз фикрини бировга орқали билдирмоқ.

**ВЛОМИ́ТЬСЯ** *сов. ж. т.* зўрлик блан бостириб кирмоқ; ◇ *вломиться в амбицию (ж. т.)* ранжимоқ, гинахонлик қилмоқ, ўпкаламоқ, аразламоқ.

**ВЛО́ПАТЬСЯ** *сов. ж. т. дағл.* 1. бехосдан тушиб кетмоқ, ботиб қолмоқ (лойга); 2. панд емоқ, алданмоқ; 3. хуштор бўлмоқ, ишқи тушмоқ.

**ВЛО́ПЫВАТЬСЯ** *несов. ж. т. қ.* **влопаться.**

**ВЛОСК** *нареч. содд.* ғирт, ўтакетган, ҳаддан зиёд: **пьяный влоск** ғирт маст, маст-аласт.

**ВЛЮБЕ** *нареч.:* **вкупе и влюбе** *(кест.)* биров блан дўст-иноқ бўлиб, биргалашиб.

**ВЛЮБИ́ТЬ** (влюблю) *сов.* хуштор қилмоқ, ошиқ қилмоқ, маҳлиё қилмоқ.

**ВЛЮБИ́ТЬСЯ** *сов.* севмоқ, ошиқ бўлмоқ, яхши кўрмоқ.

**ВЛЮБЛЁННОСТЬ** *ж мн. нет* хушторлик, ошиқлик.

**ВЛЮБЛЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. хуштор, ошиқ, севган; 2. ошиқона, муҳаббатли, жозибали.

**ВЛЮБЛЯ́ТЬ** *несов. қ.* **влюбить.**

**ВЛЮБЛЯ́ТЬСЯ** *несов. қ.* **влюбиться.**

**ВЛЮБЧИВОСТЬ** *ж мн. нет* тез севучанлик, тез ишқи тушиш, ҳа деб севаверишлик, муҳаббатга, ишққа ортиқ мойиллик.

**ВЛЮБЧИВЫЙ**, -ая, -ое тез ошиқ бўладиган.

**ВЛЯПАТЬ** *сов. ж. т. менс.* 1. пала-партиш иш қилмоқ, наридан-бери иш қилмоқ; 2. ножўя гапириб қўймоқ, қўрслик қилмоқ.

**ВЛЯ́ПАТЬСЯ** *сов. ж. т. дағл.* 1. йиқилиб тушмоқ, тойиб кетмоқ (лойга); 2. ‖ панд емоқ, алданмоқ; хижолатда қолмоқ.

**ВМА́ЗАТЬ** (вмажу) *сов.* 1. бир нарсанинг ичкарисига чапимоқ; суртмоқ, ёпиштирмоқ, қўндириб ёпиштирмоқ; 2. *ж. т. дағл.* урмоқ.

**ВМА́ЗКА** *ж мн. нет* бир нарсанинг ичкарисига суртиш, ёпиштириш; ёпиштирилган, суркалган нарса.

**ВМАЗЫВАТЬ** *несов. қ.* **вмазать.**

**ВМА́ЗЫВАТЬСЯ** *несов.* **1.** бир нарсанинг ичкарисига ёпиштириб ўрнатилмоқ; **2.** ‖ суркалмоқ; ёпишмоқ, ёпиштирилмоқ.

**ВМА́ТЫВАТЬ** *несов. қ.* **вмота́ть.**

**ВМА́ТЫВАТЬСЯ** *несов.* қўшиб ўралмоқ.

**ВМЕНИ́ТЬ** (вменю) *сов.* юкламоқ, зиммасига қўймоқ; хисобга қўшмоқ; **вмени́ть в обя́занность** устига юкламоқ, вазифа топширмоқ.

**ВМЕНИ́ТЬСЯ** *сов* юкланмоқ, бўйнига қўйилмоқ; тақдир этилмоқ.

**ВМЕНЯ́ЕМОСТЬ** *ж мн. нет* ақли росалик, ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бераолишлик.

**ВМЕНЯ́ЕМЫЙ,** -ая, -ое **1.** ақли роса, эсли (ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бераоладиган); **2.** юклатилган, тўнкалган, юкланган; ◇ ***вменя́емое состоя́ние*** ақли росалик ҳолати.

**ВМЕНЯ́ТЬ** *несов. қ.* **вмени́ть.**

**ВМЕНЯ́ТЬСЯ** *несов. қ.* **вмени́ться.**

**ВМЕСИ́ТЬ** (вмешу́, вме́сишь) *сов.* қўшиб қормоқ, қориштирмоқ, аралаштириб қормоқ

**ВМЕ́СТЕ** *нареч.* бирга, бирликда, биргалашиб, баравар; ◇ ***вме́сте с тем*** шу блан бирга, шу блан баравар, яна бунинг устига; ***всё, вме́сте взя́тое*** ҳаммасини бирга қўшганда, ҳаммасини бирга қўшиб ҳисоблаганда.

**ВМЕСТИ́** (вмету́) *сов. қ.* **вмета́ть I.**

**ВМЕСТИ́ЛИЩЕ** *ср* бирор нарса сақланадиган, тўпланадиган жой, идиш.

**ВМЕСТИ́МОСТЬ** *ж мн нет* сиғим (бирор нарсанинг ма'лум миқдордаги бирор нимани ўзида сиғдираолиши); элтиш, кенглик; **бочка вмести́мостью сто ли́тров** сиғими юз литрлик бочка, юз литр элтадиган бочка.

**ВМЕСТИ́МЫЙ,** -ая, -ое сиғадиган.

**ВМЕСТИ́ТЕЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* **1.** сиғдираолишлик; кўп нарса сиғдираолишлик; **2.** ‖ катталик, кенглик.

**ВМЕСТИ́ТЕЛЬНЫЙ,** -ая, -ое сиғимли, кўп элтадиган; катта, кенг.

**ВМЕСТИ́ТЬ** (вмещу́, вмести́шь) *сов. қ.* **вмеща́ть.**

**ВМЕСТИ́ТЬСЯ** *сов. қ.* **вмеща́ться.**

**ВМЕ́СТО** *сл. сл.* ўрнига, баравари́га, бадалига, эвазига.

**ВМЁТАННЫЙ,** -ая,-ое кўкланган, чатилган, чокланган.

**ВМЕТА́ТЬ** I *сов.* супуриб ташламоқ, супуриб тўкмоқ.

**ВМЕТА́ТЬ** II (вмечу́) *сов.* кўкламоқ, чатмоқ, чатиб қўймоқ, чокламоқ.

**ВМЕТА́ТЬСЯ** *несов.* супурилмоқ, супуринди қилиб ташланмоқ.

**ВМЕТЁННЫЙ,** -ая, -ое супурилган, супурилиб ташланган.

**ВМЁТЫВАТЬ** *несов. қ.* **вмета́ть I.**

**ВМЁТЫВАТЬСЯ** *несов.* кўкланмоқ, чатилмоқ, чокланмоқ.

**ВМЕ́ШАННЫЙ,** -ая, -ое аралаштирилган, қатнаштирилган, аралашган, қатнашган.

**ВМЕША́ТЕЛЬСТВО** *ср* аралашиш, тиқилиш, қотишиш, дахл қилиш, мудохала.

**ВМЕША́ТЬ** *сов.* аралаштирмоқ, қўшмоқ, қориштирмоқ.

**ВМЕША́ТЬСЯ** *сов.* аралашмоқ, иштирок қилмоқ, қотишмоқ, суқилмоқ.

**ВМЕ́ШИВАТЬ** I *несов. қ.* **вмеша́ть.**

**ВМЕ́ШИВАТЬ** II *несов. қ.* **вмеси́ть**

**ВМЕ́ШИВАТЬСЯ** I *несов.* аралашмоқ, бировнинг ишига қотишмоқ, қатнашмоқ; **вме́шиваться не в своё де́ло** ўзгаларнинг ишига қотишмоқ.

**ВМЕ́ШИВАТЬСЯ** II *несов.* қориштирилмоқ, аралаштирилмоқ; **песо́к вме́шивается в гли́ну** қум лойға қўшиб қориштирилади.

**ВМЕЩА́ТЬ** *несов.* **1.** сиғдирмоқ; элтмоқ; **2.** жойлаштирмоқ, тахламоқ.

**ВМЕЩА́ТЬСЯ** *несов* сиғмоқ, лойиқ келмоқ; жойлаштирилмоқ, тахланмоқ, тўлдирилмоқ.

**ВМЕЩЕ́НИЕ** *ср* сиғиш, элтиш; сиғдириш, жойлаш.

**ВМИГ** *нареч.* бир лаҳзада, бир онда, кўз юмиб очгунча, бир дамда, дарров, дарҳол.

**ВМИНА́ТЬ** *несов. ж. т.* эзиб, ишқаб киргизмоқ, ғижимлаб киргизмоқ.

**ВМИНА́ТЬСЯ** *несов. ж.т.* эзилиб, ғижимланиб киргизилмоқ.

**ВМОТА́ТЬ** *сов. махс.* қўшиб ўрамоқ, калавага қўшиб ўраб юбормоқ.

**ВМУРО́ВАННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* ичига қўйиб сувааб ташланган, уриб ташланган, деворга кўмиб ташланган.

**ВМУРОВА́ТЬ** (вмурую) *сов. махс.* сувааб ташламоқ, кўмиб, сувааб ташламоқ, девор ичига тиқиб уриб қўймоқ; **вмурова́ть котёл** қозонни ўчоққа ўрнатиб, сувааб қўймоқ.

**ВМУРО́ВЫВАТЬ** *несов. махс. қ.* **вмурова́ть**.

**ВМЫВА́ТЬСЯ** *несов.* сингиб кетмоқ, эмилиб кетмоқ; шиммоқ, шимилмоқ; **селитра вмывается вглубь почвы** селитра эриб тупроққа сингиб кетади, селитрани тупроқ шимиб олади.

**ВМЯ́ТИНА** *ж* ғижим, эзик, пачоқ бўлган жой.

**ВМЯТЬ** *сов. қ.* **вмина́ть**.

**ВНАЁМ, ВНАЙМЫ́** *нареч.* кирага, ижарага; **отда́ть внаём** ижарага қўймоқ; кирага бермоқ.

**ВНАЙМЫ́=внаём** *(қ.)*.

**ВНАКИ́ДКУ** *нареч.* елкага ташлаб, устига ташлаб; **носи́ть пальто́ внаки́дку** пальтони елкага солиб юрмоқ.

**ВНАКЛА́ДКУ** *нареч.* **1.** *махс.* қоплама қилиб, қоплаб; **2.** *ж. т.* ичига солиб, чой ва ҳ. к. ичимликларга қанд солиб.

**ВНАЧАЛЕ** *нареч.* бошида, дастлаб, аввалда, аввал бошда.

**ВНЕ** *сл.сл.* ташқари, ташқарида, тишда, хорижда; **вне пла́на** пландан ташқари; **вне о́череди** навбатдан ташқари, навбат кутмасдан; ◊ ***вне себя́*** ўзида йўқ; ўзида йўқ холда (ҳаддан ташқари ғазабланиб ёки хурсанд бўлиб); ***вне вся́ких сомне́ний*** ҳеч шак-шубҳасиз, муқаррар равишда.

**ВНЕБРА́ЧНЫЙ**, -ая, -ое қонуний никоҳсиз, никоҳдан ташқари, беникоҳ; **внебра́чный ребёнок** никоҳсиз туғилган бола.

**ВНЕВОЙСКОВИ́К** *м* армия сафида турмай ҳарбий та'лим олучи.

**ВНЕВОЙСКОВО́Й**, -ая, -ое *ҳарб.* армиядан ташқарида; **вневойсково́я подгото́вка** армия сафига чақирилмай ўтказиладиган ҳарбий та'лим.

**ВНЕВРЕ́МЕННЫЙ**, -ая, -ое вақтга, замонга тааллуқсиз, вақт блан боғли бўлмаган, вақт блан чекланмаган.

**ВНЕДРЕ́НИЕ** *ср мн. нет* жорий қилиш, юргизиш; расм қилиш; ейиш, сингдириш; амалга ошириш.

**ВНЕДРЁННЫЙ**, -ая, -ое жорий қилинган, расм бўлган, ейилган, ўрнатилган, амалга оширилган.

**ВНЕДРИ́ТЬ** (внедрю) *сов.* жорий қилмоқ, юргизмоқ; расм қилмоқ, ёймоқ; ўрнатмоқ, амалга оширмоқ.

**ВНЕДРИ́ТЬСЯ** *сов.* жорий бўлмоқ, расм бўлмоқ, ёйилмоқ, ўрнашмоқ, амалга оширилмоқ.

**ВНЕДРЯ́ТЬ** *несов. қ.* **внедри́ть**.

**ВНЕДРЯ́ТЬСЯ** *несов. қ.* **внедри́ться**.

**ВНЕЗА́ПНО** *нареч.* тўсатдан, бирдан, қўққисдан, бехосдан, даф'атан; иттифоқан.

**ВНЕЗА́ПНОСТЬ** *ж мн. нет* **1.** тасодиф, кутилмаганлик, тўсатдан; **2.** *ж. т.* кутилмаган воқиа, тасодиф.

**ВНЕЗА́ПНЫЙ**, -ая, -ое тўсатдан бўлган, қўққисдан бехосдан, ногоҳдан бўлган.

**ВНЕКЛА́ССНЫЙ**, -ая -ое синфдан ташқаридаги; мактабдан ташқарида бўладиган; **внекла́ссные заня́тия** дарсдан кейинги машғулот.

**ВНЕКЛА́ССОВЫЙ**, -ая, -ое жамиятдаги синфлардан ташқари, ижтимоий синфларга алоқаси бўлмаган.